


ФРАНЦ
КАФКА



ЭБРИТИШ

Ҳикоя

ҲИКМАТЛАР



ТОШКЕНТ — «O'ZBEKISTON» — 2013

УДК: 821. 512. 133-3

ББК: 83.3(4Гем)

К 30

*Герман адабиётининг
лиси*

Кафка, Франц.

К 30 Эврилиш: Хикматлар / Ф. Кафка. — Тошкент: O'zbekiston, 2012. — 120 б.

ISBN 978-9943-01-826-6

XX аср адабиётининг ёркин намояналаридан бири Франц Кафка ижодининг роман ва қиссалари, хикояларида даврнинг долзарб сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий муаммолари, инсон руҳиятининг энг мураккаб қирралари, оддий одамларнинг фожиавий қисматлари юксак маҳорат билан тасвирланган.

Этиборингизга ҳавола этилаётган маъмур тўпلامдан профессор Акмал Саидовнинг Ф.Кафка ижоди ҳақидаги эссеси, адибнинг энг машҳур асарларидан бири — «Эврилиш» хикояси, Нобель мукофоти лауреати Владимир Набоковнинг ижодкорнинг ушбу асари таҳлиliga бағишланган мақоласи ҳамда Кафка ҳикматлари ўрин олган.

Тўплам кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

УДК: 821. 512. 133-3

ББК: 83.3(4Гем)

*31510
1/1 2012*

ISBN 978-9943-01-826-6

*3145
3202*

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013

Франц КАФКА

Франц Кафка (Franz Kafka) — асарлари немис тилида ёзилган XX асрнинг йирик ёзувчиларидан ҳисобланади. У 1883 йил 3 июлда Прагада (ҳозирги Чехия бу вақтда Австрия — Венгрия империяси таркибида бўлган) яхудийлар оиласида дунёга келган. У бошланғич мактаб, сўнг гимназияни тугаллаб, Прагадаги Карлов университетининг юридик факультетига ўқишга киради ва ҳуқуқшунослик доктори унвонини олади.

Франц Кафка шундан кейин суғурта идорасида ишлай бошлайди, касаллиги туфайли — 1922 йилда нафақага чиққунга қадар бу ерда оддий хизматчи бўлиб ишлаган. У ўз касбига иккинчи даражали машғулот сифатида қараб келган ва асосий фаолиятини ижод деб билган. Шунга қарамасдан, ўзининг ҳаётлик пайтида бир неча ҳикоялари ва тўпламлари нашр этилган, холос. Овир хасталик оқибатида қирк бир ёшида — 1924 йил 3 июнда вафот этган Франц Кафка васиятномасида барча қўлёзмаларини, ҳатто нашр этилган китобларини ҳам (ўзи энг яқин дўстларига ҳада этганларни истисно этганда) ёқиб юборишларини ёзиб қолдирган.

Аммо унинг энг кадрдон дўсти ва ношири Макс Брод бу васиятга риоя қилмасдан, деярли барча қўлёзмаларини вафотидан кейин чоп эттирган.

Франц Кафка тугалланмаган уч: «Маҳкама иши»¹ («Der Prozeß», 1914—1918), «Сарой»² («Das Schloß», 1921—1922), «Америка»

¹ «Der Prozeß» (русча «Процесс» деб ўтирилган) — роман ўзбек тилига «Жараён» деб таржима қилинган. Лекин бу асарда суд жараёни ҳақида ҳикоя қилиниши учун уни «Маҳкама иши» ёки «Маҳкама» тарзида таржима қилиш мақсадга мувофиқ деган фикрдамиз.

² «Das Schloß» («Замок» деб русчалаштирилган) — бу асар марказига маҳаллий ҳокимият, яъни маъмурлар қўйилганлиги учун уни «Сарой» деб номлаш маъқул туюлди. («Das Schloß» — «Китъа» тарзида таржима қилинган.)

(«Бедарак йўқолган») («Америка») («Der Verschollene», 1911—1916) роман, кўплаб кисса, хикоя ва новеллалар, хикматлар, эсдаликлар муаллифидир.

Ёзувчининг асарлари гарба ниҳоятда машхурдир. Унинг асарлари асосида кўплаб кинофильмлар яратилган, спектакллар сахналаштирилган. Дунёнинг кўп мамлакатларида Франц Кафка жамиятлари фаолият олиб бормоқда. Унинг номида бир нечта адабий мукофотлар таъсис этилган. Прагада Франц Кафка музейи ҳам мавжуд.

КАФКА ОЛАМИ

Франц Кафка (1883—1924) — австрия ва чех носир, хикоянавис, немис тилида ижод қилган адибдир.

Франц Кафка шахси ноёб тарихий-маданий маконда, Габсбурглар курама империясининг ўзига хос муҳотида ва унинг пойтахтларидан бири бўлган Прага шаҳрида шаклланган. Ушбу шаҳар бироз вақт Европанинг маданий маркази бўлган — бу ерда Эйнштейн ва Франк, Гашек ва Кафка каби ноёб истеъдод эгалари ишлаб, ижод қилишган.

Франц Кафка XX аср Европа адабиётининг энг ғаройиб вакили: миллати яҳудий, яшаш жойи бўйича прагалик, гарчи чех тилини ўзининг она тили деб эътироф этган бўлса-да, ижоди ва адабий анъаналари бўйича немис ёзувчисиدير. Кафканинг асарлари кўп жихатдан ўзининг ўта умидсиз оилавий ва ижтимоий муҳитда кечганга ўхшаш, фикри тор майда хизматчининг ғамгин ҳаёти ва онгини чулғаб олган азобли қўрқинчлар ҳақидаги хикояларнинг узвий давоми ва ички хиссиётлари инъикосидир.

Ёзувчининг ўз таъбири билан айтганда, «хамма нарсани ичига ютиб, дунёни фақат ўз тимсолида хис этиб ва ўзи орқали ўтказиб» яшаган.

Франц Кафка атторлик билан шуғулланувчи оилада таваллуд топган. Францнинг онаси келиб чиқишига кўра, олим раввинлар уруғидан, отаси эса — кашшоқ кишлок дурадгорининг ўғли бўлган. Аммо Кафканинг отаси кексайганда оёкка турган: ўртамиёна атторчига, ҳатто кичик фабрика эгасига айланган. Бундай муваффақият бақувват, амалиётчи, лекин чаласавод ва табиатан гўл бу одамни ўтакетган кибрли ва тоқатсиз қилиб қўйган. У хотини, уч кизи ҳамда ўғли Францни ҳам ўз зулмига бўйсундиради. Отаси ўглининг хоҳиш-истакларига қулоқ солмайди, иродасини букиб, мутлак измида бўлишни ва ўзи билан

бирга ишлашни талаб қилади. Ёш Франц касалмандлиги ва рухий тушқунлиги сабаб бу азоб-уқубатлардан халос бўлишга қурби етмаган. У ночорлигидан оилани руҳан тарк этиш, тижорат билан шуғулланишни истамасликда акс этган отасига беҳол қаршилик кўрсатиш билан чегараланган, холос. Бироқ бу ғалаба қозонишга умид қилиб бўлмайдиган «ғалати уруш» бўлган.

Франц Кафка 1919 йилда ёзган машҳур назабнома-мурожаати — «Отамга хат» адабий-биографик асарида ўзи билан отаси ўртасидаги зиддиятли муносабатда ўз ифодасини топган. Бу мактубда машҳур австриялик психоаналитик Зигмунд Фрейд томонидан тавсифланган «Эдип комплекси»нинг аломатлари яққол кўзга ташланади. Фарзанднинг отасига салбий муносабатлари баён этилган бу мактуб кўзда тутилган эгасига, яъни отасига жўнатилмайди.

Ҳақиқатан ҳам Ф. Кафканинг ижодий тақдирида оиладаги муносабатлар аниқ-ёрқин акс этган. Золим отага бўлган муносабат «Эврилиш» («Die Verwandlung»), «Хукм» («Das Urteil»), «Отамга хат» ҳикоялари ва бошқа асарларида ифодаланади.

Кафканинг таржиман ҳоли воқеаларга бой эмас. У Прагада немис гимназиясини тугаллаган, шу ерда 1901 — 1905 йилларда юриспруденцияни ўрганиб ҳамда санъат тарихи ва немис тилидан маърузалар тинглайди. У 1906 — 1907 йилларда адвокатлар идораси ва Прагадаги шаҳар судида амалиёт ўтайди. 1907 йил октябрь ойидан хусусий суғурта жамиятида ишлай бошлайди, 1908 йилда эса ана шу ихтисослик бўйича Прагадаги тижорат академиясида малака оширади. Шу йили ишлаб чиқариш жароҳатларини суғурта қилиш билан машғул бўлган ярим давлат ташкилотига ишга ўтиб, умрининг охиригача кам ҳақ оладиган оддий хизматчи вазифасида ишлаган.

У бу зерикарли ҳаётдан қочишга факат бир мартагина уриниб кўрган. Кўндан бери ўйлаб юрган режасини амалга ошириб, Италия, Франция, Германияда бўлади. Бу унинг ҳаётидаги энг бахтли, осойишта кунлар эди. Бироқ соғлиги туфайли у уйига қайтишга мажбур бўлади ва 1924 йилда сил касаллигидан 41 ёшида вафот этади.

Ф. Кафка маълумоти бўйича ҳуқуқшунос бўлган. У Прага университетининг юридик факультетини тамомлаган, ҳуқуқшунослик доктори илмий даражасига эга бўлган. Франц Кафканинг ҳуқуқшунослик маълумоти аксарият асарларида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Сувурта агентлигида юридик маслахатчи бўлиб ишлаган Франц Кафка инсоний қайғу ва изтиробларнинг турли хил кўри-нишларига гувоҳ бўлган. Ана шу таассуротлар ўз ички беҳало-ватлиги билан биргаликда унинг катта ва кичик асарлари мав-зуси бўлган, ёзувчига даҳшатли тушлар, уйқусизлик кўп азоб берган, бу хиссиётлари эса кейин ҳикояларга айланган. Кафка-га ўзининг бу аҳволи бутун инсоният турмушининг аксидек бўлиб туюлган.

Ф. Кафка табиатан катта давраларни ҳуш кўрмаган, калби-ни энг яқин кишиларга ҳам тўла очишга шошилмаган. Узок йиллар давомида деярли узлуксиз олиб борган кундаликларида кўпинча Макс Брод, Оскар Поллак, Оскар Баум, Феликс Вреч, Фелица Бауэр, Юлия Вохрицек, Милена Есенская, Дора Димант, Грета Блох каби яқин суҳбатдошлари номлари келтирилади. Шунга қарамадан, уларни том маънода чин дўстлар дейиш қийин.

Тақдир эса уни сўққабош ўтишга маҳкум этган. Франц Кафка ҳаётини биронта аёл билан боғлашга журъат эта олма-ган. Холбуки, у бир марта Юлия Вохрицек ва икки бор Фели-ца Бауэр билан унаштирилган эди. Франц отасига ёзган ха-тида: «Уйланиш, оила яратиш... — фикримча, инсон эриши-ши мумкин бўлган энг олий саодатдир», деб қайд этган. Аммо у ўйланиш ижод билан шуғулланишига ҳалакит беришидан ҳадиксираган, шу билан бирга у ёлғизликни тарқ этишдан ҳам қўрққан.

Ф. Кафка бадий ижодининг ўзига хослиги шундаки, у олам-шумул машхурликка вафотидан кейин муяссар бўлди. Бу ҳам бахтли тасодиф туфайли рўй берди. Унинг яқин дўсти ва васийси Макс Брод ёзувчининг васиятига амал қилмасдан, унинг вафотидан сўнг ёзувчи асарларини чоп эттиради, таржимаи холини ёзган роман ва қиссалари, бошқа ижод намуналарини оммалаштириш учун сарф-харакатлар қилди. Ф.Кафканинг ту-галланмаган учала романи ҳам унинг вафотидан сўнг: «Маҳкама иши» — 1925 йилда, «Сарой» — 1926 йилда, «Америка» — 1927 йилда чоп этилган. Ҳозирда эса ёзувчининг тўпланган барча асарлари катта ҳажмдаги ўнта жилдга жойлаштирилган.

Ф. Кафка вафот этгач, Макс Брод томонидан унинг асарла-ри чоп этилди. Ундан кейин ўзига хос «Кафка Уйғониши» бош-ланган. Бу АҚШда бошланиб, шундан сўнг Британия ороллари

ва Европага кўчган. Кафканинг машхурлиги нарб дунёсида мисли кўрилмаган даражада кучайди, ёзувчи ижоди хақикий шовшув кўзгади, у деярли барча янги адабий окимларнинг «отаси», башоратгўйи деб эътироф этилди.

Таникли танкидчи ва адабиётшунос Ганс Майер бунга қуйидагича изох берган: «Уруш ва урушдан кейинги давр воқелигидан ҳафсаланинг пир бўлиши; аввалги хаёлпарастликдан воз кечиш... Маъмурийчилик, автоматлаштириш, амалдорлар томонидан нар тарафлама бошқарилаётган жаҳондаги ҳодисалар — буларнинг ҳаммасини Кафканинг башоратларидан топиш мумкинга ўхшаб туюлади»¹.

Ёзувчи башоратчи бўлмаса-да, ўз даври ривожланишининг айрим хусусиятларини олдиндан кўра билган: буни у ўз ватани — Австрия ва Венгрия империясида, шоир ва публицист Карл Краус номлагандек «киёмат қойимнинг сўнгги бекати»да кузатган.

Франц Кафканинг вафотидан кейинги оламшумул шухрати-ни статистика маълумотлари ҳам исботлайди. Нашрлар, тадқиқотлар, такризлар, иқтибослар, эътироф этишлар бўйича Ф.Кафка ўз замондошларини анча ортда қолдириб кетди. Ана шу кўрсаткичлар ҳамда халқаро кимошди савдоларига қўйилган қўлёзмаларининг қиймати бўйича ўзини бутун умри давомида Тангри деб ҳисоблаб келган Гётега яқинлашиб қолди.

Немис классигининг улугвор сиймоси Веймарда танга зарб этиш учун намуна бўлганидек, Ф.Кафканинг чеҳраси ҳам бугунги кунда Прага кўчаларидаги эсдалик совғалари билан савдо килувчиларнинг «бренд»и — савдо белгисига айланган. Унинг суратларининг беҳисоб кўринишларини ойнахатлар, ҳамёнлар, идишлар ва жевақларда учратиш мумкин. Бутун шаҳар бўйлаб пештахталардан Ф. Кафканинг шалпайган кулокли боши ва сеҳрли ўткир нигоҳи сизни таъқиб қилади. XX аср аввалида бу ерда яшаган, ўзига ишончи йўқ, мухтожлик, ёлғизлик эзиб қўйган, хаётдан зўриқишдан дахшатга тушадиган оддий мулозим буни орзу қилиши мумкинмиди?

Иждокорнинг кундалик ҳаёти икки хилда кечган: куннинг биринчи ярмида у коғозлар ва фармойишлар дунёсига қўмилган суғурта агентлигида ўртамиёна мулозим — ҳуқуқшунос бўлиб ишлаган; кечқурун эса ўз хонасида танҳоликда соатлаб,

¹ *Mayer H. Ansichten zur Literatur der Zeit. — Hamburg, 1962, S. 57.*

баъзан тонггача бадний ижод — ёзувчилик билан машғул бўлган. Танқидчилар баъзида уни энг буюк «ок қоғозни кораловчи» деб аташади.

Ижодкорга «инсониятнинг занжирбанд қилган тушовлар идора қоғозларидан иборат» деган гап тегишлидир. «Маҳкама иши», «Сарой» романларида тўрачиликнинг зўравонлиги, амалдорларнинг одамлар устидан ҳукмронлиги катта маҳорат билан ифода этилган. «Маҳкама иши» романида ёзувчи тергов ва судни ноокиллик, жирканч кўриниш ходиса сифатида тасвирлаган. Унда Йозеф К. исмли кимса жиноят содир этганликда айбланади. Айбланувчи гуноҳи нимадан иборат эканлигини билишга қанчалик кўп ҳаракат қилса, у билан бирга китобхон ҳам шунчалик кам нарсадан хабардор бўлади. Охир-оқибат номаълум кимсалар айбланувчини ўлдириб юборишади, ўқувчи эса у нимага жазоланганини билолмай қолади.

Қоинот ва жамиятда инсонга душман, ёвуз кучлар уни арзимас номсиз қурт-қумурскага айлантириб қўяди. Ф. Кафканинг қаҳрамонлари ўзига хослигини эмас, балки исмини ҳам йўқотади. «Сарой» романидаги танобчи К. ҳам шундай воқеани бошидан кечиради. Уни иш юзасидан музофотга чақиришади, бироқ воқеалар ривожини ажабтовур ва бир-бирига боғланмаган ходисалардан иборат асарда К. бу сирли иш берувчилар билан учрашмайди.

Таъкидлаш лозимки, ёзувчи кўпчилик қаҳрамонларининг исмлари «К» ҳарфидан бошланади, бу унинг шахсий ички кечинмаларига мос тушади, қаҳрамонлар изтироб чекаётган шахсий руҳий фожиаларнинг акс-садоси ҳисобланади.

Ф. Кафка ва унинг қаҳрамонлари томонидан воқелик алоҳида бир шахсга ўта адоватли, оқилсиз ва қабиҳ олам сифатида қабул қилинади. Қўрқув, ёлғизлик, бегоналаниш, тажовуз — Ф. Кафка оламига хос бўлган ҳиссиётлардир.

Ижодкорнинг тасаввурлари ўзига хос ва бетакрордир. У бунини: «Гапиришимга қараганда бошқача ёзаман, ўйлаётганимга нисбатан ўзгача дейман, фикрлашим керак бўлганича эмас, бошқача фикрлайман ва бу энг зимистон тубликларгача шундай» тарзида баён этган.

«Эврилиш» хикояси қаҳрамони — сайёр савдо агенти Грегор Замза бир куни эрталаб уйғонгач, қаттиқ хитин зирҳли ва кўплаб ингичка оёқчали маҳлуқка айланиб қолганлигини пайқайди. Оила

аъзоларидан ҳеч ким бу эврилишдан ажабланмайди — улар Грегорнинг янги ҳолатини шунчаки ўзлари учун даҳмаза сифатида қабул қиладилар, барча (синглисидан ташқари) ундан воз кечади ва ҳашарот-одамнинг ўлиmidан кейин енгил тортадилар.

«Эврилиш» кейин уйғонилмайдиган кўркинчли туш. Асарга обдон сингдирилган кўпгина ҳаётий чизгилар воқелик ва туш қоришмаси эффектини яратади. Сағрлар остида: «Бундай ҳол ҳар ким билан ҳам юз бериши мумкин», маъноси уқилади.

«Эврилиш» — Франц Кафканинг мўъжаз нодир асаридир. У адабиётдаги экзистенциализм¹ нинг ёркин намунаси ҳисобланади. Бу ҳикояда ёзувчи оғир ҳаётининг турли жиҳатлари ўз ифодасини топган. «Эврилиш» — фожиавий ёлғизлик, энг яқин инсонлар билан муносабатлар мудҳиш хотима топганлиги ҳақидаги ҳикоядир.

Асар юзаки қараганда, асло одамнинг фантастик, сюрреалистик тарзда ҳашаротга (қўнғизга) айланиб қолгани ҳақида эмас. Балки одамларнинг эврилиши тўғрисидадир. Зеро, Грегор Замаа атрофидагиларнинг инсон каби фикр юритадиган, фантастик тарзда беҳол бўлиб қолган ҳашаротга қараганда ҳам одамларга ўхшашлик жойи кам.

Ф. Кафканинг «Эврилиш»и одамларнинг бир-бирларини тушунмасликларининг фожиасидир. Одамнинг ҳашаротга эврилиши инсонларнинг, яна энг кадрдонларнинг гўёки мутлақо бошқа-бошқа мавжудотлардек бир-бирларини тушуна олмасликларини ўзига ҳос тасвирлаш учун ишлатилган услубдир. Масалан, ёзувчи Грегорнинг синглиси Грета онасига акаси унинг сўзларини тушунмайди дейиши ҳақида ёзади, холбуки бу ундай эмас. Грегор, майли ўзининг ҳозирги «тили»да бўлса ҳам яқинларига бирон ишора қилиши мумкин эди... бироқ бундай қилмайди. Оила аъзолари ўртасида бир-бирини лутфда эмас, дилдан тушунмаслик... ўқувчини ларзага солади.

¹ *Экзистенциализм* (французча «*existentialisme*» — «яшаш» сўзидан) — XX аср ғарб фалсафаси йўналишларидан биридир. Экзистенциализм эътиборни инсон ҳаёти ноёблиги (экзистенция — шахсийлик ва бетакрорлик) ва ноқилоналигига қаратади. Бу фалсафий оқимнинг энг ёркин намоёндаси Жан Поль Сартр: «**Экзистенциализм** — бу инсонпарварликдир», деб уқтирган. Экзистенциалчилар ўз ўтмишдошлари қаторига Б.Паскаль, Ф.Кафка, Ф.М. Достоевский, Ф.Ницше, А.Камюларни қўшганлар. Қаранг: *Экзистенциализм* // <http://ru.Wikipedia.org>.

Франц Кафка учун Грегор Замза хашаротга эврилгандан сўнг ҳам жирканч ташки кўринишига қарамасдан инсонлигини сақлаб қолган бўлса-да, аммо энг яқин ва қадрдон оила аъзолари учун эса бундай эмас. Грегорнинг отаси бефарқлигини ошқора кўрсатади, унинг миясида фақат бир фикр: пул топишга халақит бераётган бу «хашарот-ўғил»дан қандай қилиб қутулса бўларкин? Отаси шу кунгача ўғли бутун оилани боқиб келганлигини ҳам унутган. Ҳатто Грегор ўзи учун энг яқин қадрдон ва тушунадиган деб ҳисоблаган синглиси ҳам ундан қўрқинч ва жирканчлик билан қутулишни таклиф қилади.

Ижодкорнинг барча асарлари орасида «Эврилиш»ни энг яхшиси дейиш мумкин. Бошқа асарлардан фарқли равишда унда бетиним давом этадиган узундан-узук, баъзида зерикарли мулоқотлар, қайтариш ва чалкашликлар йўқ. «Эврилиш» том маънода ипидан-игнасигача аниқ ҳисоблаб чиқилган, ҳар бир сўз эса тарозуда тортилган асар. «Эврилиш» жаҳон ҳикоячилиги тарихида фавқуллода ходиса бўлиб, ҳикоянавислик маҳоратини ёзувчи улкан чўққига кўтарган.

Нобель мукофоти лауреати Владимир Набоков мазкур ҳикоянинг бадий қимматини алоҳида таъкидлар экан, уни XX аср Европа адабиётининг энг аҳамиятли асарлари орасида юқори ўринга қўяди. В.Набоковнинг «Эврилиш» ҳақидаги мақоласини ўқир экансиз, кўп нарсадан хабардор бўласиз.

Мен адабий танқидчи эмасман, шунинг учун бенуксон таҳлилга даъво қилмаган ҳолда В.Набоковнинг «Франц Кафканинг «Эврилиши»» мақоласини мутолаа қилганда пайдо бўлган айрим фикрларни баён этишни лозим топдим.

Ҳа, В. Набоков бетакрор, юксак бадий маҳорат соҳиби, унинг жумлалари худди қуйилгандек, бенуксон, аниқ ва таъсирчан.

Шу билан бир қаторда, В.Набоковнинг «Эврилиш» ҳақидаги анчайин чўзилиб кетган, катта-катта иқтибослар келтирилган ва зерикарлироқ мақоласида ахборот, ғоявий ва маъновий тўқлик тақчиллиги сезилади. Шунини эслатиб ўтиш жоизки, мақола матнининг 90 фоизга яқини Ф. Кафка ҳикоясининг батафсил баёни бўлиб, қаҳрамонлар хатти-харакатининг шахсан камина учун унчалик қизиқиш уйғотмайдиган батафсил психологик шарҳларидан иборатдир.

Яна шунини ҳам таъкидлаш лозимки, мазкур ҳолда В.Набоковнинг энтомологиядан хабардорлиги ўзига панд берган. Маз-

кур мақолада энтомолог ёзувчи Набоковдан устун келган. В. Набоков Грегор Замзанинг хашарот кўринишидаги жисмоний қиёфасини гавдалантиришга шу қадар зўр бериб, кўп вақт ва куч ажратганки, асарнинг хақиқий юрагини ўз талқини доирасидан четда қолдирган. Бундан ташқари, Ф. Кафка хикояни қандайдир кумурска тасвири билан безашга қатъий қарши бўлган! Ф. Кафка ижодини китобхон таассуротига (таҳлилига эмас) ҳавола этган В. Набоков ўз мақоласида ёзувчи тақикини ҳисобга олмаган ва китобхонга бу хикоянинг ўзгача усулдаги талқинини тақдим қилган.

Фикримизча, Франц Кафка Грегор Замза образига ўз қалбининг бир бўлагини сингдириб, адабий анъаналар руҳини услубига ҳос тарзда ақс эттириб, уни китобхонлар юрагида ҳам жонлантиришга умид қилган.

Т. Манн: «Кафка асарларини жаҳон адабиёти томонидан яратилган ҳамма нарсалар орасида мутолаа учун энг муносиблари қаторига қўшиш керак», деб ёзган.

Ижодкорнинг XX асрнинг модерн адабиётига ҳос бўлган ижодий услуби таъсирини турли йилларда С. Беккет, Х.Л. Борхес, П. Вайс, Ф. Дюрренматт, Э. Канетти, Т. Манн, В. Набоков, Ж.П. Сартр, А. Камю ва бошқалар ҳис қилганлар.

Ф. Кафканинг асарлари жаҳондаги деярли барча тилларга, шу жумладан ўзбек тилига ҳам таржима қилинган¹.

Ф. Кафкани нафақат XX аср насрининг буюк намояндаси, балки бўлажак ҳалокатлар, урушлар, концлагерларни олдиндан кўра олган башоратчи сифатида ҳам эътироф этиш керак. Унинг мантисиз, тушлагидек, тутуруксиз — бемаъни насри кўп жihatдан йигирманчи аср фалокатларини олдиндан башорат қила олган. «Ахлоқ тузатиш турмасида» («In der Steafkolonie») номли хикоясида у маҳкумлар тутқунликда бўлган оролни ва даҳшатли

¹ Каранг: Мирзакалон Жураев. Инсон изтиробларига таъзим // «Ёш куч» журнали, 1991 йил, 6-сон. 20 — 21 б.; Ф. Кафка. «Жараён». Роман // «Жаҳон адабиёти», 2003, 9-сон. 15 — 65 б.; 10-сон. 79 — 129 б.; 11-сон. 75 — 114 б. Вафо Файзулло таржимаси: Франц Кафка «Жараён». Роман / Рус тилидан таржима. Таржимон Вафо Файзулло. — Т., 2006. 288 б.; Хўшид Дўстмуҳаммад. Ҳаракатдан тўхтаган жараён қиссаси ёхуд қалб ва шўурнинг олис кенгликлари сафарига элтувчи асар. «Жаҳон адабиёти» журналида Франц Кафканинг «Жараён» романи топ қилингани муносабати билан // «Жаҳон адабиёти», 2001, 2-сон. 200 — 206 б.; Вафо Файзулло. Ҳаракатдаги «Жараён» қисмати // Франц Кафка. «Жараён». Роман. — Т., 2006. 270 — 285 б.

қийноқ машинасини тасвирлаган; бу машина жиноятчи терисига унинг айби номланиши тамғасини босади, кейин эса ўзини ўлдирди. Жирканч машинани кашф қилган жаллод зобитнинг ўзи унинг қурбонига айланади: қийноқ машинаси занжирлари билан мажакланади. Собик маҳбуслар унинг жаллодларига айланадилар.

Бу ўринда Мирзакалон Жўраевнинг: «Кафкага муҳаббат — инсон изтиробларига таъзимдир»¹, деган фикрига қўшилиш керак.

Франц Кафка ҳақли равишда жаҳон модернизмнинг «оталари»дан бири ҳисобланади. Унинг ижодига сингиб кетган чорасизлик ва бемаънилик экзистенциализмга ҳосдир. Ҳозирги кунга қадар Кафкага тақлид қилувчилар, мухлислар ва талқин қилувчиларнинг ҳисоби йўқ. XX аср адабиётида ўзига ҳос муҳим адабий йўналиш сифатида инсонга бегона, ваҳимали, адоватли воқелик, даҳшатли тушнинг ўнгидан келишининг тасвирини англатадиган «кафкашунослик» тушунчаси шаклланган.

Умуман, Кафка ва модернизм дунёқараши учун инсоннинг эркин эмаслиги, унинг қандайдир сирли, ноқил кучларга бўйсунishi ҳосдир. Адиб учун инсон Табиат ҳукмдори эмас, балки борликнинг ўғай ўғли. Ёлғизликка маҳкум бўлган беҳол, заиф мавжудот, уни ўраб турган олам ҳам алғов-далғов ва ёвузликдан иборат. Кафка ойнинг ўлакка ёғдуси ва ортида танҳоликдаги ҳаёт ёмирлаётган, тўсатдан арвоҳ пайдо бўлиши ва ҳамма учун умумий бўлган, кимнингдир залворли одимлари гурсиллайдиган зинапоялардаги бўғик ва сассик хавода қутилмаганда ғойиб бўладиган деразалардан таралаётган сарик нур тушиб турган тор шаҳар кўчаларини тасвирлашни ёқтирган.

Бундай манзаралар Ф.Кафканинг «Қутилмаган сайр», «Сен бахтсиз бўлганингда», «Тор кўчага қараган дераза», «Кучли гумбурлаш» сингари кўплаб ҳикояларида яққол гавдаланади. Улардаги одамлар турмушининг ялписига кемтиклиги, ҳаммаёқнинг ифлослиги, уй-жой ва иш жойларининг торлиги, одам на кундузи, на кечаси ёлғиз қола олмаслиги, нафасни сикадиган ва чанга ботган идораларда чексиз навбат қутишлар даҳшатга солади.

Кафканинг фикрича, оламни ёвуз ирода бошқаради, ёвузлик ҳукмронлигининг чегараси йўқ, инсон бу ҳукмронликка фақат кўникиб, тоқат қилиб қолмасдан, балки ёвузликни дунёда им-

¹ Жўраев Мирзакалон. Инсон изтиробларига таъзим // «Ёш куч» журнали, 1991 йил, 6-сон. 20-б.

конияти бўлган ягона неъмат сифатида қабул қилади. «Ахлоқ тузатиш турмасида» номли хикоясида Кафка «ёвузлик — эзгулик, эзгулик — ёвузликдир» деган зиддиятли хулосага келади.

Ёзувчининг тугалланмай қолган «Маҳкама иши» романининг қаҳрамони — йирик банкнинг кичик бир ходими Йозеф К. Романда шаҳар номи тилга олинмаган бўлса-да, воқеалар Прагада рўй берганини англаш қийин эмас. Асарда унинг ғалати, тушунарсиз ҳолда ҳибсга олинishi ва устидан олиб борилган даҳшатли суд жараёни ҳақида хикоя қилинади. «Афтидан кимдир Йозеф К.га тухмат қилган чоғи, ахир у ҳеч кимга ёмонлик қилмаган, бирон-бир ноҳўя иш ҳам содир этмаганди, шунга қарамай уни ҳибсга олишди»¹. Бироқ қаҳрамоннинг айби (агар у умуман бўлса) бор бўлса ҳам, бунинг на ташки, на ички сабаблари бу айб моҳиятини англаш имконини бермайди. Аммо бошқа нарса — Йозефнинг айбдор эмаслиги шак-шубҳасиздир. Лекин у суд идораларида узок сарсон-саргардонликдан кейин ўзи гуноҳсиз эканлигига шубҳалана бошлайди ва ҳаёти давомида йўл қўйган хатоларини синчиклаб излашга тушади.

Айби йўқлигини яхши биладиган қаҳрамон агар ўзини ҳеч нарса рўй бермагандек тутса, барча нарса ўз-ўзидан жой-жойига тушади, номатълум хавф тарқаб кетади деган фикрда бўлади. Чунки руҳоний ҳам унга: «Суддан сенга ҳеч нарса керак эмас. Суд сени келган пайтингда қабул қилади, кетаётганинда эса қўйиб юборади», деган. Бироқ вақт ўтиши билан маҳкама гирдобини Йозеф К.ни тобора ўз домига тартади. Бу тергов ниҳоятда сир тутилган ҳолда олиб борилиши билан боғлиқ.

Қаҳрамон ўз тақдиридан яширинмайди; аксинча адолат учун курашга киришиб, маҳкама ишининг тўрига тушади. Унинг бундай қаршилиқ кўрсатиши фожиавий яқун топади. Шуниси эътиборлики, Блок исми тижоратчи адвокатлар ва судьяларга бўйин эгиб, қуллуқ қилиб, ўз иши кўриб чиқилишини ҳатто беш йилга чўзишга муваффақ бўлади. Йозеф К. учун эса даҳшатли хотима жуда тез рўбарў бўлади: чунки у адолатсиз қонунни қабул қилишдан воз кечган.

Вақт ўтиши билан ҳақиқатни излашдан толиқиш, тушқунлик қаҳрамонни бутунлай чулғаб олади ва қаршилиқ кўрсатишнинг бирор нафи йўқлиги тўғрисидаги ўй бутун вужудини

¹ Франц Кафка. «Жараён». Роман / Рус тилидан таржима. Таржимон Вафо Файзулло. — Т., 2006. 17-бет.

камраб олади. У курашдан воз кечишга қарор қилади. Шу сабабли қулатилган ва мағлуб этилган Йозеф К.ни кеч тунда рўпарасида пайдо бўлган икки киши ҳеч ҳам ажаблантирмайди. Улар бу бечорани қўлларини орқасига қайриб, ўлакка ёвдули кўчалардан судраб, аввал тош қазиб олинган жойга олиб келишади. Бу кимсалардан бири унинг юрагига қассоб ош пичогини санчади. Йозеф К. қотилларини кутарди, келишларини ҳис этарди; у «худди ит каби» сўйилган ҳолда ёлғиз, ҳеч кимга керак бўлмаган ҳолда ҳалок бўлади, «гўё шармандали ҳукм ундан узокрок яшайдиган эди»¹.

Романда тасвирланган суд расмий эмас, рамзий бўлиб, у том остида жойлашган, бироқ катта қудратга ва таъсирга эга (унинг ҳукми барча уйларнинг томи остидагиларга ўтиши маълум бўлади). Тергов пинҳона олиб борилади, ҳеч ким тергов жараёнини ошкор этмайди, ҳеч ким ҳукмни эълон қилмайди. Ёзувчи Йозеф К.ни оддий суд эмас, балки номсиз ҳокимият суд қилаётганлигига урғу беради. Бу суд учун айбсизларнинг ўзи йўқ, ҳали терговчилар ва прокурорлар улар билан шуғулланмаётганларгина ўзларини айбсиз деган ҳаёлларда бўлишлари мумкин. Аммо жараён бошланса — қутулишнинг иложи йўқ, эртами-кеч судланувчи жазога ҳукм қилинади.

Айрим тадқиқотчилар романдаги мазкур муаммони инсонни ўзини ўзи суд қилиш тарзида талқин қиладилар. Бироқ Ф. Кафка матнида бу англашилмайди. Йозеф К. ҳам унинг тергови ортида улкан ташкилот турганлигини, бу ташкилот ихтиёрида факат соткин қўриқчилар, беъмани терговчиларгина эмас, балки беҳисоб ёрдамчилар, эҳтимол, ҳатто жаллодлар ҳам хизматида бўлган олий даражадаги судьялар туради дейди.

Ф. Кафканинг сўнгги романи — «Сарой»да бирон маъно бермайдиган «Сарой» деб номланадиган улкан маъмурият девони тасвирланган. Бу маъмурият оддий одамлар учун тушунарли бўлмаган, факат ўзигагина маълум қонунлар бўйича мавжуд ва фаолият олиб боради. У қишлоқда истиқомат қилувчиларнинг ҳаммасини ўзига бўйсундирган. Бу идора ўзига қарши бош кўтарган ҳар қандай одамни маънавий қатл этади, ҳукмга маҳкум қилади. Кўз олдимизда яна К.исми танобчининг фожиавий тақдири тўғрисидаги оддий роман эмас, балки ёруғ дунёда ҳеч қандай киёфага эга бўлмаган бемаъни ҳокимият тизимига

¹ Ўша жойда, 269-бет.

мутлак бўйсундирилган инсоннинг ночор аҳволи тўғрисидаги фалсафий ҳикоя.

«Сарой» романи моҳият жиҳатидан «Маҳкама иши» мавзусини ривожлантирган ва чуқурлаштирган. Асар қаҳрамони К. узоқдан ўзга дунё — граф Вествест тасарруфидаги ёки аниқроғи граф (бу графни ҳеч ким ҳеч қачон кўрмаган ва у ҳақда ҳеч нарса билмайди) маъмуриятининг бениҳоя улкан идораси тасарруфидаги кишлоққа келади. К.нинг мақсади — Саройга, графнинг қароргоҳига кириш ва кишлоқда қолиб, бу ерда уйга, оилага, хизматга эга бўлишдир.

Роман қаҳрамони К. кимга мурожаат қилаётганини биллади. Сарой унинг шафқатсиз, айёр, қудратли душманидир. К. бу ерга курашиш учун, аммо «Маҳкама иши»даги мавҳум нарса билан эмас, балки ўзининг шу дунёда яшаш ҳуқуқи учун курашишга келган. Лекин романда К.га ҳаётлигида бу ҳуқуққа эга бўлиш насиб этмайди...

Макс Броднинг гувоҳлик беришича: «Кафка бу роман сўнги бобини ёзиб тугатмаган. Бир сафар менинг, роман қандай якун топиши керак, деган саволимга Кафка шундай жавоб берган. Яъни К. қисман қониқиш ҳосил қилади. У ўз курашини тўхтатмайди, лекин бу «жанг»ларда ҳолдан тойиб, вафот этади. Унинг тобути олдида кишлоқ жамоаси тўпланганда Сарой маъмуриятдан айрим вазиятлар ҳисобга олинган ҳолда унга кишлоқда яшаш ва ишлашга руҳсат берилиши тўғрисида ижозатнома келади»¹.

Романнинг бундай якунланиши билан баҳслашиш мумкин. Чунки К. саройга ўлиш учун эмас, бу ерда яшаш учун келган ва шунинг учун кураш олиб борган.

Ёзувчи барча роман ва қиссаларининг фожиавий тугаши тасодифан эмас, чунки унинг фикрича, инсон билан жамият ўртасидаги зиддиятни ҳал этиб бўлмайди, одамларнинг тарқоқлигига ҳам барҳам бериш мумкин эмас.

Ф. Кафка бутун умри давомида Гёте, Клейтс, Флобер, Гоголь ва Достоевскийларни қайта-қайта мутолаа қилган. У Чеховни севган, Л. Толстой олдида таъзим қилган. Унинг қаҳрамони К. Йозеф, Ф. Достоевский романларининг қаҳрамонлари ўзларини ҳар ёққа уриб илинж излаганларидек, илинж ва кутқариш йўлини ахтаради.

¹ *Brod M. Nachwort.* — In: F.Kafka. Das Schlob. — Hamburg, 1958, S.313.

Франц Кафка ва Николай Гоголь ижодидаги ўхшашликлар ва ўзига хосликлар Анна Зегерснинг 1972 йилда эълон қилинган хикоясида кизиқарли талқин этилган. Унда кунлардан бирида Прагадаги қахвахонадан Эрнст Теодор Амадей Гофман, Франц Кафка ва Николай Гоголь учрашиб қолганликлари ҳақида хикоя қилинади. Бу уч адиб умуман ижодий муаммолар ва уларни ҳал этишни муҳокама қилишар экан, навбатма-навбат ўз асарларини баён этишади ва улардан парчаларни ўқиб беришади.

Кафка Гоголга шундай дейди: «Менга сизнинг «Шинель» киссангиз «Ўлик жонлар»нингизга қараганда кўпроқ ёқади... Тунда шаҳар узра учиб юрадиган арвоҳ ва унинг тўқ жаноблардан қимматбаҳо шинелларини ечиб олиши — яхши ўйлаб топилган»

Шуниси эътиборга моликки, Анна Зегерснинг хикоясидаги «учрашув» ташаббускори издош эмас, ўтмишдош, яъни Кафка эмас, Гоголдир. Кафканинг Гоголнинг ижоди билан яхши таниш бўлганлиги маълум: у бу ёзувчи асарларини кўп марта тилга олган. Бироқ мазкур кайдларда биринчи қарашда бирон ўзига хослик, «кафкачилик» кўзга ташланмайдиганга ўхшайди¹.

Айни пайтда XX асрда, айникса унинг иккинчи ярмида Гоголнинг жаҳон маданияти сахнасига чиқиши, унинг ниҳоятда долзарб, замонавий санъатда иррационаллик ва абсурдлик тенденцияларини мужассамлаштирган ижодкор сифатида эътироф этилиши бу икки ном нисбатини тарихий — адабий муаммо даражасига кўтарган.

Энг аввало, Гоголнинг «Бурун» ва Кафканинг «Эврилиш» хикоялари ўхшашлиги кўзга ташланиши табиийдир. Бу асарларда қаҳрамонлар билан рўй бераётган фантастик воқеалар объективлиги ва «ҳақиқийлиги»га алоҳида урғу берилган. Бунда уйқу ролига тўхталиш лозим. Агар бу Гоголда жуда муҳим роль ўйнаса, Кафкада эса у қадар эмас. Шунга қарамаддан уйқу мутлақ ҳақиқий воқеа эканлиги тасдиқланади: масалан, Кафканинг «Эврилиш»ида «бу туш эмасди» дейилади. Гоголнинг хикояси қораламасида ҳам қаҳрамоннинг туш кўрганлигига доир парча асл нусхасидан жой олмаган.

¹ Ф. Кафка ўз кундаликларидаги 1915 йил 14 февралга доир кайдларида «Россиянинг чексиз тортиш кучи» ҳақида фикр юритар экан, «Гоголь учлиги»ни («Ўлик жонлар»даги) тилга олади. Қаранг: Franz Kafka. Tagebucher 1910 – 1923. – Frankfurt am Main, 1976. S.289 – 291.

3/45
3202

Рўй берган ҳодисанинг туш эмаслиги биргина «жабр кўрган»нинггина эмас, балки бошқаларнинг ҳам: Гоголда газета тарқатадиган хизматчи, полициячи, врач; Кафкада — Грегор Замза оиласининг аъзолари бунга муносабати билан йўкка чиқарилади. Агар асар қаҳрамонлари билан рўй берган воқеа туш деб эътироф этиладиган бўлса, бу тушни бир йўла кўпчилик шахслар кўраётган деб талкин этишга тўғри келган бўларди.

Воқеаларнинг «ҳақиқийлиги» асарлар баён этилишининг ўзига хос услуби билан ҳам асосланган. Унда қаҳрамонларнинг субъектив дунёқарашларига кенг ўрин берилган бўлса-да, муаллиф фикрлари воқеалар кечишидан ҳозиржавоблиги хис этилади. Шу билан бирга муаллиф зиммасига рўй бераётган воқеалар барча икир-чикирларини эмас, асосий нукталарини очиб бериш вазифаси юклатилган. Бу эса китобхон тасаввури учун кенг уфқлар қолдиради, у фақат бир нарса — асар қаҳрамонларининг ўз руҳий ҳолатлари, ривожланиш даражалари, ҳулқ-атворлари ва хоказоларда фарқ қилишларига қарамасдан, ўзлари тушиб қолган вазият табиатини хис этиш билан чегараланган.

Вазият эса олий даражада ўта тифиз, ўзига хос яккаю ягона. Бунда гап оддийгина ўзгариш ҳақида кетаётгани йўк — инсоннинг бутун турмуш тарзи яқсон бўлмоқда, ҳаёт-мамотнинг туб асосларига даҳшатли хавф таҳдид этади, «жабрдийда»ни уни ўраб турганлар, шу жумладан Грегор Замза учун оиласи аъзоларидек энг яқинлари билан ўтиб бўлмас чизик айиради.

Гоголда ҳам, Кафкада ҳам воқеалар ўзига хос қоғозбозлик шовкини манзарасида содир бўлади. Жумладан, Гоголнинг «Ўлик жонлар»ида ёзаётган пероларнинг шитирлаши қурук япроқлар билан тўшалган ўрмондан ўтаётган аравалар шовкинига қиёсланади. Машхур немис олими Макс Вебернинг ифодасига кўра, қоғозбозлик билан боғлиқ бу шовкинлар «амалдорлик метафизика» («*Metaphysik des Beamtentums*»)сини мужассамлаштиради¹. Одамлар ўртасидаги алоқалар қоғозлар орқали ва улар ёрдамида ифода этилади. Қоғоз «тоғлар»и, калашиб ётган папклар — инсоний муносабатларнинг мозорларидир.

Гоголь ва Кафка жаҳон санъатида расмиятчилик, мансабпарастлик муҳитининг энг ёрқин лавҳаларини чизиб қолдиришган. Шунини айтиш керакки, Кафканинг бутун умри кичик идорада хизматчилик вазифасида ўтганлиги учун ҳам у бу муҳит-

¹ *Max Weber. Wirtschaft und Gesellschaft, Keln-Berlin, 1964.*

ни жуда яхши билган. Шу сабабли у бу мухитни механизм конунлари асосида амал этишини кўрсатган, яъни механизм ишламай қолса, бу қайсидир ғилдиракчалар ва винтчаларнинг бузилиши оқибатидир. Гоголда эса соф Россияча вазиятлар ва ўзига хосликлар сабабли ҳамма нарсани бирон механикани писанд қилмайдиган «ирода қарорлари» ҳал этади. Шу сабабли, жумладан «Ўлик жонлар»да амалдорлардан бири Чичиковдан бож пулларининг фақат ярмини олади, қолган қисмини эса «бошқа шахслар»га қолдиради.

Ф. Кафкага Ф. Достоевскийнинг таъсири ҳам исботланган. Ҳатто, Ф. Кафканинг «Маҳкама иши» худди унинг «Америка»си Ч. Диккенсга акс-садо деб қаралгандек, Ф. Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо»сига бевосита жавоби деган фикрлар ҳам мавжуд. Бу «жавоб» фалсафий-жиноят деб номланадиган, ёки Адорнонинг ҳисоблашича, саргузашт жанрида шаклланган: «унинг йирик асарлари — бу жиноятчи қош этилмайдиган саргузашт романлардир»¹.

Бу ўринда «Жиноят ва жазо» да жиноятчи қош этилганлигини эслатиб ўтиш жоиз. Аммо Ф. Кафка ва Ф. Достоевский асарларидаги фарқ фақат биргина шундан иборат эмас. «Маҳкама иши»да айбланувчи маълум, бироқ айбловчилар номаълум. Ҳатто қандай жиноят содир этилганлиги ва унинг сабаблари ҳам номаълум. Айбланувчи суд қилинаётган конунлар ҳам маълум эмас. Ф. Кафка «Маҳкама иши» ва «Сарой» романларининг қаҳрамонлари айб қилганликлари учун айбдор эмаслар. Улар ўзлари учун адолат кидиришга ҳаракат қилганликлари сабабли айбдордирлар².

Ф. Кафка асарларини биринчи марта қўлга олганлар бу машққатли машғулот эканлигига ишонч ҳосил қиладилар. Унинг роман ва қиссалари, ҳикояларида фантастика жанрига хос ғаройиботлар учраб турса ҳам аслида синчков китобхон уларни саргузашт ёки сунъий даҳшат манзараларига бой китоблар каторига қўйишни хаёлига ҳам келтирмайди. Зеро, Ф. Кафка асарларида давр дардлари таранг асаблардек ҳис этилади. Шу билан бирга улардаги инсоний изтироблар, қайғу-ҳасратлар сизни тубсиз фожиалар уммонига эмас, балки руҳингизга қудратли

¹ W.J. Dodd, *Varieties of Influence: on Kafka's Indebtedness to Dostoevskii.* // *Journal of European Studies*, 1984, №14, P.262-263.

² W.J. Dodd, *Varieties of Influence: on Kafka's Indebtedness to Dostoevskii.* // *Journal of European Studies*, 1984, №14, P.136.

маънавий қувват бахш этиш сарчашмаларига етаклайди. Яъни сизда дастлаб ўткинчи тушкунлик кайфияти туғдириши мумкин бўлган сатрлар аслида маънавий хасталикка хосиятли малҳам вазифасини ўтайди.

Айрим тадқиқотчилар Ф. Кафка романларининг катор кисса ва ҳикоялари ёзиб тугалланмаганлигига шама қилиб, унинг ижодига номукамаллик тамғасини ёпиштирмоқчи бўладилар. Бу даъволарга Нобель мукофоти лауреати У.Фолкнернинг: «Буюклик — мукамалликни орзу қилиш, бўй етмасга қўл чўзиш ва катта мағлубиятга учрашдир», деган сўзларини келтириш kifoya.

Бугунги кунда Ф. Кафка мактовларга муҳтож эмас. Бундан юз карра ўз даврида машҳурроқ бўлган ва Нобель мукофотига муносиб кўрилган Ҳерман Хессе Кафкани «немис прозасининг яширин кироли» деб таърифлаган. Бир асрдан сўнг бу хуфийоналик ошкор бўлди. Кафка унутилиш тубидан кўтарилиб, башоратчи тимсолида намоён бўлди. Унинг номи жаҳон адабиётида асли учрамаган — қаҳрамонлик даражасига кўтарилди.

Ҳозирги пайтда қайси бир немис газетасини кўлингизга олманг, «kaifakesk» — «кафкача» сўзига дуч келасиз. Бу сўз немис тилининг барча лугатларидан ўрин олган, фавқулодда кўп ишлатиладиган сўзга айланди. «Ғамгин», «тушунарсиз», «ғаройиб», «чалкаш», «маънисиз» «мантиқсиз», «тутуруксиз», «ҳаддан ташқари» — буларнинг ҳаммаси битта «кафкача» сўзда мужассамлашган. Ҳозирги вақтда бу сўз кўпчилик шарҳчилар томонидан сийқаси чиқариб юборилган.

Ҳақиқатдан ҳам Ф. Кафка тўғрисида ёзиш жуда марокли, лекин ниҳоятда қийиндир. Унинг ташки дунёси — таржимаи холига доир деярли ҳеч нарса йўқ, фақат биргина ўзи билан ўзи ва англашинилишича, ишлов бериш осон бўлмаган материал — Сўз билан бетўхтов ички курашдир. Кафка ҳар қандай ифодали Сўз — моҳиятга изох бера олмаса ҳам формула аниклиги даражасида ифода этиш қийин бўлган нарсани тушунишга олиб борадиган йўлни кўрсатади, деб таъкидлаган эди. Изҳор қилиш — «адабиёт ва кўрқинч» камраб олган Кафка моҳиятининг асосидир. У бизга ажойиб прозани — расмий матнлардагидек лўнда, шу билан бирга рухий-маънавий бўҳронларни жиловлаган асарларни мерос қилиб қолдирди. «Мангулик эмас, мангу яшаб қолиш муҳим», деган эди машҳур немис файласуфи Фридрих Ницше.

Акмал САИДОВ,
профессор

ЭВРИЛИШ

Ҳикоя

I

Грегор Замза кунлардан бирида эрталаб нотинч уйқудан уйғониб, ўз тўшагида кўркинчли махлуққа айланиб қолганлигини сезди. У орқа томонидаги тошдек қаттиқ тосида чалқанча ётар экан, бошини хиёл кўтариши билан ўзининг қабарик, кўнғиртус, ёйсимон тангачалар билан бир текис бўлақланган, кўрпаси аранг ушланиб, салга сирпаниб тушиб кетиши мумкин бўлган қорнини кўриб турарди. Унинг сон-саноксия, танасининг бошқа жойларига қараганда мажрух ингичка оёқчалари кўзи ўнгида бир-бирларига чирмашиб ётарди.

«Менга нима бўлди?» — ўйларди у. Бу туш эмасди. Хонаси хақиқий, мўъжаз бўлса ҳам одатдаги хона, унга яхши таниш тўрт девор ичида сукут сақларди. Мовут намуналари тахлаб қўйилган стол устида — Замза коммивояжер¹ эди, у яқинда безакли журналдан қиркиб олиб, чиройли тилларанг рамкага жойлаштирган сурат осиялик турарди. Расмда мўйнали шляпада ва боа² да қаддини тик тутган аёл ўтирган ҳолда томошабинга қўллари яширинган муфта³ сини узатган ҳолда тасвирланганди.

Шундан сўнг Грегорнинг нигоҳи деразага қадалди ва тунд об-ҳаво — дераза тоқчасига қоқилган жезга ёмғир томчиларининг чакиллаб урилиши эшитилиб турарди — унинг кайфиятини тамоман тушириб юборди. «Яна бир оз мизғиб олсам ва бу бўлмагур нарсани унутсам яхши бўларди», — хаёл сурарди у, лекин бунинг асло имконияти йўқ эди. У ўнг биқинида ухлаш-

¹ *Коммивояжер* (французча «*commisvoyager*») — харидорларга товарларни уларнинг намуналари ёки каталоглар бўйича харид қилишни таклиф этадиган савдо ташкилотининг сайёр воситачи ходими (таржимон изоҳлари).

² *Боа* — аёлларнинг мўйнали ёки патли узун шарфи.

³ *Муфта* — қўллар олдинда бирлаштирилганда улар иссик бўлишига мўлжалланган мўйнали ёки жунли енгча, қўлқопнинг бир тури.

га одатланганди, хозирги ҳолатида эса бунинг ҳеч иложини тополмаётганди. У қайси томондан ўнг бикинига ўгирилмоқчи бўлмасин, барибир яна чалқанча ҳолатига қайтарди. Ўзининг чирмашиб ётган оёқчаларини кўрмаслик учун кўзини юмиб, бу ҳаракатларни юзлаб бор такрорлади ва ниҳоят, авваллари сезмаган қандайдир зирқиллаган енгил оғрикни ҳис этгач, ури-нишларини тўхтатди.

«Эҳ, танграм, — ўйларди у, — қандай беҳаловат касбни танлаганман-а! Ҳар куни санғиш. Унда тижорат ташвишлари, савдо уйидагига караганда қанчалар кўп, устига-устак, марҳамат, йўл азобини торт, поездлар катнови тартиби ҳақида ташвиш чек, бемаза, ора-чорада тамадди қилиш имкони топиладиган емишларга чида, янги, бегона одамлар билан ҳеч вақт самимий бўлмайдиган қисқа фурсатли муносабатлар ўрнат. Э, ҳаммасига бало урсин!» У қорни устида салгина кичима сезди; бошини кўтариш осонроқ бўлиши учун орт томони билан каравотининг сим панжаралари томон охишта силжиди; маълум бўлишича, бир текис оқиш тусли, тушунарсиз нуқтачалар билан қопланган кичиётган жойини топди; бу жойни оёқчаларидан бири билан қашлаб кўрмоқчи бўлди, лекин оёқчасини дарҳол тортиб олди, чунки танасига жўнгина тегиб кетиш ҳам унда титроқ пайдо қилди.

У сирпаниб, ўзининг аввалги ҳолатига келди. «Бундай тонг сахарда туришдан, — хаёлидан ўтказди у, — ақлдан озиш мумкин, Одам уйқуга мириқиб тўйиб олиши керак. Бошқа комивояжерлар худди нозанинлардек яшашади. Масалан, мен пешгоҳда олинган буюртмаларни коғозга тушириш учун меҳмонхонага қайтганимда бу жаноблар энди нонушта қилаётган бўладилар. Мен ҳам ўзимни шундай тутишга журъат этай-чи, хўжайним дарҳол кавушимни тўғрилаб қўяди. Айтганча, ким билади, бу мен учун ҳатто соз бўларди. Агар ота-онамни ўйлаб, шайтонга чап бериб турмаганимда, аллақачон ишдан бўшардим, ҳатто хўжайним олдига бориб, у ҳақда нима фикрда бўлсам, ҳаммасини юзига айтардим. У идора курсисидан юмалаб тушган бўларди! Хўжайиннинг кизик одати бор: баланд курсисига ўтиради-да хизматчилар билан тепада ўтириб гаплашади, бунинг устига унинг қулоғи оғирлиги учун хизматчи курси олдига жуда яқин келиши керак. Аммо умидлари ҳали тамоман саробга айланганича йўқ: отасининг қарзидан қуту-

лиш учун пул тўплаб олиши билан — бунга яна беш-олти йил бор — худди шундай қилади. Ана ўшанда биз у билан узил-кесил хайр-маъзур қиламиз. Ҳозир эса ўрнидан туриши керак, поезд соат бешда силжийди».

У сандик устида чикиллаётган соатга қаради. «Э, худо!» — нидо қилди у. Вақт етти ярим бўлган, соат миллари илгарилашда давом этар, ҳатто етти яримдан ҳам ўтган, салкам чорак кам саккиз бўлганди. Наҳотки, соат жиригламаган бўлса? Каравотдан қаралса, бонг уриш вақти соат тўртга тўғри ўрнатилганлиги кўриниб турарди; соат, шубҳасиз, жириглаган. Лекин жавондаги идишларни ҳам жириглатадиган бу кўнги-рокка карамасдан бамайлихотир ухлайверганмикин? Афтидан у нотинч, жуда қаттиқ уйқуда бўлган. Хўш, энди нима қилиш керак? Навбатдаги поезд соат еттида кетади; унга улгуриш учун роса шошилиши керак, холбуки мовут намуналари жойланмаган, ўзини ҳам сафарга йўл оладиган даражада хис этмаяпти. У ҳатто поездга улгурганда ҳам хўжайиндан тоза дашном эшитиши аниқ — чунки савдо уйининг мол тарқатувчиси соат бешдаги поезд бекатида наватчилик қилган ва хўжайинга у — Грегор кеч қолганлигини хабар қилган. Бетоб бўлиб қолдим деса бўлмасмикин? Бирок бу ниҳоятда кўнгилсиз ва шубҳали бўларди, зеро, беш йиллик хизмати даврида Грегор ҳали бирор марта касал бўлмаган. Хўжайин, албатта, касалхона кассаси врачини олиб келган ва ота-оналарига дангаса ўғилларининг қилмишини юзларига солган, дунёдаги ҳамма одамлар соппасоғ, улар фақат ишлашни хоҳлашмайди, деган фикрида собит бу врачни рўқач қилиб, барча эътирозларни рад этган бўларди. Ахир, бугунги ҳолда хўжайин ҳақ эмасми? Чунки бундай таажжубланарли узок уйқудан кейинги мудрокни хисобга олмаса, Грегор чиндан ҳам ўзини жуда тетик хис этар ва ҳатто ниҳоятда очиккан эди.

У буларни тўшагини тарк этишга ҳеч журъат этмасдан шошқалоқлик билан хаёлидан ўтказар экан — шу пайтда соат чорак кам еттига бонг урди — каравоти бош томонидаги эшикни эҳтиёткорлик билан чертишди.

— Грегор, — таниш овоз эшитилди (бу онаси эди), — чорак кам етти бўлди. Ахир сен жўнаб кетмоқчи эмасмидинг?

Қандай меҳрли товуш! Грегор онасига қандай жавоб берганлигини эшитиб, қўрқиб кетди, бу товуш, шубҳасиз, ўзига

тегишли бўлса ҳам овозига қандайдир бошқа, тажанг, хастали чийиллаш қўшилиб кетган, шунинг учун биринчи сўзлари аниқ эшитилар, сўнг эса чийиллаш сабаб шу қадар ўзгариб кетардики, янглиш эшитмадимми деган хаёлга бориш мумкин эди. Грегор батафсил жавоб бермоқчи ва ҳамма нарсани тушунтирмоқчи эди, бироқ ана шу сабаб фақат:

— **Ха, ха, ойи, мен туряпман, —** дея олди.

Ёғоч эшик ортида, афтидан, унинг товуши нақадар ўзгариб кетганлигини сезишмади, чунки бу сўзлардан кейин онаси хотиржам бўлиб, шипиллаб нари кетди. Бироқ бу қисқа мулоқот оила бошқа аъзоларининг Грегор ҳали ҳам уйда эканлигига эътиборларини тортди ва мана, ён тарафдаги эшиклардан бирига отаси мушти билан секин тақиллата бошлади.

— Грегор! Грегор! — бақирарди у. — Нима бўлди? Бир неча лаҳзадан кейин у овозини пасайтириб, яна чақирришга тушди:

— Грегор! Грегор!

Бошқа яна бир ён эшик ортидан синглиси оҳиста ва ачинарли ҳолда:

— Грегор! Мазанг кочдими? Бирор ёрдам керакмасми? — дерди.

Грегор уларнинг ҳаммаларига: «Мен тайёр бўлдим», деб жавоб берар экан, ҳар бир сўзини аниқ талаффуз қилиш ва сўзлари орасида узоқроқ тин олиш билан товушидаги ғайритабиийликни сездирмасликка ҳаракат қилди. Отаси нонуштасини давом эттириш учун ортига қайтди, лекин синглиси шивирлашини тўхтатмасди:

— Грегор, ўтиниб сўрайман, оч.

Лекин Грегор эшикни очишни хаёлига ҳам келтирмасди, у хизмат сафарларида ўрганиб қолган одати бўйича уйда ҳам кечаси эҳтиёткорлик билан барча эшикларни қулфлаб қўйганлигидан кўнгли таскин топганди.

У даставвал секин, шов-шув кўтармасдан ўрнидан туриш, кийиниш ва олдин нонушта қилиш, сўнг кейинги ишлар ҳақида мулоҳаза юритиб кўришни хоҳларди, чунки — бу унга равшан бўлганди — тўшагида унинг ўйига бирор тайинли нарса келмасди. У ўрнида ётар экан, бир неча бор салгина, эҳтимол, ноқулай ётганлиги учун бўлса керак, оғриқ сезди, аммо тўшагидан туриши билан бу оғриқ хаёлий эканлиги аён бўлиши, шунинг учун бугунги ташвишлари ўз-ўзидан қандай тарқаб ке-

тишини тасаввур қилиб кўрди. Товушининг ўзгарганлиги эса бор-йўғи коммивояжерларнинг касбий касали — каттик шамоллашнинг аломати, бунга унда бирор шубҳа йўқ эди.

Устидаги кўрпани олиб ташлаш жўн кўчди; корнини бироз шиширганди, ўз-ўзидан сирпаниб тушиб кетди. Аммо кейинчалик ўзининг бақалоклиги учун ишлари пачавалаша бошлади.

Туриши учун унга қўлларини ишга солиши даркор эди; улар ўрнини эса муттасил, бетартиб ҳаракатланиб турган ва бунинг устига ўзи ҳеч эплай олмаётган кўплаб оёқчалар эгаллаганди. Агар у оёқчаларидан бирини эгмоқчи бўлса, оёқча аввало чўзиларди; агар у ниҳоят бу оёқчаси билан ўйлаган нарсасини бажаришга муваффақ бўлса, бу вақтда бошқалари гўё озодликка чиқиб олгандек танасини зиркиллатганча ҳаракатга тушиб кетарди. «Фақат тўшақда беҳуда ушланиб қолмаслик керак», — деди ўзига-ўзи Грегор.

Аввал у тўшақдан танасининг паст томони ёрдамида кўтарилмоқчи бўлганди, бироқ бу ҳали кўрмаган ва қандайлигини тасаввур ҳам этолмайдиган қисми камҳаракат экан. Бу уриниши жуда секин кечарди, бундан ғазабланган Грегор таваккалига олдинга ташланганди, мўлжални нотўғри олган экан, каравотнинг сим панжараларига урилди ва санчикли оғрик ҳозир танасининг пастки томони, эҳтимол, энг сезгир эканлигига ишонч ҳосил қилди.

Шунинг учун у тўшақдан танасининг юқори қисми ёрдамида кўтарилиш учун бошини эҳтиёткорлик билан каравот чети томон бура бошлади. У бунга муваффақ бўлди, бақалоклиги ва зилзамбиллигига қарамасдан гавдаси охир-оқибат секинлик билан боши ордидан бурила бошлади. Аммо боши ниҳоят каравот чеккасидан ўтиб, осилиб қолгач, у бундан кейин ҳам шундай силжишга уринишдан даҳшатга тушди. Чунки, агар у бу ҳаракати туфайли йиқилиб тушса, фақат мўъжиза рўй бергандагина боши омон қолиши мумкин эди. Лекин у ҳеч ҳам ҳушидан кетиши мумкин эмасди; шунинг учун яхшиси тўшақда қолавериши керак.

Бироқ шунча зўриқишлардан кейин нафасини ростлаб, олдинги ҳолатига қайтгач, оёқчалари аввалдагидан ҳам шиддатли йимирлаётганлигини кўриб ва бу ўзбошимчаликни тинчлантиришга ва тартибга келтиришга қурби етмаганидан сўнг у яна ўзини каравотда бундан буён қолиши мумкин эмаслиги ва энг оқилонаси — каравотдан туришга озгина бўлса-да умидвор бўлишга, бунга бор-бутини тикиши кераклигига ўзини ишон-

тиришга тушди. Лекин у айни пайтда бамайлихотир мушоҳада юритиш ночорликдан ўзини чўкка уришга қараганда нафлирок эканлигини вақти-вақти билан ёдга солишни унутмасди. Ана шундай лаҳзаларда у деразага роса тикилиб қарарди. Афсуски, хатто қарши томондаги тор кўчани ҳам пайкатмай қўйган тонги туман томошаси тетиклик ва ишонч бахш этмасди. «Соат етти ҳам бўлибди, — деди у ўзига-ўзи соат яна бонг урганда, — соат етти бўлса ҳам шунчалик туман». У гўё тўла сокинлик ҳақиқий воқелик ва табиий ҳолатини қайтариб берадигандек, бир неча дақиқа тинч, оҳиста нафас олиб ётди.

Кейин эса ўзига-ўзи: «Соат чорак кам саккизга бонг чалишидан аввал нима қилиб бўлса ҳам қаравотни узил-кесил тарк этишим керак. Айтганча, бунгача идорадан мени йўқлаб келишса керак, чунки идорада соат еттида иш бошланади», деди. Ва у танасини бутун узунлигича бир текис тебратиб, қаравотдан итарилиб тушишга ҳаракат қила бошлади. Агар у қаравотдан шу ҳолида йикилиб тушганида, афтидан, қулаётган пайтида бошини даст кўтарса, майиб қилмасди. Орқаси анчайин қаттикка ўхшарди; гиламга тўнтарилса, эҳтимол, унга ҳеч нарса бўлмасди. Ҳаммадан ҳам уни гавдаси гурсиллаб йикилиши ва бу эшик орқасидагиларни агар даҳшатга туширмаса-да, ҳар ҳолда хавотир уйғотиши мумкинлиги ҳақидаги ўй-ташвишга соларди. Аммо нима бўлганда ҳам бунга азм этиш керак эди.

Грегор танасининг ярми қаравот четидан осилиб қолгач, — бу янги чора ҳолдан тойдирадиган уринишдан кўпроқ эрмакка ўхшаб кетарди, фақат ўзини силтаб тебратиши керак эди, — агар унга ёрдамлашиб юборганларида ҳаммаси нақадар жўн бўлиши мумкинлиги ҳаёлига келди. Бунинг учун икки бақувват одам — у отаси ва оқсоч аёлни ёдига олди — етиб-ортарди; улар фақат кўлларини ҳозир ёй шаклидаги орқа томонига сукиб, қаравотдан кўтарсалар ва у эҳтиёткорлик билан полда ағдарилиб олгунга қадар ушлаб турсалар бас, бу ҳолда унинг оёқчалари, афтидан, бирон қор-қолга асқотиб қоларди. Аммо наҳотки у эшик қулфланган бўлмаганда ҳам ҳақиқатан қимнидир кўмаклашиб юборишга чақирармиди? Бошига тушган қулфатга қарамасдан бу тусмолидан қулиб юборишдан ўзини тия олмади.

У кучли силтанишлари пайтида мувозанатни зўрға сақлаб турар ва батамом йикилиб тушаётган пайтда уйга кириш эши-

гида кўнғирок чалинди. «Бу фирмадан келган кимдир бўлса керак», — деди у ўзига ва деярли қотиб қолди, бироқ оёкчалари янада жадалроқ гимирлашга тушди. Бир неча лаҳза сукунат сакланиб турди. «Улар оча олишмайди», — деди Грегор ўзига, қандайдир ақл бовар қилмайдиган ишончга умид боғлаб. Лекин кейин оксоч аёл, одатдагидек, ўша томон қарс-қурс қилиб бориб, эшикни очди, албатта. Грегор мехмоннинг ким эканлигини дарҳол билиб олиши учун унинг биринчи каломини эшитиши кифоя қилди: бу бошқарувчининг ўзи эди. Нимага энди Грегорга биринчи айбиёк шу қадар катта шубҳа уйғотадиган фирмада ишлаш пешонасига ёзилган экан? Ахир бу фирманинг бошдан-оёк ҳамма хизматчилари найрангбозлар эмасми, ахир улар орасида ишончли ва содик, хизмати учун тонгги бир неча соатини бахшида қила олмаган бўлса ҳам виждон азобидан ақлдан озай деяётган ва тўшагини тарк этишга қодир бўлмаётган одам бор эмасми? Нахотки, хабар олиш учун — агар бунга умуман ҳожат бўлса — шогирдни жўнатиш кифоя қилмасмиди, албатта бошқарувчининг ўзи келиши ва бу билан бирон гунохи йўқ бутун оиласига бундай шубҳали ходисани суриштириш фақат унинг қўлидан келишини намойиш қилиши керак бўлса? Ҳозирги ҳолатидан қутулишга чинакамига азм қилганидан ҳам кўпроқ бу ўйларидан жунбушга тушган Грегор қаравотда бутун кучи билан силтанди. Қулаш қулоқни қоматга келтирадиган даражада шовқин чиқармаса ҳам каттик бўлди. Гилам тўнтарилишни биров юмшатди, орқа томони ҳам Грегор тасаввур қилганига қараганда эгилувчанроқ экан, шунинг учун ҳам бундан чиққан шовқин бўғиқроқ эшитилди. У фақат бошини етарли даражада эҳтиёткорлик билан ушламаган экан, уриб олди; оғриқдан кийналиб, бошини гиламга ишқади.

— У ерда нимадир қулади, — деди бошқарувчи чап томондаги кўшни хонадан.

Грегор бошқарувчи билан бугун у, Грегорда рўй берганга ўхшаган бирор нарса бўлиши мумкинлигини тасаввур қилишга уришиб кўрди; умуман олганда бундай имкониятни истисно этиб бўлмасди. Лекин бошқарувчи бундай саволни иткитиб ташлаётгандек, кўшни хонада локланган этиги ғирчиллаши жўрлигида бир неча шахдам қадам қўйди. Ўнгдаги хонадан, Грегорга шилпитиб қўйиш учун, сингласи шивирларди:

— Грегор, бошқарувчи келди.

— Хабарим бор, — деди Грегор секин; у овозини синглиси эшита оладиган даражада чиқаришга журъат эта олмади.

— Грегор, — чапдаги хонадан гап бошлади отаси, — бизникига жаноб бошқарувчи келдилар. У киши нега сен эрталабки поезд билан жўнаб кетмаганлигингни сўраяптилар. Биз унга нима деб жавоб беришни билмаямиз. Айтганча, у киши сен билан шахсан ўзлари гаплашмоқчилар. Шунинг учун, илтимос, эшикни оч. У киши марҳамат қилиб, хонадаги тартибсизлик учун бизни кечирарлар.

— Хайрли тонг, жаноб Замза, — илтифот билан кўшиб кўйди бошқарувчининг ўзи.

— У бетоброк, — деди онаси бошқарувчига отаси эшик олдида туриб галини давом эттираётганиди. — Менга ишонаверинг, жаноб бошқарувчи, у бетоброк. Акс холда Грегор поездга кеч қолармиди! Бола бечора факат фирма ҳақида ўйлагани ўйлаган. У кечкурунлари бирон жойга бормаслиги учун мен бироз койинаман; у саккиз кундан бери шаҳарда, аммо барча окшомларни уйда ўтказди. Стол ёнида ўтириб, индамай газета ўқийди ёки поездлар қатнови жадвалини ўрганади. У ўзига изн берадиган ягона кизиқиши — гулпанжара аррачасида буюмлар ясаш. У қандайдир икки-уч окшом ичида, масалан, рамкача ясади; шундайки, кўрсангиз кўзингиз қувнайди; уни сиз ҳозир хонасида, Грегор эшикни очганидан кейин кўрасиз. Сизга айтсам, жаноб бошқарувчи, келганингиздан бахтиёрман; сизсиз биз Грегорни эшикни очишга мажбур қила олмасдик; у шундай ўжарки; ва у тонгда буни инкор этган бўлса ҳам, албатта, бетоб бўлса керак.

— Мен ҳозир чиқаман. — деди Грегор секин ва босик, лекин улар суҳбатидан бирор сўзни ҳам эшитмай қолмаслик учун кимир этмади.

— Мен ҳам буни бошқача изоҳлай олмайман, хоним, — деди бошқарувчи. — Умид қиламизки, хасталик хавфли эмас. Аммо, шуни ҳам айтайки, биз, савдогарларга, — бахт ёрлақгани учунми, пешонамиз шўрлиги учунми — тез-тез иш манфаати йўлида енгилроқ хасталикка парво қилмасликка тўғри келади.

— Демак, жаноб бошқарувчи олдинга киравериши мумкинми? — сўради отаси бетоқат ва яна эшикни қокди.

— Йўқ, — деди Грегор.

Чапдаги хонага укубатли сукунат чўқди, ўнгдаги хонада синглиси хўнграб юборди.

Нима учун синглиси бошқалар олдига бормаяптикан? Афтидан, у hozirгина тўшагидан турган ва хатто кийинишга ҳам улгурмаган. Аммо нима учун у йиғлади? Чунки у турмаяпти ва бошқарувчини хонасига киритмаяпти, чунки у ишини йўқотиши мумкин, бу ҳолда хўжайин яна ота-онасини эски талаблари билан сиқувга олишни бошлайди. Аммо hozirча буларнинг ҳаммаси беҳуда кўркинчлар эди. Грегор шу ерда, у оиласини ҳеч ҳам ташлаб кетиш ниятида эмас. Тўғри, hozir гиламда ётар, ва у қандай ҳолатда эканлигини билишса, ҳеч ким ундан бошқарувчини хонасига киритишини талаб қилмаган бўларди. Грегорни бу, кейинчалик осонгина тегишли тушунтириш топса бўладиган, бирозгина бетакаллуфлик учун дарҳол ишдан қувиб бўладими! Шунинг учун Грегорга hozir унга йиғи ва илтимослар билан тикилинч қилмасдан тинч қолдирсалар, оқилроқ иш тутишган бўлишига ўхшаб туюларди. Аммо ҳаммани бевосита худди шу нарса — мавҳумлик (бу улар хатти-харакатларини кечирарди) эзаётганди.

— Жаноб Замза, — хитоб қилди бошқарувчи, энди овозини баландлантирган ҳолда, — нима гап? Сиз хонангизда кулфланиб олибсиз, фақат «ҳа» ва «йўқ» деб жавоб берасиз, ота-онангизни мушкул, беҳуда ташвишларга қўйяпсиз ва ўз хизмат вазифангиздан — фақат ўрни келганлиги учун ёдингизга солай — чинакамига тасаввур этиб бўлмайдиган ҳолда бўйин товляяпсиз. Ҳозир мен сизнинг ота-онангиз ва хўжайинингиз номидан гапиряпман ва сиздан дарҳол бу ҳолни тушунтириб беришингизни катъиян сўрайман. Мен ҳайратдаман, мен лолман! Мен сизни босик, мулоҳазали одам деб ҳисоблардим, сиз эса антиқа қилиқлар қилмоқчи бўлаётганга ўхшайсиз. Тўғри, хўжайин эрталаб менга сизнинг ишга чиқмаганлигингиз изоҳи тусмолига шама қилди — бу яқинда сизга ишониб топширилган омонат пулга даҳлдор эди — аммо чин сўз беришга тайёрман, бу изоҳ ҳақиқатга тўғри келмайди. Бироқ hozir сизнинг ҳеч оқлаб бўлмайдиган ўжарлигингизни кўриб туриб, менда, қандайдир тарзда бўлмасин, сизнинг ёнингизни олиш истаги қолмаяпти. Сизнинг аҳволингиз эса мақтанарли даражада эмас. Даставвал буни мен шахсан ўзингизга, юзма-юз туриб айтмоқчи эдим, лекин сиз мени бу ерда беҳуда вақт сарфлашга мажбур қилаётганингиз учун буни ота-онангиздан яшириб ўтишининг ҳожати йўқ деб ҳисоблайман. Сизнинг муваффақиятла-

рингиз сўнги вақтларда, мен сизга айтсам, жуда кониқарсиз; тўғри, ҳозир йилнинг катта битимлар тузадиган вақти эмас, буни биз тан оламиз; лекин, жаноб Замза, йилда ҳеч қандай битимлар тузилмайдиган вақт умуман бўлмайди.

— Лекин, жаноб бошқарувчи, — хитоб қилди Грегор ўзини тутиб туролмай ва ҳаяжонланганидан бошқа ҳамма нарсаларни унутди, — мен ҳозирок, шу дақиқадаёқ эшикни очаман. Бироз тобим қочганлиги, бош айланиш хуружи менга ўрнимдан туришга имкон бермаётган эди. Мен ҳали ҳам каравотда ётибман. Аммо мен энди ўзимга келдим. Мен ўрнимдан туряпман. Бир дақиқа сабр қилинг! Мен ҳали, ўйлаганимча, тузук эмасман. Бироқ энди бироз яхшироқман. Қаранг-а, қандай кулфат! Кеча кечқурун ҳам ўзимни аъло даражада ҳис этаётгандим, буни ота-онам тасдиқлаши мумкин, йўқ, кеча кечқурунок кўнглимдан қандайдир нарса ўтганди. Бу сезилган бўлишининг эҳтимоли катта. Нима учун мен фирмани бундан хабардор қилмадим! Лекин ҳамма вақт бетобликни оёқда юриб ўтказса бўлади, деб ўйлайсан. Жаноб бошқарувчи! Ота-онамга раҳм қилинг! Ахир сизнинг ҳозир менга қилаётган таналарингиз учун бирор асос йўқ; менга бу ҳақда бир оғиз ҳам гапиришмаган-ку. Сиз, эҳтимол, мен жўнатган охирги буюртмаларни кўрмаган бўлсангиз керак. Қолаверса, мен яна соат саккиздаги поездда жўнаб кетаман, бир неча соатлик кўшимча уйқу менга қувват берди. Жаноб бошқарувчи, бу ерда ушланиб қолманг, ҳозир мен ўзим фирмага бораман, илтимос, хўжайинга шундай деб қўйинг ва у кишига ҳурматимни билдилинг!

Грегор буни шошилиб, нима деяётганлигини ўзи ҳам тушунмасдан бидирларкан, у осонгина — эҳтимол, буни каравотда ҳаддини олган кўринади — сандиққа яқинлашди ва унга таянган ҳолда бутун гавдаси билан тик туришга ҳаракат қилиб кўрди. У ҳақиқатан ҳам эшикни очмоқчи, ҳақиқатан ҳам ҳонасидан чиқиб, бошқарувчи билан гаплашмоқчи эди! ҳозир ўзини кутаётган одамлар уни кўриб, нима дейишларини жуда билмоқчи эди. Агар улар кўркиб кетсалар, демак Грегор зиммасидаги масъулиятдан ҳалос бўлади ва у тинчланиши мумкин. Агар улар буни бамайлихотир қабул қилсалар, демак унинг ташвишланишига ҳожат йўқ ва у, шошилса, ҳақиқатан ҳам вокзалда соат саккизда ҳозир бўлади. Олдинига у локланган сандиқдан бир неча бор сирғалиб тушди, ва ниҳоят, сўнги силтаниш-

да бўй-басти билан тик ҳолатга келди; танасининг пастки қисмидаги оғрикка, бу жуда қийнаётган бўлса ҳам, эътибор бермай қўйган эди. Сўнг яқинроқда турган стул суянчигига танасини суяб, оёқчалари билан четига тирмашиб олди. Энди у танасига ҳукмини ўтказа оларди ва бошқарувчининг жавобини эшитиш учун сукут сақларди.

— Сиз унинг бирор сўзига тушундингизми? — сўради бошқарувчи ота-онасидан. — У бизни мазах қилмаяптими?

— Худо ёрлақасин, — хайқирди онаси юм-юм йиғларкан, — эҳтимол, унинг касали оғирдир, биз эса уни қийнаётмиз. Гретта! Гретта! — кичкирди у сўнг.

— Ойи? — бошқа томондан овоз берди синглиси.

— Дарҳол врачни чақириб кел. Грегор бетоб. Тезроқ врачга бор. Грегор қандай гапирганлигини эшитдингми?

— Бу махлуқнинг овози эди, — деди бошқарувчи, унинг товуши онанинг кичкирикларига қараганда ҳайратланарли даражада паст эди.

— Анна! Анна! — бақирди отаси ошхона томонга ва чапак чалди. — Хозирок чилангарни бошлаб келинг.

Мана, иккала қиз юбкаларини шилдиратиб, кириш эшиги томон югуриб кетишди — синглиси қандай қилиб бунчалик тез кийиниб олди экан? — ва эшикни ланг очишди. Эшик ёпилгани эшитилмади — афтидан, улар уни очик қолдирдилар, қатта бахтсизлик рўй берган квартираларда шундай ҳолга дуч келасиз.

Грегор эса анча тинчланиб қолди. Тўғри, унинг гапларини энди тушунишмаётганди, ҳолбуки ўзи учун овози тиник, ҳатто аввалдагига қараганда ҳам тиникроқ туюларди, эҳтимол, қулоғи бунга ўрганиб қолган бўлса керак. Лекин энди у билан ғалати ҳодиса рўй бераётганига ишонишди ва унга ёрдам беришга тайёр эдилар. Биринчи фармойишларнинг дадил ва қатъийлик билан берилганлиги унга яхши таъсир қилди. У яна ўзини одамлар билан биргаликда сезар, врач ва чилангардан — уларни бири-биридан фарқламасдан — ғаройиб ишларга қодирликни кутарди. Яқинлашиб келаётган ҳал қилувчи суҳбат олдидан товушига иложи борича кўпроқ табиийлик бериш мақсадида бироз йўталиб кўрди, аммо бунга паст овозда қилишга ҳаракат қилди, чунки, эҳтимол, бу овоз энди инсоний йўталишга ўхшамас, ўзи эса бу ҳақда ҳулоса чиқаришга азм қилмасди. Қўшни хонада бу вақтда жуда тинчиб қолишди. Эҳтимол, ота-онаси бош-

карувчи билан стол атрофида шивирлаб гаплашишаётгандир. баъки уларнинг ҳаммаси бирон нарса эшитиш учун қулоқларини эшикка тутиб туришгандир.

Грегор стул билан эшик томон аста силжиди, стулни қўйиб юбориб, эшикка осилди, унга тик холда қапишди — оёқчаларидаги панжаларининг ёстикчаларида қандайдир ёпишқоқ модда бор эди — бу астойдил уринишлардан кейин бироз нафасини ростлади. Шундан сўнг оғзи билан қулфдаги калитни бурашга тушди. Афсуски, афтидан, унда хақикий тишлар йўққа ўхшайди — калитни нима билан ушлаб олса экан? — бироқ жағлари жуда бақувватга ўхшайди: улар ёрдамида калитни хақиқатан ҳам кимирлата бошлади, у бу билан ўзига жароҳат етказаетганига парво қилмасди; чунки оғзидан қандайдир қўнғир суюқлик чиқиб, калитга ва полга оқа бошлаганди.

— Қулок тутинглар-а, — деди бошқарувчи қўшни хонадан, — у калитни бурамоқда.

Бу Грегорни жуда тетиклантириб юборди; аммо уларнинг ҳаммаси: отаси ҳам, онаси ҳам унга бақиришса яхши бўларди, уларнинг ҳаммаси унга:

«Кучлирок, Грегор! Қани бир уриниб кўр, қани қулфни оч!» — деб бақиришганларида яхши бўларди. У ҳамма ўзининг ҳаракатларини диққат билан кузатиб турибди деган тасаввурга жуда берилиб, бутун кучи билан калитга ёпишди. Калит буралган сари Грегор қулф олдида туриб, танаси оғирлигини бир оёқчасидан иккинчисига ўтказарди; энди у жағи ёрдамида тик турарди, у заруратга қараб гоҳ калитга осилиб қолар, гоҳ унга танасининг бутун оғирлиги билан қапишарди. Ниҳоят очилган қулфнинг жарангли черткиси гўёки уни уйғотиб юборди. У нафасини ростлаб ўзига: «Демак, мен чилангарсиз ҳам уддасидан чиқибман», деди ва эшикни очиш учун унинг туткичига бошини қўйди.

Эшик шу тарика очилганлиги учун у деярли ланг холда бўлса ҳам ўзи кўзга ташланмаётганди. Аввал у эшикнинг бир қаватини аста айланиб ўтиши керак эди, хонага кириш бўсағасида йиқилиб тушмаслиги учун эса уни ўта эҳтиёткорлик билан айланиб ўтиш талаб қилинарди. У бу жуда мушқул силжиш билан овора бўлиб, шошилганидан ҳеч нарсага эътибор қилмаётганди, бирдан бошқарувчининг «Вой!» деб бақирганини эшитди — бу шамол увиллашига ўхшарди — ва бошқарувчининг ўзини кўрди: у эшикка ҳаммадан яқин турар, уни қандай-

дир кўринмас, енгилмас куч қуваётгандек кафтини очик оғзига босганича орқасига тисариларди. Онаси — бу ерда бошқарувчи борлигига қарамасдан, сочлари турмагини тунда ечиб юборганича, тўзғитиб турар — аввал кўлларини сиқиб, отасига бокди, кейин Грегор томон икки қадам кўйиб, юбқасига ўралашган, бошини кўксига қўйган ҳолда тўнтарилди, шунинг учун у деярли кўринмасди. Отаси Грегорни хонасига итариб киритмоқчи бўлгандек, муштини таҳдидли қисди, кейин меҳмонхонани беҳуш нигоҳидан ўтказди, кўзини кўллари билан тўсиб, йиғлаб юборди ва унинг бақувват яғрини титрай бошлади.

Грегор меҳмонхонага умуман кирмаган, ичкарида маҳкамланган эшик каватига суяниб турар, шунинг учун гавдасининг ярми ва хонага назар ташлаётган, ён томонга қийшайган боши кўриниб турарди. Бу вақтга келиб кун анча ёришиб қолганди; кўчанинг қарши томонида узундан-узюк қатор, кулранг-қора, бир хил катталиқдаги ойналари бўлган бинонинг — бу қасалхона эди — бир қисми аниқ гавдаланарди; ёмғир тўхтамаганди, йирик-йирик, ҳар бирини фарқласа бўладиган томчилар ерга уриларди. Столда ҳали ҳам нонуштага мўлжалланган жуда кўп идишлар турарди, чунки отаси учун нонушта кундалиқ емакларнинг энг муҳими ҳисобланарди, у газеталар ҳам ўқиб, соатлаб нонушта қиларди. Рўпарасидаги деворда Грегор ҳарбий хизматда бўлган вақтда тушган сурат осилиқ турарди; унда кўлини қиличи дастасига қўйиб бепарво кулимсираб турган, қомаги ва ҳарбий кийими билан ҳурмат уйғотадиган лейтенант тасвирланганди. Кириш йўлкасига қаратилган эшик очик эди, кириш эшиги ҳам очиклиги учун зинапоя олдидаги майдонча ва дастга тушадиган зиналар кўриниб турарди.

— Хўш, энди, — деди Грегор фақат ўзигина хотиржам эканлигини жуда яхши англаган ҳолда, — ҳозир кийинаман, намуналарни йиғиштираман ва йўлга тушаман. Сиз менинг жўнашимни хоҳлайсизми, айтинг, хоҳлайсизми? Мана, жаноб бошқарувчи, кўриб турибсизки, мен ўжар эмасман, мен мазза қилиб ишлайман; сафарлар мени толиқтиради, лекин мен ҳаётимни сафарларсиз тасаввур эта олмайман. Қаёққа кетяпсиз, жаноб бошқарувчи? Идорагами? Тўғрими? Сиз хўжайинни ҳамма нарсадан хабардор қиласизми? Баъзан одам ишлай олмайдиган ҳолда бўлади, аммо шундай пайтда келажакда хатоларингни тўғрилаш учун янада эътиборлироқ ва сидқидилдан ишлаш умидида

аввалги ютуқларингни ёдга олишнинг айна вақтидир. Сиз жуда яхши биласиз, мен хўжайиндан жуда қарздорман. Бошқа томондан, ота-онам ва синглимга ғамхўрлик қилиш менинг зиммамда. Бошимга кулфат тушиб қолди, аммо бунинг чорасини топаман. Фақат бусиз ҳам мушкул аҳволимни оғирлаштирманг. Фирмада менинг тарафимни олинг! Биламан, коммивояжерларни яхши кўришмайди. Улар бебилиска пул топишади, устига-устак, фақат ўз фароғатларини ўйлаб яшади деб ҳисоблашади. Ҳеч ким бундай таассуб ҳақида умуман ўйламайди. Лекин сиз, жаноб бошқарувчи, сиз аҳвол қандайлигини биласиз, бошқа хизматчилардан яхшироқ биласиз, ўзаро айтсам, хўжайиндан ҳам яхшироқ биласиз, у тадбиркор сифатида у ёки бу хизматчини баҳолашда осонгина адашиши мумкин. Сиз яна шуни ҳам жуда яхши биласизки, коммивояжер деярли йил давомида фирмада бўлмай, ғийбат, тасодифлар ва асоссиз айбловларнинг қурбонига осонгина айланиши мумкин; у бундан мутлақо ҳимоялана олмайди, чунки кўп ҳолларда бу нарсаларнинг аксариятидан беҳабар бўлади, кейингина сафарлардан хорибтолиб қайтганида бу қабих, эндиликда ҳақиқий сабабларидан жуда йироқ бўлган оқибатларни ўз танасида ҳис қилади. Жаноб бошқарувчи, менинг ҳақлигимни қисман бўлса-да тан олишингизни бир оғиз сўз билан бўлса ҳам билдирмасдан кетманг!

Аммо бошқарувчи Грегор гапини бошлаши биланок терсаяиб ўгирилиб олган ва унга муттасил силкиниб турган елкаси узра қарарди. Грегор гапираётганда бирор лаҳза ҳам жойида турмасдан, кўзини узмасдан ундан узоклашарди, лекин гўёки бирор тақик унга хонадан чиқиб кетишга изн бермаётгандек, жуда секинлик билан эшик томон тисариларди. У энди кириш йўлакчасида эди ва мехмонхонани тарқ этаётганда охириги қадмини қутилмаганда жуда кескин кўйгавлигига қараб, ҳозиргина товонини куйдириб олган деган хаёлга бориш мумкин эди. Кириш йўлакчасида эса у ўнг қўлини зинапоя томон — гўё бу жойда уни жаннатий роҳат қутаётгандек — чўзди.

Грегор, агар у ўзининг фирмадаги ҳолатини хавф остига қўйишини истамаса, бошқарувчини бу кайфиятда сира ҳам қўйиб юбормаслиги кераклигини англади. Ота-онаси буларнинг ҳаммасини яхши тушунишмасди: улар Грегор бу фирмага бир умрга жойлашиб олган деб ўйлашга одатланиб қолгандилар, ҳозир уларнинг елкасига ағдарилган ташвишлардан эса эс-хушларини

бутунлай йўқотишганди. Аммо Грегор хушёрликни йўқотмаганди. Бошқарувчини тўхтатиш, тинчлантириш, ишонтириш ва охир-окибат ўз томонига оғдириш керак эди; чунки Грегор ва унинг оиласининг келажаги шунга боғлиқ эди! Эҳ, синглиси кетмаганида эди! У ақлли, у Грегор ҳали бамайлихотир чалқавча ётганида йиғлаётганди. Бу бошқарувчи — хонимлар хушомадгўйи, унга, албатта, итоат этган бўларди; синглиси кириш эшигини ёпган ва уни кўндирган, кўркинчларини тарқатиб юборган бўларди. Аммо синглиси кетиб қолди ва энди Грегорнинг ўзи ҳаракат қилиши керак. У ўзининг ҳозирги ҳаракат қилиш имкониятларини мутлақо билмаслиги тўғрисида ўйламасдан, унинг овози, аҳтимол, яна тушунарсиз бўлиб қолганлиги тўғрисида ҳам ўйламасдан эшик қаватидан узоқлашди; остона ҳатлади; бошқарувчи томон йўналди, у — бошқарувчи эса майдончага чиқиб, икки қўли билан зинапоя панжаларига кулгили холда ёпишиб олганди. Грегор ўзи учун таянадиган жой излар экан, шу заҳотиёқ ожиз кичкирик билан барча панжалари устига тўнтарилди. Бу рўй берган заҳоти гавдасига тонгдан буён биринчи марта қулай бўлди; панжаларининг ости қаттиқ эди; панжалари, хурсандчилик билан қайд қилди у, ажойиб тарзда унга бўйсунарди; ҳатто каерга боргиси келса, ўзлари гавдасини ўша жойга элтишга интилардилар ва у яқин орада ўзининг азоблари узил-кесил тугайди деган қарорга келганди. Лекин у бутунлай қотиб қолганга ўхшаб ётган онаси яқинида, худди унинг рўпарасидаги полда силтаниб чайкалаётган онда онаси бирдан сакраб туриб, қўлини ёйиб, бармоқларини кериб, кичкириб юборди: «Ёрдам беринглар! Худо ҳаққи, ёрдам беринглар!» — ва у худди Грегорни яхшироқ кўрмоқчи бўлганидек, бошини қийшайтирди, бироқ бунинг ўрнига маъносиз орқасига тисарилди; ортида дастурхон ёзилган стол турганлигини унутди; унга яқинлашиб паришонхотир устига ўтириб олди, ва афтидан, ёнгинасида тўнтарилган катта идишдаги қаҳва гиламга шариллаб тўкилаётганлигини пайқамади.

— Ойи, ойи, — шивирлади Грегор ва унга қаради.

Бир лаҳза у бошқарувчини мутлақо ёддан чиқарганди; аммо тўкилаётган қаҳвани кўриб, ўзини ушлаб туролмади ва бир неча бор зўрға нафас олди. Уни кўрган онаси яна қичкириб юборди, столдан сакраб тушиб, ўзи томон талпинган отасининг бағрига йиқилди. Бироқ ҳозир Грегорнинг ота-онаси би-

лан машгул бўлиши учун вақти йўқ эди; бошқарувчи зинапо-
га кадам қўйганди; у иягини зинапоя панжарасига тираб, орка-
га сўнги, видолашувчи нигоҳ ташлади. Грегор унга етиб ол-
мокчи бўлиб югурмокчи бўлди; лекин афтидан, бошқарувчи
унинг ниятини сезиб қолди, бир неча зинапояларни ҳатлаб
ўтиб, ғойиб бўлди. У фақат «Фу!» дея ҳайкирди ва бу овоз
зинапоя узра тарқалди. Афсуски, бошқарувчининг кочиши шу
пайтгача ўзини нисбатан бардам ушлаб турган отасининг ниҳо-
ят дилини сиёҳ қилди, чунки у ўзи бошқарувчи кетидан югу-
риш ёки ҳеч бўлмаганда Грегорга уни қувиб етиш учун хала-
кит қилмаслик ўрнига, бошқарувчи стулда қолдирган пальто
ва шляпаси ёнидаги асосини ўнг қўлига, чап қўлига эса столда-
ги катта газетани олиб, оёқлари билан полни тепкилаб, газета
ва асони силкитиб, Грегорни ўз хонасига ҳайдай бошлади. Гре-
горнинг унга қилаётган илтимослари қор бермади, отаси уму-
ман унинг гапларини тушунмаётганди; Грегор итоаткорлик
билан бошини силкиллашига қарамасдан отаси полни оёғи
билан янада қаттиқрок гурсиллатишда давом этарди. Онаси
хаво совуклигига қарамасдан, деразани тарвақайлатиб очиб
юборди ва ундан бўйнини суқиб, юзини кафтлари билан бекит-
ди. Дераза ва зинапоя оралиғида кучли елвизак пайдо бўлди,
пардалар ҳиллирай бошлади, столдаги газеталар шитирлашга
тушди, уларнинг бир неча варақлари пол узра уча бошлади.
Отаси ёввойи одамдек шипилловчи овоз чиқариб, тобора бос-
тириб келаётганди. Грегор ҳали тисарилишнинг ҳаддини олма-
ган эди, у орқага жуда секинлик билан чекинарди. Агар Грегор
ўгирилганда, дарҳол ўз хонасига кириб оларди, лекин у жуда
секин айланса отасининг ғазабини кўзгаздан ҳадиксираётган-
ди, отаси қўлидаги асо эса ҳар бир дақиқада орқаси ёки боши-
га фожиали тушиб қолиши мумкин эди. Бирок охир-оқибатда
Грегорда бирор имконият қолмади, чунки у орқасига тисари-
лар экан, бирор аниқ йўналишни мўлжалга олишга қурби ет-
маётганлигига даҳшат билан ишонч ҳосил қилди; шунинг учун
отасига қўрқинч билан киё боқишини тўхтатмасдан имконияти
борича тезроқ, амалда эса жуда секинлик билан ўгирила бош-
лади. Отаси, афтидан, унинг нияти яхшилигини тушунди ва
ўгирилишига тўсқинлик қилмади, нарироқда туриб асонинг учи
билан қаёққа қайрилишини кўрсатиб турди. Фақат отасининг
тоқат қилиб бўлмаётган вишиллаши бўлмаганда эди! Бу Гре-

горнинг бошини айлантириб юбораётганди. У ўгирилишини ниҳоясига етказаётганда бу вишиллашга қулок тутиб, адашди ва бирмунча орқароққа қайрилиб кетди.

Лекин у, ниҳоят, бошини очиқ эшикка сукқанди, танаси бу ердан бемалол ўтиши учун жой торлиги маълум бўлди. Отаси ҳозирги ҳолатида эшикнинг иккинчи қаватини ҳам очиб, Грегорни ўз хонасига ўтиши учун ўнғай қилишга фаҳми етмади, албатта. Отасига фақат бир ўй — Грегорни иложи борича тезроқ хонасига қувиб киритиш тинчлик бермаётганди. У Грегор бўй-басти билан тик туриб, шу тарика, эҳтимол, хонасига кириб олиш учун бироз тайёргарлик кўришига ҳам тоқат қилолмаётганди. Худди Грегорга бирор тўсиқ йўқдек уни жуда шовкин чиқариб ҳайдаётганди; бу вазиятда Грегорга бирон чора қолмаётганди, шу сабабли у нима бўлса-бўлар деб эшикка тикилди. Унинг танасининг бир томони кўтарилиб қолди, кейин остонага қия ҳолича йиқилди, бир биқини жуда қонталаш бўлиб кетди, окранг эшикда эса жуда хунук қон излари қолди; кўп ўтмай у бу ерга тикилиб қолди ва энди олдинга мустақил силжий олмасди; панжалари бир биқинида титраганча осилиб қолди, иккинчи томони полга оғриқли қапишганди. Шунда отаси бутун куч билан унинг орқасига тепди ва Грегор қонга беланган ҳолда хонасига учиб тушди. Эшикка таёқ суқиб, маҳкамлаб қўйишди ва ниҳоят орзиқиб қутилган суқунат чўқди.

II

Грегор фақат қош қорайганда укубатли, ҳушсизликка ўхшайдиган уйқудан кўз очди. Агар уни безовта қилмаганларида ҳам бундан кеч уйғонмасди, чунки у ўзини анча хордиқ чиқарган ва уйқуга тўйган ҳолда ҳис этаётганди; лекин уни кимнингдир охиста одимлари ва кириш йўлакчасига чиқадиган эшик эҳтиёткорлик билан қулфланаётган товуш уйғотиб юборгандай туюлди. Шифтда ва мебель устида кўчадаги чиरोқ шуълалари акс этарди, бироқ хонанинг пастки қисми қоронғу эди. Грегор ўз чангаллари билан секин, бесўнақай тимироскиланиб, — уларнинг кадрига энди етаётганди — нариёқда нима бўлганини билиш учун эшик олдига судралиб борди. Унинг бутун чап биқини узунасига ноҳуш санчик бераётган чандикка ўхшарди ва икки оёқчаси чинакамига оқсаётганди. Эрталабки кўнғилсиз

воқеалар оқибатида фақат бир оёкчаси — фақат бир оёкчалиги мўъжиза эди — оғир жароҳат олган ва полда жонсиз судраларди.

Фақат эшик олдидагина ўзини бу томонга нима етаклаганини англади; бу емиш хиди эди. У ерда товоққа устида оқ нон бўлаклари сузиб юрган ширин сут қуйиб қўйилганди. У сал бўлмаса қувончидан кулиб юборай деди, чунки эрталабга қараганда ҳам очикқанди ва бошини кўзи билан бирга сутга чўмдирай деди. Бирок тезда ҳафсаласи пир бўлиб, бошини товоқдан чиқариб олди; бунинг устига жароҳатланган чап бикини сабаб овқатланиши мушкул эди. — у овқатни оғзини катта очиб ва бутун танасини ҳаракатга келтириб ея оларди, — ҳамма вақт энг ёқтирган ичимлиги бўлган ва синглизиси, албатта, шунинг учун келтирган сут энди унинг учун мазали туюлмади; у деярли кўнгли айниб, товоқдан бошини тортди ва орқага, хона ўртасигача судралиб кетди.

Грегор эшикдаги тиркишдан мўралаб пайкаганидек, меҳмонхонада чирокни ёкишибди; отаси одатда онасига, баъзан эса синглизига ҳам бу пайтда кечки газетани ўкиб берарди, аммо хозир бирон товуш эшитилмасди. Айтгандек, эҳтимол, синглизиси ҳамиша гапириб берадиган ва мактубда тилга оладиган бу газета ўкиш удумига кейинги пайтда амал қилинмаётгандир. Бирок квартирада, шубҳасиз, одам борлигига қарамасдан ҳамма ёкка сукут чўмганди. «Оиламиз қанчалар сокин ҳаёт кечириди-я», — деди ўзига-ўзи Грегор ва қоронғуликка кўз тикканича, ота-онаси ва синглизиси учун ана шундай ажойиб квартирада шундай турмуш кечиришларини таъминлагани ҳақидаги фикридан олий ғурурни хис этди. Энди бу хотиржамлик, фаровонлик, тўқинчилик даҳшатли хотима топган бўлса-чи? Ўзини бундай ўйлар чулғаб олмаслиги учун Грегор бироз чигилёзди қилмоқчи бўлиб, хона бўйлаб судрала бошлади.

Узок окшом давомида бир сафар ён томондаги эшик, кейин яна бир марта бошқаси хиёл очилиб, дарҳол ёпилди; афтидан, кимдир бу хонага кирмоқчи бўлди, лекин кўркинч устун келди. Грегор қандай қилиб бўлса ҳам бу қатъиятсиз кимсани аниқлаш ва кимлигини билиш учун бевосита меҳмонхонага кириладиган эшик олдида тўхтади, лекин эшик бошка очилмади ва унинг умидлари пучга чикди. Эрталаб, эшиклар қулфловлик пайтида, ҳамма унинг олдида кирмоқчи бўлганди, энди,

бир эшикни ўзи очганига, бошкалари эса, шубҳасиз, кун давомида очиқ турганлигига қарамасдан ҳеч ким кирмаётганди, ҳолбуки калитлар ташқи томонда осилиб турарди.

Фақат кеч тунда меҳмонхонадаги чирокни ўчиришди, ва шу заҳотиёқ ота-онаси ҳамда синглиси ҳалигача уйроқ эканлиги маълум бўлди; аниқ эшитилиб турганидек, уларнинг ҳаммаси хонадан оёқ учида узоқлашаётган эдилар. Энди тонггача Грегорнинг олдига ҳеч ким крмайди, албатта, демак буёғига ҳаётини қандай ўзгартириш тўғрисида биров халақит бермаган ҳолда ўйлаб олиш учун етарлича вақти бор эди. Аммо полда чўзилиб ётишга мажбур бўлаётган баланд шифтли бўм-бўш хона уни ваҳимага соларди; у бу хонада мана беш йилдан буён яшаётган бўлса ҳам қўрқинчининг сабабини билмасди; у деярли ўзига ҳисоб бермаган ҳолда ўгирилиб, ҳеч уялмай, шошилиб диван остига ўрмалади, бу ер унинг учун тор, оркаси бироз қисилганлиги, бошини кўтара олмаслигига қарамасдан ўзига қулай эканлигини дарҳол ҳис қилди, фақат диван остида тўла ўрнашиб олиши учун танаси жуда кенглигидан афсусланди.

Бу ерда у бутун тун бўйи қолди, бунинг бир қисмини тез-тез очлик чўчитиб, уйғотиб турган мудроқ ҳолда, қисман ҳозирча ўзини тинч тутиши кераклиги, бугунги ҳолати билан оиласига келтирган ташвишларни енгиллаштириш учун чидамли ва итоатли бўлишга мажбурлиги тўғрисидаги хулосага муттасил олиб келадиган ғам-ғиғонда ва алғов-далғов умидларда ўтказди.

Тонг саҳарда — ҳали деярли тун эди — Грегорга синглиси деярли тўла кийиниб олган ҳолда кириш тарафдаги эшикни очиб, унинг хонасига хавфсираб бош сукқанида ҳозиргина қабул қилган қарорининг қатъийлигини синаб кўриш имконияти туғилди. У Грегорни шу заҳотиёқ пайқади, аммо уни диван остидалигини кўриб: — э, худо, ахир у учиб кетиши мумкин эмасди-ку, қаердадир бўлиши керак эди-ку! — шунчалик қўрқиб кетдики, ўзини қўлга ололмай, эшикни ташқаридан бекитиб қўйди. Бироқ худди ўз хатти-ҳаракатидан пушаймон еганидек, дарҳол яна эшикни очди ва хонага оғир бемор ёки хатто ўзга одам олдига кираётгандек оёқ учида кадам қўйди. Грегор бошини диваннинг энг четига суқиб, синглисини кузата бошлади. У сутга тегилмаганлигини пайқармикин, бунини оч бўлмаганлиги учун қилмаганлигини ва ўзига маъқулроқ бўладиган қандайдир бошқа овқат келтиришга фаҳми етармикин? Агар бунини сингли-

сининг ўзи қилмаса, у бунга унинг эътиборини қаратгандан кўра очдан ўлишни афзал биларди, холбуки Грегорни диван остидан сакраб чиқиб, ўзини унинг оёқлари остига ташлаш ва қандайдир яхшироқ овқат келтиришини илтимос қилиш истаги чулғаб олганди. Лекин синглиси тўла турган, фақат сут бироз чайқалган товоқни ажабланган ҳолда дарҳол пайкаб, шу заҳотиёқ уни тўғри, жўнгина қўлига олмасдан, балки латтада ушлаган ҳолда олиб чиқиб кетди. Грегорни синглиси сутнинг ўрнига нима олиб келиши қизиқтирар эди ва у бу ҳақда турли тахминларни ўйлай бошлади. Лекин у синглиси меҳрибонлик кўрсатиб, амалда нима қилганлигини умуман хаёлига келтира олмаган экан. Синглиси унинг ҳозирги истагини аниқлаш учун егуликларнинг турли хилларидан олиб келиб, уларни эски газета устига териб қўйди. Бу ерда чирий бошлаган сабзавотлар; овқатланишдан кейин дастурхонда қотиб қолган оқ соус билан қопланган суюқлар; бироз майиз ва бодом; Грегор икки кун аввал еб бўлмайдди деб эълон қилган пишлоқ кесими; қуритилган нон; сариеъ сурилган нон бўлаги, устига туз сепилган нон турарди. Бундан ташқари синглиси, афтидан, Грегор учун энди бир умрга ажратилган ўша аввалги товоқни келтириб, унга сув қўйиб қўйганди. Шундан сўнг Грегор унинг олдида овқатланмаслигини билган ҳолда назокат кўрсатиб, хонани тарк этишга шошилди ва Грегор ўзига қандай қулай бўлса, шундай ўрнашиб олиши мумкинлигини билдириш учун ҳатто эшикдаги калитни ҳам бураб қўйди. Грегор овқат томон силжиганда панжалари бири иккинчисидан жадалроқ ҳаракатга тушди. Унинг жароҳатлари ҳам бутунлай битиб кетганга ўхшарди, ўзи бундан бирон ноқулайлик сезмасди, бунга хайрон қоларкан, бир ойдан хиёл олдинроқ бармоғини пичоқ билан салгина кесиб олгани ва бу яраси аввалги кун ҳам анчайин қучли оғриқ берганлигини эслади. «Нахотки, мен энди кам сезгирроқ бўлиб қолган бўлсам?» — хаёлига келтирди у ва бошқа бирор емакка қараганда ўзига дарҳол қучлироқ жалб қилган пишлоққа очкўзларча ташланди. У бир зумда хузур қилаётганидан ёшланган кўзлари билан кетма-кет пишлоқ, сабзавотлар, соусни паққос туширди: янги тайёрланган таом, аксинча, ёкмади, ҳатто унинг хиди ҳам бадбўй туюлди ва емоқчи бўлган бўлақларини бу таомлардан нарига суриб қўйди. У аллақачон қорнини тўйдириб олганди ва овқатланган жойида ялқовланиб ётганида синг-

лиси ўрнига қайтиб бориш вақти келганлигига шама қилаётгандек, калитни охиста буради. Деярли мудрай бошлаганига қарамасдан, бу уни шу заҳотиёқ чўчишиб юборди ва Грегор яна диван остига шошилди. Аммо ҳатто синглиси хонасида бўлган қисқа вақт ичида ҳам диван остида қолиш ундан катта сабот талаб қилди, чунки мўл емакдан қорни қаплайиб кетган ва тор жойда нафас олишга қийналаётганди. У бўғилишининг енгил хуружларидан азият чекиб, гезарган кўзалари билан ҳеч нарсадан беҳабар синглиси супурги билан фақат унинг овқатланишидан қолган қолдиқларнигина эмас, балки Грегор умуман тегинмаган егуликларни ҳам — гўё улар энди яроксиздек — бир жойга тўплаб, буларни шошилич челақчага ташлаб, устини тахтача билан ёпиб, олиб чиқиб кетганлигини кузатиб турди. Синглиси орқасига ўгирилишига улгурмасдан Грегор диван остидан чиқиб, қаддини ростлади ва шиширинди.

Грегор емакни ҳар куни шу тарзда — бир сафар ота-онаси ва хизматқорлари ҳали уйқуда бўлган тонгда, иккинчи марта эса ота-онаси яна мизғиб олиш учун ётган, синглиси хизматқорларни бирор топширик билан уйдан жўнатган чошгоҳда оларди. Улар ҳам Грегор, очликдан ўлиб қолишларини истамасди, албатта, лекин уларга Грегорни овқатлантиришнинг тафсилотларидан хабардор бўлиш, афтидан, чидаб бўлмайдиган даражада оғир туюларди ва, эҳтимол, синглиси уларни ҳеч бўлмаса бу азоблардан ҳалос қилмоқчи бўларди.

Ўша биринчи тонгда врач ва чилангарни квартирадани кайси бахона билан чиқариб юрганликларидан Грегор хабарсиз қолди: чунки улар уни тушунишмасди, шунинг учун у бошқаларни тушунаётганлиги ҳеч кимнинг, жумладан, синглисининг хаёлига ҳам келмасди, шу сабабли синглиси хонасида бўлганида фақат ух тортишлар ва Тангрига илтижоларни эшитарди, ҳолос. Кейинроқ, синглиси аста-секин ҳамма нарсага кўника бошлаганда — тўлатўқис кўникиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди, албатта, Грегор аҳён-аҳёнда — у емакнинг ҳаммасини еб тугатса — кўнгилхушлик билан айтилган: «Бугунги сийлов унга ёкибди», аксинча ҳолларда эса — бу тобора тез-тез юз бераётганди — деярли қайғули ҳолда: «Яна бирон нарсанинг тузини тотмабди» қабилидаги луқмаларни илғаб оларди.

Бирон янгиликдан бевосита хабардор бўлмаётган Грегор кўшни хоналардаги гапларга кулок тутарди: у қаердандир би-

рон овозни эшитгач, ўша заҳотиёк шу томондаги эшик томон шошиларди ва унга бутун танаси билан тираниб оларди. Айникса, дастлабки пайтларда ҳатто сирли ҳолда бўлса ҳам у ёни бу тарзда унга тааллуқли бўлмаган суҳбатнинг ўзи бўлмасди. Икки кун давомида ҳар галги овқатланиш пайтида эндиликда ўзларини қандай тутишлари лозимлиги хусусида маслаҳатландилар; бироқ тамадди қилишлар оралиғида ҳам гап фақат шу ҳақда борарди ва ҳозир уйда ҳамма вақт оиланинг камида икки аъзоси бўларди, чунки, афтидан, ҳеч ким ёлғиз қолишни хоҳламасди, квартирани ҳамма бирданига тарк этишининг эса сира иложи йўқ эди. Айтгандек, оксоч аёл биринчи кунёк — рўй берган ҳодиса ҳақида у нимадан хабардор эканлиги унчалик равшан эмасди — тизза чўкиб онасидан шу заҳотиёк уни қўйиб юборишларини ялиниб-ёлворишга тушди, шундан чорак соатдан кейин эса хайрлашар экан, йиғлаган ҳолда хизматдан бўшатганларини энг олий ҳимматдек қабул қилиб, чексиз миннатдорчилик билдирди ва ундан бунга умуман талаб қилмаган бўлсалар ҳам, ҳеч кимга ҳеч нарса айтмаслиги ҳақида даҳшатли оғтинчди.

Синглисига энди онаси билан таом тайёрлаш билан машғул бўлишга тўғри келди; аммо бу, аслини олганда, уларни уринтириб қўймади, чунки ҳеч ким деярли ҳеч нарса емасди. Грегор улар бир-бирларини овқатланишга кўндириш учун беҳуда уринишларини, ўзаро қистовларга жавобан «Раҳмат, мен тўйдим» ва шу қабилдаги жавобларни деярли мунтазам равишда эшитарди. Афтидан, ичишни ҳам тўхтатишганди. Синглиси отасидан тез-тез пиво ичишни хоҳлайсизми деб сўрар ва бажонидил пиво олиб келиши мумкинлигини билдирар, отаси индамаса, уни бирор шубҳадан халос қилиш учун пивога фаррошни юбориши мумкинлигини айтарди, аммо отаси бунга қатъий «йўқ!» дегач, бу ҳақда бошқа гап очишмай қўйишди.

Биринчи куннинг ўзидаёқ отаси, онаси ва синглисига оиланинг моддий аҳволи ҳамда келажак тахминларини тушунтириб берди. У ўтирган жойидан тез-тез туриб, беш йил аввал касодга учраган фирмасидан сақланиб қолган ўзининг кичик хонаки кассасидан гоҳ қандайдир қвитанция, гоҳ ён дафтарчасини оларди. У мураккаб кулфни қандай очаётганлиги ва бу ердан қидираётган нарсасини олиб, яна қалитни бураганлиги қулоққа чалинарди. Отасининг бу тушунтиришлари Грегор қамаб қўйилга-

нидан кейин эшитган биринчи, қисман таскин берувчи янглик эди. У отасининг ўша корхонасидан ҳеч вақо қолмаган деб ҳисобларди, ҳар ҳолда отаси бунинг аксини тасдиқламагани, Грегор эса бу ҳақда сўрамасди. Ўша пайтларда Грегорнинг бутун ўй-хаёли ҳаммаларини тўла умидсизлик гирдобига отган корхона касодга учраганлигини оиласи иложи борича тезроқ нутишига қаратилган эди. Шунинг учун ўша вақтда у алоҳида шижоат билан ишлашга киришди ва деярли дарҳол дастёрдек арзимас вазифадан маоши мутлақо бошқача бўлган, хизматдаги муваффақиятлари шу заҳотиёқ нақд пулга чақиладиган сайёр ходим даражасига кўтарилди. Бу нақд пулни эса ажабланган, айни пайтда бахтиёр оила олдидан столга қўйиш мумкин эди. Бу яхши вақтлар эди, Грегор шундан кейин ҳам оиласини боқиш учун етадиган ва амалда ҳам боқиб келган даражада пул ишлаб топган бўлса ҳам ўша онлар, ҳар ҳолда аввалги дабдабалик билан ҳеч қачон қайтарилмади. Бунга ҳамма — оиласи ҳам, Грегорнинг ўзи ҳам кўникиб қолди; ундан пулни миннатдорчилик билан олишарди, у ҳам бажонидил берарди, лекин ўша олдинги алоҳида илиқлик бошқа пайдо бўлмасди. Фақат синглизигина барибир Грегорга меҳрини сақлаб қолди; синглизининг ўзидан фарқли ўларок мусиқани жуда яхши кўриши ва скрипкани таъсирчан чалиши учун Грегорнинг ундан катта чиким талаб этиши ва бу харажатларни нималарнидир ҳисобига қоплаши зарурлигига қарамасдан келгуси йил консерваторияга жойлаб қўйиш пинхона режаси бор эди. Грегор ўз шахрида қисқа вақтгагина ушланиб қолган пайтларда синглизининг билан суҳбатларида тез-тез консерватория ҳақида гап очиларди, аммо бунга ҳаммиш аажойиб, эришиб бўлмайдиган орау сифатида қараларди, лекин бу шунчаки гаплар ҳам ота-онасининг норозилигига сабаб бўларди; шунга қарамасдан Грегор консерватория тўғрисида аниқ қарорга келган ва бу ниятини рождество¹ арафасида тантанали эълон қилмоқчи эди.

Грегор тик ҳолда эшикка ёпишиб, кулок тутиб турган пайтда миясида ҳозирги ҳолатида шундай, мутлақо бефойда фикрлар ўралашиб юрарди. У ҳолдан тойиб, вақти-вақти билан бошини беҳос эгиб, эшикка урар, лекин шу заҳотиёқ яна тик ҳолатига қайтарди, чунки у томонидан чиқарилган хиёлгина товуш

¹ *Рождество Христово* – 25 декабрда Исо Масих туғилган куни муносабати билан нишонланадиган христианларнинг диний байрами.

хам эшик ортида эшитилар ва ҳаммани сукут сақлашга мажбур киларди. «У яна қандай хунар кўрсатяпти?» — дерди отаси бироздан сўнг, афтидан, эшикка қараб ва фақат шундан сўнггина узилган суҳбат давом этарди.

Шу тарика Грегор аста-секин (чунки отаси ўз изоҳларини — қисман отаси ишини тарқ этганига анча вақт бўлганлиги, қисман онаси ҳамма нарсани бир галги тушунтиришдаёқ англаб етмаслиги сабабли такрорлаб турарди) рўй берган барча қулафатларга қарамасдан ўша эски замонлардан тузуккина сармоя сақланиб қолганлиги, олинадиган фоизларга тегилмаганлиги учун бу маблағ йиллар давомида бирмунча қўпайганлигини ҳам бутун тафсилотлари билан билиб олди. Бундан ташқари, маълум бўлишича, Грегор ҳар ой олиб келадиган пул — у ўзи учун бир неча гульден¹ олиб қоларди, холос, тўла харажат қилинмас ва озроқ сармоя ҳам жамғарилган экан. Грегор эшик ортида турар экан, бундай қутилмаган эҳтиёткорлик ва тежамкорликдан қувонганидан бошини ҳадеб ликиллатарди. Умуман олганда, бу ортиқча пуллар билан у отаси қарзининг бир қисмини тўлаши ва ўз хизматидан воз кечиш эркига эга бўладиган кунни яқинлаштириши мумкин эди, бироқ отаси пулларни худди шундай ишлатганлиги сўзсиз яхшироқ бўлиб чиқди.

Аmmo бу пуллар оиласи фоизлар ҳисобига яшай олиши учун жуда кам эди; улар эҳтимол бир йилга, нари борса икки йилга — қўлга эмас — етарди. Шундай қилиб бу пулларни, аслини олганда, сарфлаш эмас, балки қора кунга сақлаб қўйиш керак эди; тирикчиликка пулни эса ишлаб топиш зарур эди. Отаси соғ бўлса ҳам қартайган, беш йилдан бери ишламасди ва ишлашга унчалик интиلمасди; отасининг беҳаловат, лекин омадсиз ҳаётида биринчи марта содир бўлган бу беш йиллик таътилда у анчайин тўлишиб кетди ва шунинг учун кам харакат бўлиб қолди. Бўвма қасаллигидан азият чекадиган, ҳатто квартирада ҳам аранг кимирлайдиган ва кун ора очик дераза олдидаги қаравотда нафас олишга қийналиб ётадиган онаси пул ишлаб топиши керакми? Ёки, эҳтимол, ўн етти ёшида хали боладек ва шу пайтгача яшаб келаётганидек, — нафис қийиниш, тўйгунча ухлаш, хўжалик ишларида қўмақлашиш, қандайдир камтарона кўнғилочарликларда иштирок этиш ҳамда,

¹ *Гульден* (gulden) — Австрия-Венгрияда 1892 йилга қадар муомалада бўлган қумуш танга пул.

энг аввало, скрипка чалиш тарзида турмуш кечиришга тўла ҳуқуқи бўлган сингиси пул ишлаб топиши даркор? Бу пул ишлаб топиш зарурати хақида гап очилганда Грегор ҳамиша ёпишиб олган эшикни қўйиб юборар ва ўзини совук чарм диванга отарди, чунки у уяг ва алам гулханида ўт бўлиб ёнарди.

У ўша жойида кўп бор узундан-узок тунлар бир лаҳза ҳам мишжа қокмай ётар ва соатлаб диваннинг чарм қопламасига ишқаланар ёки кучини аямай креслони дераза ёнига сурар, дераза тоқчасига чиқиб, креслога таянган ҳолда ойнага юзини қўярди. Бу авваллари, деразадан қараётганда ўзини чулғаб олган эркинликка эришиш тўғрисидаги хотираларига ўхшаб кетарди. Амалда эса у кун сайин узокроқдаги нарсаларни тобора хирарок кўрарди; Грегор рўпарадаги — атрофни кўришга халакит бериверганлиги учун лаънатлайдиган — касалхонани умуман фарқламай қолганди ва у агар сокин, лекин чинакам шаҳар кўчаси — Шарлоттенштрасседа яшашини чуқур идрок этмаётганида, ўз деразасидан кулранг ер ва кулранг осмонни бир-биридан ажрата олмайдиган даражада қўшилиб кетган макондаги чўлга боқяпти деган ўйга борарди. Зийрак сингисига кресло дераза олдида турганини икки мартаба пайқаш қифоя қилди; энди у ҳар гал хонани тозалаб бўлиб, креслони яна дераза олдида суриб қўяр ва эндиликда ҳатто деразанинг ички қаватларини очик қолдирадиган бўлди.

Агар Грегор сингиси билан гаплашиб, ўзига қилаётган ҳамма яхшиликлари учун миннатдорчилигини билдирганида эди, бу хизматларини қабул қилишдан оғринмасди; ҳозир эса бундан жуда азобланаётганди.

Тўғри, сингиси рўй берган ҳолатнинг азобини енгиллаштириш учун роса ҳаракат қилаётганди, вақт ўтган сари сингиси бунинг уддасидан яхши чиқаётганди, лекин Грегорга ҳам тобора ҳамма нарса равшан бўлиб бораётганди. Унинг учун сингиси келишининг ўзи даҳшатли эди. Сингиси Грегор хонасидаги манзарани бошқалар нигоҳидан сақлашга, умуман олганда, астойдил ҳаракат қилиб келаётган бўлса ҳам ҳозирги пайтда бу ерга киргач, ортидан эшикни ёпишга вақт сарфлаб ўтирмай, тўғри дераза томон югурарди, гўё бўғилиб қолаётгандек, уни шошилиб ланг очарди, қанчалик совук бўлмасин, чуқур нафас олган ҳолда бир дақиқа дераза олдида туриб қоларди. Бундай шовқин-сурони ва шошилиши билан у Грегорни

кунига икки марта кўрқитарди; у бундай пайтларда ҳар доим диван остида қалтираб ётарди, холбуки, агар синглиси у билан бир хонада дераза ёпиклик ҳолатида бўлса, шубҳасиз, уни бу кўркинчлардан ҳалос қилиши мумкинлигини жуда яхши биларди.

Бир кун — Грегорнинг ҳозирги ҳолига эврилишига бир ойга яқин вақт бўлганди ва демак, синглисининг унинг бундай кўринишдалигига ажабланишига алоҳида бир сабаб йўқ эди — синглиси одатдагидан эртарок келиб, Грегорни даҳшатли тарзда дераза олдида ташқарига қимирламай қараб турган ҳолда кўрди. Агар синглиси хонасига шунчаки кирмай қўя қолганида, Грегор учун бу бирор ноодатий нарса бўлиб туюлмасди; лекин у дераза олдида туриб синглисига уни очишга тўскинлик қилаётганди; синглиси хонага шунчаки кирмади, балки дарҳол ортига тисарилиб, эшикни қулфлаб қўйди; бу бегона одамга Грегор синглисини пусиб тургандек ва тишлаб олмоқчи бўлгандек туюлиши мумкин эди. Грегор, албатта, шу захотиёқ диван остига яшириниб олди, лекин унга синглисининг қайтиб келишини чошшоқгача кутишга тўғри келди ва синглиси келганда унда қандайдир тушунарсиз ҳадиксираш сезиларди. Бундан Грегор синглиси ҳалигача унинг юзини кўришни хоҳламаслигини ва ҳеч қачон буни хоҳлай олмаслигини, диван остидан кўриниб турган танасининг кичик бир қисмига кўзи тушганда ҳам бу ердан қочиб қолмаслик синглисидан катта сабот талаб қилишини тушуниб етди. Грегор синглисини бундай манзарадан ҳалос қилиш учун бир кун чойшабни елкасида диванга олиб ўтди — бу ундан тўрт соат вақт талаб қилди — ва уни ўзини диван остида бутунлай кўринмайдиган, ҳатто синглиси эгилиб қараганда ҳам кўра олмайдиган тарзда ёйиб қўйди. Агар синглиси бу чойшабга ҳожат йўқ деб ҳисобласа, уни олиб қўйиши ҳам мумкин эди, чунки у бу ёпинғич билан ўзига қулай бўлиши учун бекинмаяпти, бу аниқ-равшан; аммо синглиси чойшабни жойида қолдирди, ҳатто Грегор синглиси ушбу янгликни қандай қабул қилганлигини кўриш учун боши билан чойшабни эҳтиёт бўлиб кўтарганида унинг миннатдорчилик нигоҳини пайқади.

Дастлабки икки ҳафтада ота-онаси унинг олдига киришга ўзларини мажбурлай олмадилар ва Грегор уларнинг синглиси қилаётган ҳозирги ишларини макташларини тез-тез эшитарди,

холбуки, авваллари улар деярли ҳамма вақт ундан ранжишарди, кизлари ўзларига укувсизроқ туюларди. Эндиликда синглиси хонасини тозалаётганда отаси ҳам, онаси ҳам кўпинча Грегор хонаси олдида пойлаб туришарди, синглиси чиқиши биланок, уни хона қандай аҳволдалиги, Грегор нимани татиб кўрганлиги, бу сафар ўзини қандай тутганлиги, озгина бўлса-да яхшилик томон ўзгартириш сезилган-сезилмаганлиги ҳақида батафсил гапириб беришга мажбур қилишарди. Айтгандек, онаси нисбатан кўп вақт ўтмай Грегорнинг олдида киришни истаб қолди, аммо отаси ва синглиси уни аввал оқилона далиллар билан бундан тийиб туришди; Грегор бу гапларни диққат билан тинглар экан, улар фикрларини тўла-тўқис маъқулларди. Кейинчалик онасини куч билан ушлаб туришга тўғри келди; бундай пайтларда онаси: «Мени уни олдида қўйиб юборинглар, ахир у менинг бахти қаро ўғлим-ку! Наҳотки, сиз мен унинг олдида киришим кераклигини тушунмасангиз?» — деб қичқирганларида Грегор, эҳтимол, онаси унинг олдида, албатта, ҳар кун эмас, балки ҳафтасига бир мартаба кириб турса яхши бўларди деб ўйларди; чунки ўзининг бутун жасоратига қарамай ҳали ғўр бўлган, охир-оқибатда болалиги учун ҳам енгилтаклик ила бундай даҳмаза билан машғул синглисига қараганда онаси уни анча яхшироқ тушунган бўларди.

Онасининг Грегорни кўриш истаги кўп ўтмай амалга ошди. Грегор ота-онасига ортиқча ташвиш туғдирмаслик учун эндиликда кундузи дераза олдида келмасди: аммо узок вақт катакдек хонада эмаклаб юришнинг уддасидан чиқолмади, кимирламай ётиш эса кечаси ҳам оғирлик қилаётганди; тез орада емак ҳам унга бирор лаззат келтирмай қўйди ва у кўнглини ёзиш учун девор ва шифтда чирмашиб юриш одатини чиқарди. У айниқса, шифтда осилиб туришни ёқтирарди; бу полда ётганига қараганда тамомила бошқача эди: у эркин нафас олар, танаси енгил тебраниб турарди; у ана шундай, деярли роҳатбахш ва фаромуш ҳолатда баъзан ўзи ажабланган ҳолда тепаликдан қулаб, полга шалпайиб тушарди. Лекин эндиликда у ўз танасини аввалгига қараганда яхши бошқара олар ва қандай баландликдан йиқилмасин, ўзига бирон заҳмат етказмасди. Синглиси Грегор ўзига янги кўнгилхушлик топганлигини дарҳол пайкади — чунки у чирмашиб юрганида ҳамма жойда ёпишқоқ модда изларини қолдирарди — ва унга бу машғулоти учун

иложи борича кенгрок жой колдириш мақсадида хонада у чир-машиб юришига халакит берадиган мебелни, яъни, энг аввало, сандик ва ёзув столини чиқариб ташлашга қарор қилди. Аммо у буни бир ўзи эплай олмасди; отасини ёрдамга чақиришга унинг юраги дов бермасди; оқсоч қиз, шубҳасиз, ёрдам кўрсата олмасди; бўшаб кетган олдинги оқсоч аёл ўрнига ёлланган бу ўн олти ёшли қиз ишдан воз кечмаган бўлса ҳам ошхонани қулфлок холда ушлаш, эшикни алоҳида чақирикка биноан очишга изн олди; шунинг учун синглисига бир кун отаси уйда йўқлигида бу ерга онасини етаклаб келишдан бошқа илож қолмади. Онаси Грегор билан учрашиш учун хаяжонли ва қувончга тўла сўзлар билан таллиларди, лекин унинг хонасига кириладиган эшик олдида тинчиб қолди. Синглиси, албатта, аввал хонада ҳамма нарса жойида эканлигини текшириб чиқди, шундан кейингина бу ерга онасини киритди. Грегор ўта шошқалоқлик билан чойшабни гижимлаб, у билан ўзини янада кўпроқ яширди; чойшаб диванга ҳақиқатан ҳам тасодифан ташлаб қўйилганга ўхшарди. Грегор, одатдагидек, чойшаб четидан бош сукиб қарамади; у бу сафар, онасини кўриш имкониятидан воз кечди, лекин у ниҳоят келганлигидан хурсанд эди.

— Киравер, у кўринмайди, — деди синглиси ва, афтидан, онасининг қўлидан ушлаб етаклади.

Грегор ожиза аёллар оғир, алмисокдан қолган сандикни жойидан жилдиришга ҳаракат қилишларини ва синглисининг онаси у майиб бўлиб қолиши мумкинлиги ҳақидаги огоҳлантиришларига қарамасдан доимо оғирроқ томонни ўзи кўтаришга уринаётганини эшитиб турарди. Бу анча вақт давом этди. Улар ярим соатларча овора бўлганларидан сўнг онаси сандикни турган жойида қолдиришлари тўғри бўлишини: биринчидан, у жуда зил-замбил ва отаси келгунича бу ишнинг улдасидан чиқа олмасликларини; иккинчидан, мебелни олиб чиқиб кетаётганлари Грегорга маъқул тушиши номаълумлигини айтди. Онаси, Грегорга бу кўпроқ ёқмайдиганга ўхшаётганлигини сезди; ўзини, масалан, деворларнинг яланғочлиги кўнглини хира қиларди; нима учун бу мебелга кўникиб қолган Грегорни қилаётган ишлари кўнглини сиёҳ қилмаслиги керак экан ва шу сабабли у бўм-бўш хонада барча ундан юз ўғиргандек ҳис қила бошлаши мумкин.

— Ахир биз, — хулоса қилди онаси жуда паст овозда, холбуки у шундай ҳам шивирлаб гапирётганди ва у худди каерда турганлигини билмаган Грегор товушининг сасини ҳам эшитишини хохламаётганга ўхшарди; Грегор одам гапини тушунмаслигига эса унинг ишончи комил эди, — ахир биз мебелни олиб чиқиб кетар эканмиз, унинг бирон тарада яхши бўлишига умид қилмай кўйганлигимизни кўрсатмаймизми? Менимча, Грегор ўз холига қайтганида хонада ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганлигини кўриши ва ўша кунларни тезроқ эсидан чиқариши учун уни аввал қандай бўлса, шундайлигича қолдиришга ҳаракат қилганимиз яхшироқ.

Грегор онасининг гапларини эшитиб, она ичидаги бир хил тарздаги турмуш ва одамлар билан бевосита муомалала бўлмаслик, афтидан, шу икки ой мобайнида унинг эсини оғдирганга ўхшайди деган хаёлга борди, чунки акс ҳолда бирдан унда бўм-бўш хонада пайдо бўлиб қолиш эҳтиёжи туғилганини ўз ўзига тушунтириб беролмасди. Нахотки, у чиндан ҳам ўзининг иссиққина, мерос бўлиб қолган мебелни қулай хонасини, тўғри, ҳар тарафга ҳалакитсиз чирмашиб бора оладиган, бироқ тезда ва батамом ўзининг инсоний ўтмишини унутадиган горга айлантиришни хохлаётган бўлса? Зеро, у ҳозир ҳам шу ҳолатга яқин эди, фақат кўпдан бери онасининг овозини эшитмагани кўнглини алланечук қилиб юборди. Ҳеч нарсани олиб чиқиб кетмаслик керак; ҳамма нарса ўз жойида қолиши даркор; мебелнинг унинг ҳолатига ёқимли таъсири зарур; агар мебел унга бирор маъносиз чирмашиб юришига ҳалакит бераётган бўлса, бу унга зиён эмас, балки катта фойда келтирарди.

Афсуски, синглиси бошқача фикрда эди: Грегорга тааллуқли ишларни муҳокама қилишда бу масаллада билимдон сифатида ота-онасига қарши чиқишга асосли равишда одатланиб қолиб, ҳозир ҳам онасининг маслаҳати фақат сандиқнигина эмас, балки дивандан бошқа — бусиз ҳеч иложи йўқ эди — умуман ҳамма мебелни олиб чиқиб ташлашда катъий бўлишга етарлича сабаб бор деб ҳисоблади. Бундай катъият фақат синглисининг болаларча инжиқлиги ва унда кейинги пайтда қутилмаганда жуда осонлик билан қўлга киритилмаган мағрурлик натижасида пайдо бўлмаганди, албатта; синглиси ҳақиқатан ҳам Грегорга ҳаракатланиши учун кенгрок жой кераклигини кўриб турарди, мебелдан эса, афтидан, у умуман фойдаланмасди. Балки,

бу масалада Гретага шу ёшдаги кизлар учун хос бўлган, ўзига эрк беришнинг ҳар бир имкониятидан ҳамиша қувониш ва Грегорга ҳозиргача бўлгандан ҳам кўпроқ хизмат қилиш учун унинг ҳолатини янада кўрқинчлироқ қилишга мажбур қилаётган яққол тасаввур ҳам ўз таъсирини ўтказган бўлиши мумкин. Чунки биргина Грегор ва деворлари бўм-бўш бўлган хонага Гретадан бошқа бирорта кимса қадам босишга журъат этишини тасаввур қилиб бўлмаса керак.

Шунинг учун киз онанинг маслаҳатига қулоқ солмади. Бу хонада ўзини ноқулай ва хавфсираб тутаётган онасининг овози тезда ўчди; у сандикни эшикдан итариб чиқармоқчи бўлаётган кизига баҳоли қудрат кўмаклашишга тушди. Грегор кийналса ҳам кунини сандиксиз бир амаллаб ўтказарди, лекин ёзув столи қолиши керак эди. Икки аёл инкиллаганча итариб кетишаётган сандик билан хонани тарк этишган заҳотиёқ Грегор вазиятга эҳтиёткорлик ва имкон қадар беҳархаша аралашиб йўлини топиш учун диван остидан бошини чиқарди. Бахтга қарши хонага биринчи бўлиб онаси қайтди, Грета эса кўшни хонада қолиб, бир ўзи жойидан қўзғата олмаётган сандикни икки қўли билан кучоқлаган ҳолда чайкатарди. Онаси Грегорнинг кўринишига кўникмаган, туркини кўрса ҳатто касал бўлиб қолиши ҳам мумкин эди, шунинг учун Грегор кўрка-писа диваннинг бошқа четига тисарилди, натижада олдинда осилиб турган чойшаб барибир чайкалиб кетди. Бу онасининг эътиборини тортиш учун етарли эди. У тўхтади, жойида бироз турди ва Грета олдига қайтди.

Грегор ҳамма вақт ўзига бирон муҳим нарса бўлаётгани йўқ, шунчалик мебелларнинг жойини ўзгартиришяпти, деб уқтириб турганига карамасдан аёлларнинг ивирсилашлари, уларнинг оҳиста оҳ-воҳлари, полни тирнаётган мебель шовқини — буларнинг ҳаммаси, тез орада ўзи иқрор бўлганидек, унга ҳаммаёқ остин-устун қилинаётгандек туюлди; ва у бошини узатиб, оёқчаларини танаси томон тортиб, гавдаси билан полга ёпишиб, бунга узок чидай олмаслигини хис қилди. Улар унинг хонасини шипшийдон қилаётган эдилар, энг кадрли нарсаларнинг ҳаммасини тортиб олаётган эдилар; улар гулпанжара арраси ва бошқа асбоблари сақланаётган сандикни олиб чиқиб кетиб бўлдилар; савдо, реал ва ҳатто халқ билим юртларида ўқиган пайтларида дарс тайёрлаган, ҳозир паркет полни ўйдим

килишга улгурган ёзув столини суришарди — ва hozир, айтганча, улар шу ерда эканликларини деярли эсидан чиқараёзганди — чунки улар ҳолдан тойганларидан индамай ишлашарди, фақат оёқлари билан оғир тепинишлари кулоққа чалинардди, холос — шунинг учун онаси ва синглисининг холис ниятларини тушуниб етишга вақти йўқ эди.

Шунинг учун у дивандан отилиб чиқди — аёллар бу пайтда ён хонада ёзув столига суяниб нафасларини ростлашаётганди, — тўрт маротаба югуриш йўналишини ўзгартирди ва чиндан ҳам нимани биринчи навбатда қутқариш кераклигини билмасдан нигоҳи бўм-бўш деворда кўзга яққол ташланиб турган мўйнали хоним суратига тушди, тезда у ерга чирмашиб чиқиб, рамка ойнасига ёпишди; рамка уни ушлаб туриши билан бирга ойнаси қорнини ёқимли совутарди. Ҳеч бўлмаганда, hozир Грегор тўла тўсиб турган бу суратни ҳеч ким тортиб ололмаса керак. У аёллар хонага қайтиб киришганда, уларни кўриш учун бошини эшик томон қаратди.

Улар кўп ҳам дам олишмади ва хонага қайтишаётганди; Грета онасини бир қўли билан кучоклаб, деярли кўтариб олганди.

— Энди нимани олиб чиқамиз? — деди Грета ва атрофга аланглади. Шу он унинг нигоҳи деворга чирмашиб турган Грегорнинг кўзи билан тўқнашди. Афтидан, онаси ёнидалиги учун ўзини йўқотиб қўймаган Грета онасининг ўгирилишига имкон бермаслиги учун у томон энгашди ва титраб кетган ҳолда оғзига келган биринчи сўзни айтди:

— Бир дақиқага меҳмонхонага қайтмаймизми?

Гретанинг нияти Грегорга равшан эди — у онасини хавфсиз жойга олиб чиқиб, кейин уни девордан уриб туширмоқчи. Майли, кани уриниб кўрсин-чи! У сурат устида ўтирибди ва суратни бермайди, ноилож қолса, Гретанинг юзига чанг солишга тайёр.

Бирок бевосита Гретанинг сўзлари онасини довдиратиб қўйди, у четга чекинди, рангли гулқоғозларда катта-катта қорамтир доғларни кўрди, осилиб турган Грегор эканлигини фахмлагунга қадар кулоқни тешадиган даражада: «Э, худойим, э, худойим!» — деб чинқирди, ҳолдан тойган қўлларини керган ҳолда диванга кулади ва қотиб қолди.

— Эҳ, Грегор! — кичкирди синглиси муштини кўтарган ва кўзларини чакнатган ҳолда.

Бу Грегор махлукқа айланиб қолганидан сўнг бевосита ўзига қаратилган биринчи сўзлар эди. Синглиси онасини хушига келтириши мумкин бўлган бирон дорини топиб келиш учун ён хонага югуриб кетди: Грегор ҳам онасига ёрдам беришни хоҳларди — суратни қутқариш учун хали вақт етарли эди; лекин Грегор рамка ойнасига жуда каттик ёпишиб қолганди ва ундан чираниб зўрга ажралди; кейин синглисига худди аввалги вақтлардагидек бирон маслаҳат бериши мумкиндек кўшни хонага шошилди, бу ерда синглисининг орқасида туришга мажбур бўлди; дори солинган турли шиша идишларни кўздан кечираётган синглиси орқасига ўгирилди ва қўрқиб кетди; қайсидир шиша идишча полга тушиб синди; унинг парчаси Грегор юзини тилиб юборди, бутун танасига эса ўткир хидли дори сочилди; Грета бу ерда ортикча ушланиб қолмасдан қўлига сиққан дорилари олиб, онаси олдига талпинди; кетаётиб эшикни оёғи билан ёпди. Эндиликда у, эхтимол, ўзининг айби билан ажал чангалида турган онаси олдига боришдан маҳрум бўлганди; агар синглисини қувиб юбормайин деса, — синглиси эса онасининг олдида бўлиши зарур — у эшикни очмаслиги керак; бундан буёғига унга кутишдан бошқа илож қолмаганди; ва у, айбига иқрор бўлиб, ўзини ўзи жазоларди, сўнг ташвишли холда судралишга тушди, ҳаммаёк: деворлар, мебелларнинг усти, шифт-ни айланиб чиқди, ниҳоят хона бўйлаб айлана бошлагач, но-чор катта стол ўртасига қулаб тушди.

Бир неча сония ўтди. Грегор стол устида ҳолсиз ётарди, атроф жим-жит, эхтимол, бу яхшилик аломати эди. Бирдан кўнги-рок жаранглади. Хизматкор киз ошхонада бекиниб олганди, албатта, шунинг учун эшикни Гретага очишга тўғри келди.

— Нима бўлди? — бу унинг биринчи сўзлари эди, афтидан. Гретанинг кўриниши унга ҳамма нарсани ошкор қилганди. Грета юзини отасининг кўксига қўйган кўринади; у бўғик овоз билан жавоб берди:

— Ойим хушидан кетди, лекин у ҳозир ўзига келиб қолди. Грегор чиқиб кетди.

— Мен буни қутгандим, — деди отаси, — мен сизларга доим буни уқтириб келардим, аммо сиз, аёллар, ҳеч кимнинг гапига қирмайсизлар.

Отаси Гретанинг жуда тўмтоқ тушунтиришини ўзича талқин қилиб, Грегор куч ишлатган деган ўйга борганлиги унга равшан

эди. Шунинг учун Грегор отасини бироз ховуридан тушириши керак эди, чунки унга бирор нарсани тушунтириш учун вақти ҳам, имконияти ҳам бўлмаганди. Грегор ўз хонасининг эшиги олдига югуриб бориб, отаси кириш йўлакчасидан хонасига кирганида дархол уни кўриши, у шу захотиёк хонасига қайтиб кириб, ғойиб бўлишга тайёрлигини англаб етиши, уни оркага қувиш эмас, фақат эшик очилса кифоя қилиши деган қарорга қелиши мумкинлигини ўйлаб, эшикка ёпишиб олди.

Бирок отаси бундай икир-чикирларга эътибор берадиган кайфиятда эмас эди.

— Ҳа! — отаси кириши биланок қаҳрга минганлиги ёки хурсандлигини англаб бўлмайдиган тарзда хайкирди. Грегор эшикка қаратилган юзини отасига бурди. У отасини ҳозир кўриб турган ҳолатда ҳеч ҳам тасаввур қилолмаган бўларди; тўғри, сўнгги пайтда Грегор хонасида судралиб юриб, квартирада содир бўлаётган нарсаларни аввалгидек кузатиб бормайдиган бўлганди ва ҳозир, аслини олганда, бирон ўзгаришга ажабланмаслиги керак эди. Шундай бўлса ҳам, шундай тақдирда ҳам — нахотки, шу унинг отаси бўлса? Нахотки, бу ўша — авваллари Грегор хизмат сафарига отланганида ҳолсиз кўрпага бурканиб оладиган; оқшомда қайтиб келган пайтларида уни уйда ҳолатда, креслодан туришга мадори бўлмасдан, хурсандлигининг белгиси сифатида фақат қўлини кўтариб қўядиган; камдан-кам, бирон яқшанба ёки катта байрамларда ҳамма тугмалари қадалган эски пальтосида олдида эҳтиёткорлик ила аравачасини етаклаган ҳолда Грегор билан онасининг ўртасида одим отадиган — улар секин одим отсалар-да, аравача бундан ҳам охистарок филдирарди — ва бирор гап айтмоқчи бўлса, ўзига ҳамроҳлик қилаётганларни атрофига тўплаш учун деярли ҳамиша тўхтайдиган ўша отаси бўлса? Ҳозир унинг комати деярли тик, устида банк чопарлари киядиган, тилла сув югуртирилган тугмачали, яшил тусдаги хизмат мундири эди; баланд тик ёқаси устидан гўштдор қўш бақбақаси осилиб турарди; қора кўзлари сершоҳ қошлари устидан катъий ва жонли боқарди; одатда тўзғинган оқ сочлари сип-силлик таралган ва мой суртилганди. У, афтидан, бирор банкнинг тилла сув югуртилиб ишланган белгиси бор фуражқасини хона бўйлаб ёйсимон кўринишда диванга улоқтирди ва қўлларини шимининг чўнтагига яшириб — бунинг натижасида унинг узун мундирининг этаги оркага қайрилиб қолди — юзи ғазабдан

гезарган ҳолатда Грегор томон бора бошлади. Афтидан, унинг ўзи ҳам нима қилишни билмасди; лекин у оёқларини жуда баланд кўтарарди ва Грегор унинг пошнасининг катталигидан хайратга тушди. Бирок Грегор оғзини очиб турмади, чунки у ўзининг бу янги ҳаётининг биринчи куниданок отаси ўғлига ўта каттикқўл бўлиш энг тўғри йўл деган фикрдалигини яхши биларди. Шунинг учун у отасидан қоча бошлади: отаси тўхта-са, у ҳам тўхтар, отаси кўзгалса, яна қочишга тушарди. Улар шу тарика бирон жиддийроқ қор-қол рўй бермасдан хонани бир неча бор айланиб чиқдилар; уларнинг ҳаракатлари секин-лиги учун бу хатто таъқибга ҳам ўхшамасди. Грегор деворга ёки шифтга тирмашиб чикса, отаси бунга учига чиққан сурбет-лик деб ҳисоблашидан ҳадиксираганидан ҳозирча полда судра-ларди. Лекин Грегор бундай югуришга ҳам узок чидай олмас-лигини ҳис этарди; чунки отаси бир қадам қўйганича у беҳи-соб даражада ҳаракат қилишга тўғри келаётганди. Унинг нафас олишга қийналаётганлиги тобора кучлироқ сезилаётганди, хол-буки олдинлари ҳам ўпкаси панд берарди. Ниҳоят у оёқчала-рини аранг судраб ва кўзларини зўрға очиб, қочиш учун — *ночорликдан унинг ҳаёлига қутқарилишнинг бошқа йўллари келмасди; деворлардан, бу ерга қўйилган, тўғри, жимжимадор, ўйма, сон-саноксиз ўткир учли ва тишли мебеллардан фойда-ланиш мумкинлиги деярли ёдидан кўтарилганди — сўнги куч-ларини тўплаётган пайтда тўсатдан унинг ёнгинасига қандайдир нарса келиб тушди ва олдинга думалаб кетди. Бу олма эди; биринчисининг кетидан иккинчиси отилди; Грегор даҳшатга тушган ҳолда тўхтади; энди югуришнинг фойдаси йўқ эди, чун-ки отаси уни олмалар билан тошбўрон қилишга қарор қилган-ди. Отаси жавонда турган вазадаги олмаларни чўнтагига тўлди-риб олган, мўлжални аниқ олмаётган бўлса ҳам олмаларни бетўхтов улоқтираётганди. Бу кичик қизил олмалар полда ду-малаб, бир-бирига бориб уриларди. Секин отилган олмалардан бири Грегорнинг орқа томонига келиб тегди, аммо унга захмат етказмасдан думалаб кетди. Бирок шу захотиёқ унинг кетидан отилган бошқа олма Грегорнинг танасида маҳкам қисилиб қолди. Грегор турган жойини ўзгартирса, қутилмаганда бошланган, чидаб бўлмайдиган даражадаги оғрик юмшайдигандек нарироққа судралмоқчи бўлди; лекин бунинг ўрнига ўзини худди полга михлаб ташлангандек ҳис қилди ва ҳушидан кетар экан, чўзи-*

либ колди. У фақат хонасининг эшиги тарвақайлаб очилиб, меҳмонхонага нимадир деб бакираётган синглисидан ўзиб, ички кийимдаги онаси — синглиси онаси ҳушидан кетганида нафас олишига осонроқ бўлсин деб уни ечинтириб қўйганди — отилиб кирганини; онаси отасининг олдига югуриб борганини ва ундаги боғичлари бўшаб кетган юбкалари бирин-кетин сидирилиб тушганлигини ва онаси уларга ўралашган ҳолда отасини кучоқлаб, бағрига ташланганлигини ва у билан бирлашиб кетиб — бу пайтда Грегорнинг кўзи кўрмай колди — отасининг иякларини кафлари билан ушлаб, ундан Грегорни омон қолдиришини илтижо қилаётганини эслаб қола олди, холос.

III

Грегорга бир ойдан кўпроқ вақт азоб берган оғир жароҳат (олмани олиб ташлашга ҳеч ким журъат эта олмади ва у тана-сида бир эсдалиқдек колди), бу оғир жароҳат, ҳозирги қайғули ва жирканч кўринишига қарамасдан, хатто отаси ҳам Грегор ҳар ҳолда ўз оиласининг аъзоси эканлигини, у билан душмандек муомала қилиш мумкин эмаслигини, балки оилавий бурч бўйича ундан нафратланмасдан, чидаш, фақат чидаш зарурлигини ёдига солди.

Ўзининг жароҳати сабаб Грегор, афтидан, аввалги ҳаракатчанлигини бир умрга йўқотган ва эндиликда хонани кесиб ўтиш учун унга кекса ногирондек бир қадар узок — ўта узок дақиқа талаб этилаётганди; тепага чирмашиш ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмасди — аҳволининг ёмонлашиши ҳисобига, унинг фикрича, окшом пайтида меҳмонхона эшиги хамиша очиқ турилиши билан сийланган эди. Грегор бу эшик очилишидан икки соат илгари уни кузатишга киришар, очилгандан кейин меҳмонхонадан кўринмайдиган қоронғу хонасида ётиб, таъбир жоиз бўлса, уларнинг умумий ижозати билан, яъни авваллардагидан мутлақо ўзгача тарада ёритилган стол атрофида ўтирган кадрдонларини кўриши ва улар гапларини тинглаши мумкин эди.

Тўғри, бу Грегор толиқиб, меҳмонхоналар катакларидagi нам тортган тўшакка кулаб, доимо соғинч билан хотирлайдиган олдинги вақтлардаги каби завқли суҳбатлар эмасди. Кўп ҳолларда меҳмонхонада сукунат ҳукм суради. Отаси кечки овқатдан кўп ўтмай ўз креслосида ухлаб қоларди; онаси ва

синглиси тинчликни саклашга ҳаракат қилардилар; онаси ёруғлик тушаётган томон жуда букилиб, тайёр либослар магазини учун нафис ич кийимлари тикарди; магазинга сотувчи бўлиб ишга кирган синглиси, эҳтимол, қачонлардир тузукрок иш топиш умидида кечкурунлари стенография ва француз тили билан шуғулланарди. Баъзан отаси уйғонарди ва худди пинакка кетганлигини сезмагандек онасига: «Бугун сен яна жуда узок тикияпсан-да!» — дерди, шундан сўнг яна уйқуга кетар, онаси ва синглиси бир-бирига қараб, хорғин қулишарди.

Отаси қайсарлик қилиб, уйда ҳам чопарлик хизмат кийимини ечишни ҳеч хоҳламасди; унинг ҳалати илғакда беҳуда осифлик турарди, отаси гўё хизматга шай тургандек ва фақат ўз бошлиғининг буйруғини қутаётгандек бош-оёқ кийиниб олган ҳолда ўз ўрнида мудрарди. Шунинг учун аввал бошдан ҳам янги бўлмаган хизмат кийими онаси ва синглисининг харчанд уринишларига қарамасдан ўзининг кўркамлигини йўқотганди. Шундай пайтлар бўлардики, Грегор бутун окшом давомида фақат чол устидаги ҳаммаёғи доғ, лекин хамиша тозалала қўйилган ялтироқ тугмали кийимида жуда ноқулай ҳолатдалигига қарамасдан бамайлихотир ухлашига қараб ўтирарди.

Соат ўнга бонг урганда онаси отасини секингина уйғотиш ва уни тўшакка ётишга кўндиришга урина бошларди, чунки хизматини соат олтида бошлайдиган отаси учун креслода бу ҳолатида тонггача донг қотиб ухлашнинг сира иложи йўқ эди. Аммо отаси чопарлик хизматини бошлагандан кейин пайдо бўлган қайсарлиги сабаб, у стол ёнидан силжимасди, одати бўйича шу жойида яна уйқуга кетар, бундан кейин эса уни креслодан тўшакка ўтишга кўндириш ўта қийин кечарди. Онаси билан синглиси унга қанчалик ялиниб ёлворишмасин, у камида чорак соат кўзини очмай ва ўрнидан турмай, бошини секин чайқаб тураверарди. Онаси унинг енгидан тортар, қулоғига ёқимли сўзларни шивирлар, синглиси онасига кўмаклашиш учун машғулотларини тўхтатарди, бироқ буларнинг ҳаммаси отасига таъсир қилмасди. У фақат креслога янада чуқурроқ чўкарди. Ниҳоят аёллар унинг кўлтигидан ушлаб, кўтарганларидан кейингина, кўзини очар, навбат билан бир онасига, бир синглисига қарар ва: «Мана сизга ҳаёт. Мана, қариган чоғингдаги хотиржамлик», дерди. У худди ўз вазинини эплашнинг уддасидан чиқа олмаётгандек, икки аёлга осилиб, секин ўрнидан қўзғалар, уларга ўзини эшик олдиғача

олиб боришларига рухсат берар, бу ерга етгач, аёллар нари туришларини кўрсатар ва нарийёга ўзи мустакил юра бошларди, лекин отасига тўшакка ётиб олишга ҳам қўмаклашиш учун онаси яна тикишини, синглиси — ёзувини шошилганча ташлашларига тўғри келарди.

Грегор хақида ҳозиргидан тузукрок ғамхўрлик қилиш учун оилада юмушлардан ҳориб-толиб, мадори қолмаётган ким вақт топа оларди? Рўзгор учун харажатлар тобора қисқартирилиб борилаётганди; оқсоч қизни охир-оқибат жавобини бериб юборишди; энг оғир ишларни бажариш учун эрталаб ва кечқурун савлатли, оқиш сочлари тўзғиган аёл келарди; онаси ўзининг тикув ишларидан ташқари уйдаги бошқа ҳамма юмушларни ҳам ўз гарданига олганди. Авваллари онаси ва синглиси шодиёна кунларда жуда хурсандчилик билан тақиб олишадиган оилавий зеб-зийнатларни ҳам сотишга тўғри келаётганди — Грегор бу ҳақда ҳамма кечқурун сотувдан тушган пулларни муҳокама қилишаётганда хабар топарди. Улар ҳозирги шароитларда ўзлари учун катталиқ қилаётган квартирани тарқ этишнинг иложи йўқлигидан ҳамиша норози бўлишарди, бунга Грегорни бу ердан кўчириш ҳалақит бераётганди. Лекин Грегор уларнинг бошқа ёққа кўчиб ўтишларига ўзи тўсқин бўлмаётганлигини тушунарди; уни ҳаво кириш учун тешикчалари бўлган бирор қутида осонгина олиб чиқиб кетиш мумкин эди; оилани квартира-ларини ўзгартиришдан асосан тўла умидсизлик ва бирор танишлари ёки қариндошларида юз бермаган бахтсизликка улар рўпара бўлганликлари хақидаги ўйлар тўхтатиб турганди. Оиласи дунё камбағал кишилардан талаб қиладиган ҳамма нарсани бажараётганди: отаси банкнинг кичик хизматчиларига нонушта элтиб бераётганди, онаси бегона одамларга ич кийим тикиш билан ҳолдан тояётганди, синглиси харидорлар талабларини бажариш учун пештахталар орасида физиллаб юрарди; бундан ортигига уларда куч-қувват қолмаётганди. Онаси ва синглиси отасини тўшагига ётқизиб, меҳмонхонага қайтишгач, яна ишларини давом эттирмасдан ёнма-ён, юзларини юзларига теккизиб ўтиришганида, онаси Грегорнинг хонасига кўрсатиб, эндиликда: «Грета, анаву эшикни ёп» деганида ҳар сафар Грегор орқасидаги яра тагин оғрий бошларди — ва Грегор яна қоронғуликда қолар, девор ортидаги аёллар эса юм-юм йиғлашар ёки кўз ёшисиз нигоҳларини бир нуктага қадаганча ўтиришарди.

Грегор тун ва кунни деярли мутлако уйқусиз ўтказаётганди. Баъзан у, мана, ҳозир эшик очилади ва ўзи, олдинлари бўлганидек, оиланинг барча ишларини тагин қўлига олади, деган хаёлларга бериларди; узоқ танаффусдан кейин яна унинг кўз олдига хўжайин ва бошқарувчи, коммивояжер ва шогирд болалар, телба фаррош, бошқа фирмаларда ишлайдиган икки-уч дўсти, сафарда бўлганида тунайдиган меҳмонхоналардан биридаги хизматчи киз — ўткинчи хуш хотира, ўзи жиддий, бироқ жуда узоқ вақт илтифот кўрсатиб келган, шляпа сотиладиган магазиндаги кассада ишлайдиган киз келадиган бўлди; уларнинг ҳаммаси нотаниш ёки ўзи унутиб юборган одамлар билан аралаш-қуралаш пайдо бўларди, аммо бу одамлар унга ёки оиласига ёрдам кўрсатиш ўрнига безрайиб туришарди ва у ана шу шарпалар ғойиб бўлишганида қувонарди. Кейин эса унда оиласи ташвишини қилиш нияти йўқоларди, уларнинг ўзини қандай парвариш қилишаётганидан ғазаби қўзғарди, нимани егиси келаётганини тасаввур қилмаса ҳам маҳсулотлар сақланадиган жойга кириб олиб, ўзига аслида нима берилиши керак бўлса — у оч бўлмаса ҳам — ҳаммасини ўмариш режасини тузарди. Синглиси эндиликда Грегорга меҳрибонлик кўрсатиш тўғрисида ўйлаб ўтирмасдан, эрталаб ва кундузи ўз магазинига югуришидан аввал унинг хонасига бирон емакни оёғи билан тепиб киритар, кечкурун — Грегор уни еганлиги ёки, кўпинча бўладигандек, емакка ҳатто тегинмаганлигидан қатъи назар, сулури билан йиғиштириб оларди. Энди синглиси томонидан ҳар куни кечкурун шуғулланадиган хонасини тозалаш ниҳоятда тез кечарди. Деворлар ифлосланиб кетган, ҳаммаёк чанг ва чиқинди уюмлари уйилиб ётарди. Грегор синглиси пайдо бўлган дастлабки пайтларда, унга эътирозини сездирмоқчи бўлганидек, энг ифлос бурчакда ғужанак бўлиб оларди. Аммо ҳозир у шундай жойда ҳафталаб турса ҳам бу синглисига қор қилмаган бўларди; у чиқиндиларни акасидан кам пайқамаётганди, синглиси уларга парво қилмасликка қарор қилганди. Айни пайтда синглиси, авваллари унга мутлако хос бўлмаган, ҳозир эса умуман бутун оилада одат тусига кирган аразчилик билан Грегор хонасини тозалаш фақат унинг, Гретанинг вазифаси бўлиши кераклигини назорат қилиб борарди. Бир гал онаси Грегорнинг хонасини астойдил тозалашга киришди, бунга бир неча челақ сув ҳам сарфлади — сувнинг бунчалик қўпчилиги,

айтганча, Грегорга ёқмади, у аччиёланиб, диванда кимирламасдан чўзилиб ётиб олди — бироқ ўзининг бу қилмиши учун онаси жазоланди. Синглиси кечқурун Грегор хонасидаги ўзга-ришларни пайкаган заҳоти ўзини шу қадар ҳақоратланган ҳис қилдики, меҳмонхонага югуриб кирди, қўлларини қайираётган онасининг фиғонларига қарамасдан хўнграб йиғлашга тушди, бунга ота-онаси аввал беҳол ва ажабланиб туришди — отаси, албатта, қўрқиб креслосидан сакраб турди; кейин улар ҳам типирчилаб қолишди: отаси, аввал онасини хонани тозалашни қизига қолдирмаганини юзига сола бошлади; синглиси эса энди унга ҳеч қачон Грегор хонасини тозалашга руҳсат беришмайди деб бақиришга тушди; бу вақтда ҳаяжонланганидан ўзини мутлақо бошқара олмай қолган онаси отасини ётоқхонага судраб олиб киришга уринарди; синглиси ўқиришдан жазавага тушган ҳолда мўъжазгина муштларини столга урарди; Грегор эса ғазабдан қаттиқ вишиларди, чунки эшикни ёпиб қўйиш ва уни бу тўполон ва шовқиндан халос қилиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаётганди.

Бироқ хизматида қийналиб кетган синглисига Грегор тўғрисида аввалгидек ғамхўрлик қилиш жонига текканидан кейин ҳам онасига уни бу юмушдан халос этишга тўғри келмади; шунга қарамасдан Грегор ҳам парваришсиз қолмади. Энди оксоч аёлнинг навбати келган эди. Узок умри давомида, афтидан, ўзининг яғринли елкаларига турмушнинг оғир қисматларини ортмоқлашга тўғри келган бу катта ёшдаги бева амалда Грегордан жирканмасди. Бироқ синчковликсиз у кунлардан бирида тасодифан Грегор хонасининг эшигини очди ва махлукка кўзи тушиб — Грегор эса ҳеч ким уни қувлаётган бўлмаса ҳам буни кутмаганидан полда югура бошлади — қўлларини корнига қўйганча ажабланиб тўхтади. Ўшандан буён у муттасил равишда эрталаб ва кечқурун йўл-йўлакай эшикни қия очиб, Грегор хонасига бош суқарди. Даставвал у ҳатто Грегорни ўзи учун эркалатишдек туюлган, масалан: «Буёққа келчи, гўнхўр кўнғизча!» ёки «Кўнғизимиз қаердайкин?» каби сўзлар билан чорларди. Грегор бунга жавоб бермас, гўё эшик умуман очилмагандек, ўрнидан қўзғалмасди. Оксоч аёл кўнгли тусаяган вақтда уни бефойда безовта қилаверишидан кўра, оиласи унга ҳар кун хонасини тозалашни буюрганларида яхшироқ бўларди! Бир сафар эрта тонгда эшик қоқаятган баҳор даракчиси —

кучли ёмғир томчилари дераза ойнасига урилаётганида оқсоч аёл одатдаги гурунгини бошлаганида Грегор шу қадар аччиқланиб кетдики, худди хужум қилишга тайёрланаётгандек, лекин охиста ва анчайин тинчроқ оқсоч аёлга ўгирилди. Бирок у кўркиб кетиш ўрнига эшик олдида турган стулни тепага кўтарди ва оғзини катта очди, бу ҳолатидан у қўлидаги стул Грегорнинг елкасига тушмагунча оғзини ёпмаслиги аён бўлиб турарди.

— Демак, бундан кейин чиранмаймиз? — сўроқона деди у Грегор орқасига ўгирилгач ва стулни секингина бурчакка, аввалги жойига қўйди.

Грегор эндиликда деярли ҳеч нарса емасди. У ўзига тайёрлаб қўйилган емак олдидан ўтаётганда фақат эрмак учун бирор луқмани оғзига солар, уни бир неча соат ўша ерда саклаб, кейин туфлаб ташларди. Бошида у иштаҳасини хонасининг ифлослиги бўғмоқда деб ўйларди, аммо худди шу — ўз хонасидаги ўзгаришларга тез орада кўникиб қолганди. Хонасига бошқа ерларда жой топилмаган нарсаларни олиб кириб қўйиш одатга кирганди, бундай буюмлар қўпайиб кетганди, чунки бир хонани уч кишига ижарага беришганди. Бу кўриниши жиддий кишилар — Грегор тирқишдан илғашга улгурганидек, уларнинг учаласи ҳам соқол қўйганди — собитқадамлик билан тартиб ўрнатилишига, фақат ўз хоналарида эмас, балки улар бу уйдан бошлана топган эканлар, ҳаммаёқда ва айниқса, ошхонада тартиб ўрнатилишига эришишга ҳаракат қилардилар. Уларнинг чиқинди, айниқса, ифлос чиқиндини кўргани кўзлари йўқ эди. Бундан ташқари, ижарага олган хоналари учун мебелларнинг аксариятини ўзлари билан олиб келган эдилар. Шунинг учун квартирада анчагина ортиқча нарса тўиланиб қолганди, бу буюмларни сотишнинг иложи йўқ, ташлаб юборишга эса кўз қиймасди.

Ортиқча буюмларнинг барчаси Грегорнинг хонасига кўчиб ўтди. Ҳамма нарса — кул солинадиган қути ва ошхонадаги чиқинди қутиси, доимо шошилиб юрадиган оқсоч аёл ўзига вақтинча бўлса ҳам керак бўлмаган нарсаларни Грегорнинг хонасига улоқтирарди; Грегорнинг бахтига у одатда улоқтирлаётган буюм ва бу буюмни чангааллаган кўлни кўрарди. Эҳтимол, вақти келиб оқсоч аёл бу буюмларни жойига қайтариб қўйишни ёки аксинча, ҳаммасини бирдан ташлаб юбормоқчидир; лекин Грегор аввал бошда судралиб юришига жой топол-

май бу эски-тускилар орасидан ўтар экан, баъзан ихтиёрсиз уларга тегиб кетиб, кейин — бундай санғишлардан сўнг ўлгудек чарчаб, соатлаб кимирламай ётишига тўғри келишига қарамасдан — тобора кучайиб бораётган хохиш билан жойидан қўзғатмаган бўлса, улоқтирилган жойида ётаверарди.

Ижарачилар кечки овқатни баъзан уйда, умумий мехмонхонада тамадди қилганликлари учун баъзи оқшомларда мехмонхона эшиги ёпик бўларди, Грегор бунга осонликча кўникканди, чунки кечкурунлари эшик очик бўлган пайтларда ҳам у бундан фойдаланмасди, ўз хонасининг энг қоронғи бурчагида ётарди, оиласи аъзолари эса кўпинча буни пайқашмасди. Лекин бир кун оқсоч аёл мехмонхона эшигини қия очик ҳолда қолдирди: ижарачилар бу ерга кириб, чирокни ёкканларида ҳам у қия очик эди. Улар столнинг аввал отаси, онаси ва Грегор овқатланадиган томонидаги стулларга ўтирдилар, салфеткаларни ёйдилар ва қўлларига пичок билан санчқиларни олдилар. Шу заҳотиёк эшикдан онаси гўшт солинган идиш, дархол унинг орқасидан синглиси картошкага тўла идиш билан пайдо бўлди. Овқатдан қуюк буғ чиқарди. Ижарачилар олдиларига кўйилган овқатга қўл теккизишдан олдин уни текшириб кўрмоқчи бўлганларидек, идишлар томон бош эгдилар, улар ичида ўртадан жой олгани, афтидан, бошқалар томонидан алоҳида ҳурматга сазовори ҳақиқатан ҳам гўшт етарли даражада юмшоқлигини аниқлаш ва уни қайтариб юбориш керакмасмикин, деган маънода бир бўлагини идишнинг ўзида пичок билан кесиб кўрди. Таом унга маъқул тушди, унинг ҳаракатларини хавотирланиб кузатиб турган онаси билан синглиси енгил тортиб жилмайишди.

Уй эгаларининг ўзлари ошхонада тамадди қилишарди. Бирок отаси ошхонага йўл олишдан аввал мехмонхонага кирди, ҳаммага таъзим қилиб, қўлида фуражка билан столни айланиб ўтди. Ижарачилар баб-баравар ўрниларидан турдилар ва гўё ўз соқолларига гапирётгандек энгашиб, бир нарсалар дея мингиллашди. Кейин ўзлари ёлғиз қолиб, тўла сукут сақлаган ҳолда овқатланишга киришдилар. Грегорга тамадди пайтида пайдо бўлаётган турли-туман шовқинлар орасида чайнаётган тишларнинг ёжирлаши кўпроқ қулоғига чалинаётганлиги ажабланарли туюлди; худди бу Грегорга овқатланиш учун тишлар кераклиги, жағлар қанчалик бақувват бўлмасин тишларсиз уларнинг

ҳеч нарсага ярамаслигини билдириб қўйиш учун қилинаётганга ўхшарди. «Мен ҳам бирор нарса еган бўлардим, — дерди Грегор ўзига-ўзи ташвишли холда, — лекин улар тамадди қилаётган нарсани эмас. Бу одамларнинг иштаҳасини қаранг, мен эса очликдан ҳалок бўлмоқдаман!» Худди шу дамда ошхонадан скрипка товуши эшитилди — Грегор шу яқин орада синглиси мусиқа чалганини бирон марта эшитмаганди. Ижарачилар кечки овқатни тугаллашганди, уларнинг ўртадагиси газетасини олиб, икки шеригига бир варақ-бир варақдан узатди ва улар ўриндикка гавдаларини ташлаганларича, мутолаага берилдилар. Скрипка чалина бошлагач, улар мусиқага кулок тутишди, ўрниларидан турдилар ва оёқ учида юриб, кириш йўлакчасидаги эшик олдига келиб тўхташди. Афтидан, уларнинг кадам босишларини ошхонадан эшитишган шекилли, отаси бақириб қолди:

— Балки, жаноблар учун мусиқа ёқмаётгандир? Уни шу дақиқадаёқ тўхтатиш мумкин.

— Аксинча, — деди ўртадаги ижарачи, — ойимкиз олдимизга келиб, шу хонада биз учун мусиқа чалиб бера олмайдиларми, ахир бу ер маъқулроқ ва қулайроқ эмасми?

— Албатта, бош устига! — хайқирди отаси худди скрипкани ўзи чалаётганидек.

Ижарачилар меҳмонхонага қайтиб келиб, кута бошладилар. Кўп ўтмай отаси пюпитр¹, онаси ноталар ва синглиси скрипка билан пайдо бўлишди. Синглиси куй чалишга шошилмай тайёргарлик кўра бошлади; илгари хоналарини ижарага бермаган ва шу сабабли улар билан ўта хушмуомала отаси ва онаси ўзларининг квартираларидаги стулларга ўтиришга юраклари дов бермади; отаси ўнг қўлини хизмат кийимининг икки тугмаси орасига сукиб, деворга суянди; онаси эса ижарачилардан бири унга таклиф қилган стулни у тасодифан қўйган жойида қолдириб, четга, бурчакка чўкди.

Синглиси скрипка чалишни бошлади. Отаси ва онаси, ҳар бири ўз томонидан, қизларининг қўллари ҳаракатларини диққат билан кузатишарди. Мусиқага берилиб кетган Грегор одатдагига қараганда бироз олдинроққа сурилишга журъат қилди ва ҳозир унинг боши меҳмонхона ичида эди. У кейинги пайтларда ўзгаларга у қадар зийрак эмаслигига деярли ажабланмай

¹ *Пюпитр* (французча «*pupitre*» сўзидан) — нота ёзувлари битилган қоғозларни қўйиш учун мўлжалланган таглик.

қўйганди; олдинлари эса ўзининг сезгирлигидан гурурланарди. Холбуки, ҳозир унинг яшириниши учун ҳар қачонгига қараганда ҳам кўп сабаб бор эди, чунки ўзи хонасининг ҳамма томонида уқлиб ётган ва салгина қўзғалса кўтариладиган чангга беланганди, орқаси ва бикинида иплар, сочлар, емак колдикларини судраб юрарди; авваллари бўлганидек, кунига бир неча бор чалқанча ётиб, ҳамма ёғини тозалаш одатига барча нарсага ниҳоятда бефарқ бўлиб қолганлиги сабабли риюя этмай қўйганди. Аммо ўзининг ифлослигига қарамасдан меҳмонхонанинг ялтираб турган полидан олдинга силжишдан ҳадиксирамади.

Аммо аслида, ҳеч ким унга эътибор қилмаётганди. Отаси ва онасининг бутун ўй-хаёли скрипкада эди; даставвал қўлларини чўнтақларига суққан ҳолда синглизининг пюпитри олдига келиб, нотага бош эгиб қараётган ва шубҳасиз, синглизига халақит бераётган ижарачилар эса кўп ўтмай овозларини пасайтирган ҳолда ўзаро гаплашиб ва бошларини қуйи солиб, дераза олдига ўтдилар; отаси энди шу томонга ташвишли қараб қўярди. Ижарачилар скрипкада ёқимли, қизикарли мусиқани тинглаш умидида алданган кўринардилар ва бу томоша уларни ҳақиқатан ҳам зериктириб юборганга ўхшарди, улар фақат одоб юзасидан бунга хордикларини қурбон қилишаётганди. Айниқса, бурун ва оғизларидан сигарета тутунини буркситиб чиқараётганликлари уларнинг ўта асабийлашаётганлигидан гувоҳлик берарди. Синглизиси эса шунчалик яхши чалардики! Синглизининг юзи ён тарафга эгилган, кўзлари нота белгиларини диққат ва ғамгин кузатарди. Грегор яна бироз олдинроққа силжиди ва синглизининг нигоҳи билан учрашиш имконига эга бўлиш учун боши билан полга қапишди. Мусика уни шунчалик завқлантираётган бўлса, у махлукми? Унга олдида ўзи орзулаётган татиб кўрмаган емакка йўл очилаётгандек туюларди. Унда синглизининг олдига яқинлашиш, юбқасидан тортиб, скрипкаси билан ўзининг хонасига киришига имо бериш катъияти кучайиб борарди, чунки бу ерда ҳеч ким синглизининг скрипкадаги ўйинини унингдек баҳолай олмайди. У бундан буён синглизини ўз хонасида ушлаб туришга, ҳеч бўлмаганида ўзи ҳаёт экан, чиқармасликка қарор қилди; майли, унинг дахшатли турки ниҳоят ўзига хизмат кўрсатсин; у ўз хонасининг барча эшиклари олдида бирданига пайдо бўлиб, олдиларига кирмоқчи бўлган-

ларни вижиллаган овози билан қўрқитишни хоҳларди; лекин синглизининг олдида мажбуран эмас, ихтиёрий қолиши керак; синглизининг диванда унинг ёнига ўтирсин ва унга кулоғини тутсин, ўшанда у синглизига, агар бу бахтсизлик рўй бермаганида уни ўтган рождествода — ахир рождество ўтиб кетган бўлса керак? — консерваторияга киритишга қатъий азм қилганлигини ва у бу масалада ҳеч кимнинг бирон эътирозини писанд қилмасдан ҳаммага эълон қилган бўларди. Бу сўзлардан сўнг синглизининг хаяжонланганидан йиғлаб юборарди. Грегор эса унинг елкасига тирмашиб чиқиб оларди ва синглизининг хизматга кирганидан бери на ёкалари, на тасмалар билан яширмаган бўйнидан ўпиб оларди.

— Жаноб Замза! — кичкирди отасига ўртадаги ижарачи ва бошқа гапирмасдан, бармоғи билан секин олдинга силжиётган Грегорни кўрсатди. Скрипканинг овози ўчди, ўртадаги ижарачи олдинига шерикларига имо қилиб тиржайди, кейин яна Грегорга қаради. Отаси, афтидан, Грегорни қувишдан кўра, аввал ижарачиларни тинчлантириш зарур деб ҳисобларди, ҳолбуки улар асло хаяжонланмаётган ва Грегор уларни скрипка чалишга караганда кўпроқ кизиқтириб қолганга ўхшарди. Отаси ижарачилар олдида шошилиб бориб, кенг ёйган қўллари билан уларни хоналарига суриб киргизиш ва бир вақтнинг ўзида гавдаси билан Грегорни кўзларидан бекитишга уринарди. Энди улар ҳақиқатан ҳам: ёки отасининг қилмишидан, ёхуд ҳеч нарсадан гумон қилмасдан Грегордек қўшни билан яшаганларидан вокиф бўлганларидан аччиғлана бошлашганди. Улар отасидан изох талаб қилишар, қўлларини силкитар, соқолларини ғижимлашар ва аста хоналарига чекинишарди. Бу вақтда синглизининг кутилмаганда унинг ўйинини тўхтатганликларидан ўзини йўқотиб қўйган ҳолатидан чиқди; бир неча лаҳза у беҳол осилиб қолган қўлларида скрипка ва камончани ушлаб турди, гўё ҳали ҳам чалишини давом эттираётгандек ноталарга боқди, сўнг бирданга сесканиб кетди ва мусиқа асбобини онасининг тиззасига қўйиб — онаси эса бўғилиш ҳуружини енгил учун оғир нафас олган ҳолда ҳали ҳам стулида ўтирарди — отасининг бостириб келиши билан ижарачилар тисарилаётган қўшни хонага югуриб кетди. Синглизининг укувли қўллари остида қаравотдаги кўрпа ва ёстиклар сакраб, яна жой-жойини эгаллаб олаётгани кўриниб турарди. Ижарачилар хоналарига киргунларича синг-

лиси тўшакларни тўғрилашни тугатди ва у ердан ғойиб бўлди. Отасининг яна ўжарлиги тутиб қолганга ўхшарди, шу сабаб у, ҳар ҳолда, ўз ижарачилари билан хушмуомалада бўлиши кераклигини ёдидан кўтарганди. Отаси ҳамон уларни тисартириб борарди, ниҳоят хона эшиги олдида ўртадаги ижарачи полни оёғи билан гурсиллатиб тепиб, уни тўхтатди.

— Баёнот беришимга ижозат берсангиз, — деди у кўлини кўтариб ва кўзлари билан онаси ва синглисини излаб, — бу квартира ва бу оиладаги жирканч тартиб сабабли, — шу жойда у қатъий равишда полга тупурди, — мен ховадан батамом воз кечаман. Албатта, бу ерда яшаган кунларим учун сарик чақа ҳам тўламайман, аксинча сизларга, ишонтириб айтаманки, жуда асосли даъво қилиш ҳақида ҳали ўйлаб кўраман.

У гапиришдан тўхтади ва бирон нарсани кутаётгандек олд томон қаради. Кутилгандек унинг икки дўсти дарҳол овозини чиқарди:

— Биз ҳам батамом воз кечамиз.

Шундан сўнг у туткични ушлаб, эшикни тараклатиб ёпди.

Отаси пайпасланиб, ўз креслоси томон судралди ва унга чўқди; бир қарашда у, одати бўйича, мизғиб олиш учун ўрнашиб олганга ўхшарди, бироқ боши қаттиқ ва гўёки итоатсиз чайкалаётганидан у сира ҳам ухламаётганлиги кўриниб турарди. Грегор ижарачилар уни кўриб қолган жойда қимир этмай ётарди. Ўз режаси муваффақиятсизликка учраганидан хафсаласи пир бўлиб, балки узок вақт оч қолганлиги сабабли ҳолдан тойганлиги учун кўзғалиш қобилиятини умуман йўқотганди. У бирон дақиқадан кейин ўзига ҳаммининг маломат тошлари ёғилишига шубҳа қилмасди ва буни кутарди. Грегорни хатто онасининг қалтираётган бармоқларидан сирғалиб чиқиб, тиззасидан тушган скрипканинг садоси ҳам чўчитмади.

— Қадрли ота ва она, — деди синглиси, уларнинг эътиборини тортиш учун столга кўли билан шапиллатиб уриб, — бу ёғига бундай яшаб бўлмайди. Агар сиз, эҳтимол, буни тушунмаётган бўлсангиз, мен буни тушунаман. Бу даҳшатли махлук олдида ўз акамнинг исмини тилга ҳам олмайман ва фақат шуни айтаманки, биз ундан халос бўлишга ҳаракат қилиб кўришимиз керак. Биз одам зоти кўлидан келадиган ҳамма нарсани қилдик, биз уни сабот билан парвариш қилдик ва унга чидаб келдик, менимча, бизни бирон нарсада айблаб бўлмайди.

— У минг карра ҳақ, — секингина овоз чиқарди отаси. Хали ҳам бўғилиши ўтиб кетмаган онаси кўзлари олазарак холда муштира бўғик йўталарди.

Синглиси онасининг олдига шошилди ва кафтлари билан унинг бошини ушлаб турди. Отасини синглисининг сўзлари қандайдир аниқроқ ўйларга даъват қилган кўринади, креслода гавдасини тик қилди; у кечки овқатдан кейин йиғиштириб олинмаган ликобчалар орасида ётган ўз фирма фуражқасини ўйнар ва вақти-вақти билан тинчиб қолган Грегорга қараб кўярди.

— Биз ундан қутулиш учун уриниб кўришимиз керак, — деди синглиси фақат отасига мурожаат қилар экан, зеро, онаси ўз йўтали билан бўлиб, ҳеч нарсани эшитмасди, — у, мана кўрасиз, ҳаммамизни қаро ер қилади. Биз ҳаммамиз ўлиб-тирилиб ишласак, бунинг устига уйда бу бир умрлик азобга дучор бўлсак. Мен ҳам энди бунга чидай олмайман.

Ва у шу қадар хўнграб йиғлашга тушдики, кўз ёшлари онасининг юзига оқа бошлади, синглиси беихтиёр уларни қўллари билан артишга тушди.

— Болажоним, — ҳамдардлик ва ҳайрон қоларлик даражада англаган холда деди отаси, — лекин биз нима қилайлик?

Синглиси ўзини йўқотиб қўйганлигининг белгиси сифатида елкасини қисди: хўнграшга тушган пайтида пайдо бўлган бу хиссиёти олдинги қатъиятига зид эди.

— Агар у бизни тушунганида эди... — ярим савол тарзида деди отаси.

Синглиси йиғлашини давом эттирар экан, буни хаёлга келтириб ҳам бўлмайдиган маънода қўлини кескин силтади.

— Агар у бизни тушунганида эди, — такрорлади отаси ва синглисининг бунинг имконияти йўқлиги тўғрисидаги қатъиятига қўшилгандек кўзини юмди, — бу холда, эҳтимол, у билан бирон нарсага келишсак бўларди. Ҳозир эса...

— Бу ердан йўқолсин! — хайқирди синглиси. — Ота, бу — ягона йўл. Фақат сен бу Грегор эканлиги ҳақидаги ўйиндан қутулишинг керак. Бизнинг бахтсизлигимиз ҳам узок вақт бунга ишониб келганимиздадир. Аммо қанақасига бу Грегор бўлсин? Агар бу Грегор бўлганида, у аллақачон одамлар бундай махлуқлар билан яшай олмасликларини тушунган ва ўзи йўқолган бўларди. Бу холда бизнинг акамиз бўлмасди, бироқ биз аввалгидек яшайверган бўлардик ва унинг хотирасини ёд сақлардик.

Бу махлук эса бизни таъкиб қилади, ижарачиларни ҳайдади, бутун квартирани эгаллаб олиш ва бизни кўчага улоктириб ташлашни хохлаётганлиги очиқ-равшанга ўхшайди. Ота, кара, — бирдан кичкириб юборди у, — у яна қилмишларини бошлаяпти.

Синглиси Грегор учун мутлақо тушунарсиз даҳшатга тушганди; худди онасини қурбон қилса ҳам Грегорнинг ёнида қолмаслиқни афзал кўрган ҳолатда стулдан отилиб, онасини ёлғиз қолдирди ва отаси олдига шошилди; отаси, унинг хатти-ҳаракатидан ташвишга тушиб, ўрнидан турди ва синглисини ҳимоя қилмоқчи бўлганидек унга қўлини чўзди.

Бирок кимнидир, айниқса, синглисини кўрkitиш Грегорнинг миясида ҳам йўқ эди. У шунчаки, ўз хонасига судралиб кетиш учун ўгирила бошлаганди, бу ҳақиқатан ҳам дарҳол кўзга ташланганди, чунки ўзининг ҳозирги касаллик ҳолатида мушкул қайрилишларда бошини тез-тез кўтариб ва полга уриб, гавдасига ёрдамлашишга муҳтож эди. У тўхтади ва атрофга боқди. Унинг нияти яхшилигини, афтидан, тушунишди ва ўртадаги қўрқинч кўтарилди. Онаси стулда оёғини узатиб ётарди, кўзлари чарчоқдан деярли юмук эди; отаси ва синглиси ёнма-ён ўтиришарди, синглиси отасини бўйнидан кучоқлаб олганди.

«Эҳтимол, энди ўгирилсам бўлар», — деб ўйлади Грегор ва яна ҳаракатини давом эттиришга киришди. У зўриққанидан ҳиқилламаслиги мумкин эмасди, тез-тез нафас ростлаб олишга мажбур эди. Аслида уни ҳеч ким ҳам шошилтираётгани йўқ, унинг эркини ўзига бериб қўйишганди. Қайрилишини охирига етказиб, у шу заҳоти тўғрига судралишга тушди. У ўзини хонасидан ажратиб турган масофанинг узоқлигига ажабланди ва бундай беҳоллигида яқиндагина шунча жойни деярли ҳеч кимга сездирмай босиб ўта олганига тушунмасди. Ўй-хаёлида фақат тезроқ жойига етиб олиш бўлганлиги учун яқинларининг бирон сўзи, бирон ҳайкириги эндиликда унга халакит бермаётганди. У эшик олдига етиб келгандагина бошини ўгирди, лекин бунга тўла бажара олмади, чунки бўйни котиб қолаётганини ҳис қилди. Шундай бўлса ҳам у ўзининг ортида ҳеч нарса ўзгармаганлиги, фақат синглиси ўрнидан турганлигини кўра олди. Унинг сўнги нигоҳи уйқуга кетган онасига тушди.

У хонасига кириши билан эшикни шошилиб ёпишди, тамбалашди, кейин эса қулфлаб ҳам қўйишди. Грегор оркасида қутилмаган бу шовқиндан шу қадар кўрқиб кетдики, панжалари

кийшайиб колди. Синглиси шу кадар шошилаётганди. У шай холда турган эди, кейин олдинга тезлик билан отилди — Грегор унинг қандай яқинлашганини ҳам эшитмади, — ва ота-онасига: «Ниҳоят-а!» — деб кичкириб, кулфдаги калитни буради.

«Энди нима бўлади?» — деди ўзига Грегор қоронғуликда пайпасланар экан. Тез орада у умуман қимирлай олмаслигини сезди. У бунга ажабланмади, аксинча шу пайтгача бу кадар ингичка оёқчаларида қандай қилиб ҳаракат қилганига ҳайрон колди. Бошқа нарсалардан у хотиржам эди. Тўғри, у бутун танасида оғрик сезарди, лекин бу санчиқ бўшашаётгандек ва ниҳоят, умуман йўколаётгандек туюларди. Орқасида чириб кетган олма ва унинг атрофидаги, чанг билан копланишга улгурган ярасини эса деярли хис қилмасди. Ўз оиласи ҳақида меҳрибонлик ва муҳаббат билан ўйларди. У шунингдек, ҳатто синглиси айтганидан ҳам катъийроқ равишда бу ердан ғойиб бўлиши керак деб ҳисобларди. Минорадаги соатлар учга бонг ургунга кадар у ана шундай беғубор ва сокин ўйлар оғушида бўлди. Дераза ортида ҳамма нарса ёришганида у хали ҳаёт эди. Кейин боши унинг иродасига бўйсунмасдан жуда пастга осилиб тушди ва у сўнгги марта беҳол нафас олди.

Оқсоч хотин тонг саҳарда шошилиб келгач, — ундан неча бор шовкин кўтармаслигини илтимос қилишларига қарамасдан, бу бақувват аёл эшикни шундай очиб-ёпардики, квартирада сокин уйқуга ўрин қолмасди, — ҳар галдагидек, Грегорнинг хонасига бош сукиб, бирон арзигулик нарсани пайқамади. Оқсоч хотин у жўрттага шундай, ўзини хафа бўлгандек кўрсатиб, қимирламай ётибди деган ўйга борди: Грегорнинг ақлигига унда шубҳа йўқ эди. Кўлига тасодифан узун супурги тушиб қолганлиги учун, остонада туриб Грегорни қитикламоқчи бўлди. Бу ҳам бирон қутилган натижа бермагач, у жахли чиқиб, Грегорни енгилгина туртди ва бирон қаршиликка учрамай жойидан кўзватганидан кейингина ҳушёр тортди. Тезда нима бўлганлигини тушуниб, кўзларини бақрайтирди, ҳуштак чалиб юборди, бироқ бу янгиликни билдиришни орқага сурмасдан, ётоқхона эшигини зарб билан очиб, бутун овози билан қоронғуликка бақирди:

— Қаранг-а, у ўлибти, мана, ўп-ўлик ҳолда ётипти!

Эр-хотин Замза тўшакка ўтириб, даставвал оқсоч аёл пайдо бўлиши билан боғлиқ қўрқувларини аранг енгдилар, кейин-

гина унинг гапларининг маъносига етиб бордилар. Гап нимада-лигини англагач, жаноб ва хоним Замза ҳар бири тўшакнинг ўз томонидан шошилиб турди, жаноб Замза елкасига чойшаб-ни ташлаб олди, хоним Замза биргина ич кўйлақда эди; шу холда улар Грегор хонасига кирдилар. Бу вақтга келиб, ижара-чилар пайдо бўлганидан бери меҳмонхонада ухлайдиган бўлган Грета ҳам эшигини очди; у гўё ҳеч ҳам мижжа қокмагандек, тўла кийиниб олган эди, синикқан юзи ҳам уйқусизлик алома-тидек эди.

— Ўлибтими? — деди хоним Замза оқсоч аёлга саволнома қараб, холбуки бунга ўзи текшириб кўриши ва хатто текшир-масдан ҳам тушуниши мумкин эди.

— Шунга айтман-да, — деди оқсоч хотин ва бунинг исботи сифатида супурги билан Грегорнинг жасадини яна чеккарокка сурди. Хоним Замза худди супургини тўхтатиб қолмокчи бўлган-дек олдинга интилди, лекин супургини тўхтата олмади.

— Мана, — деди жаноб Замза, — энди биз Тангрига рах-мат айтсак бўлади.

У чўқинди ва уч аёл ҳам унга эргашди. Жасаддан кўзини ола олмаётган Грета овоз чикарди:

— Қаранг-а, у қанчалар озиб кетибди. Ахир у қачонлардан бери ҳеч нима татимасди. Унга қандай емак олиб келмайлик, ҳеч нимага тегинмасди.

Грегорнинг танаси ҳақиқатан ҳам қуп-қуруқ ва текис эди; ҳозир оёқчалари танани хиёл кўтариб турмаётганлиги, умуман энди ҳеч нарса кўзни қалғитмаётганлиги учун бу чинакамига аёнлашганди.

— Грета, бир дақиқага бизнинг олдимишга кир, — деди хоним Замза зўрма-зўраки табассум билан ва Грета жасаддан кўзини олмаган холда ота-онаси кетидан ётоқхонага йўл олди. Оқсоч аёл эшикни ёпиб, деразани ланг очди. Эрта тонглигига қарамасдан тоза ҳаво бироз илиқ эди. Март охирига қолганди.

Уч ижарачи ўз хоналаридан чиқиб, нонуштага кўзлари туш-масдан ажабланишди: уларни ёддан чиқаришди.

— Нонушта қани? — тунд холда сўроқлади оқсоч хотинни ўртадаги ижарачи. Лекин оқсоч хотин бармоғини лабига қўйиб, индамасдан ижарачиларга Грегорни хонасига киришларига тез-тез имо қила бошлади. Улар ўша хонага киришди ва энди жуда ёруғ хонада қўлларини костюмларининг сийқаланган чўнтак-ларига бекитган холда Грегор жасадини ўраб олишди.

Шу пайт ётоқхона эшиги очилди ва жаноб Замза ливреяд¹ бир томонда хотини, иккинчи томонда кизи билан қўлтиклашган ҳолда пайдо бўлди. Уларнинг ҳаммасининг кўзи ёш эди; Грета вақти-вақти билан отасининг елкасига суркалиб қўярди.

— Ҳозирок менинг квартирамни бўшатиб қўйинг! — деди жаноб Замза ва аёлларни қўлтиғидан қўйиб юбормаган ҳолда уларга эшикни кўрсатди.

— Сиз нимани назарда тутаясиз? — деди бироз хижолат тортган ҳолда ўртадаги ижарачи ва лаганбардорона жилмайди. Бошқа икки ижарачи охири бахайр тугаши кутилаётган катта бахсни хурсандчилик билан кутишаётгандек, қўлларини орқаларига қўйиб, бетўхтов ишқалардилар.

— Мен нима деган бўлсам ўшани назарда тутяпман, — жавоб берди жаноб Замза ва қўлтиклашганлари билан ёнма-ён юриб, ижарачи рўпарасига келди. Ижарачи миясида ҳамма нарса алғов-далғов бўлиб кетгандек, полга қараган ҳолда бир неча лаҳза сукут сақлаб турди.

— Хўп, майли, унда биз кетамиз, — деди у кейин ва жаноб Замзага аҳволга тан бергандек ва шунда ҳам унинг ризолигини кутаётгандек бокди.

Жаноб Замза факат кўзларини бақрайтириб, унга бир неча бор қисқа-қисқа бош силкади. Шундан сўнг ижарачи ҳақиқатан ҳам дарҳол катта-катта одим отиб, кириш йўлаги томон йўл олди; унинг икки дўсти мулоқотга қулоқ тутиб, қўлларини ишқалашни тўхтатдилар, жаноб Замза кириш йўлагига улардан олдин етиб бориб, етакчиларидан жудо қиладигандек, ўртанча ижарачи кетидан сакраб-сакраб одимладилар. Кириш йўлагига ҳар учаласи илгичдан шляпаларини, асослар қўйиладиган жойдан асосларини олдилар, индамасдан бош эгдилар ва квартирани тарк этдилар. Жаноб Замза, маълум бўлишича, бирон асосга эга бўлмаган ишончсиз ҳолатда икки аёл билан зинапоя майдончасига чикди; улар зинапоя панжараларига суянган ҳолда ижарачилар узун зинапоядан секин, ҳар бир каватнинг муайян бурилишида кўздан ғойиб бўлиб ва бир неча онлардан сўнг пайдо бўлиб, муттасил пастга тушаётганликларига қараб туришди; ижарачилар қанчалик пастлаб бораётган бўлсалар, Замза оиласи

¹ *Ливрея* (французча «*livree*» сўзидан) — қадимий Францияда рицарлар ва сарой аъёнларининг байрам либоси, кейинчалик чўрилар ва уй хизматкорларининг улар хўжайинларининг герби туширилган хизмат кийими.

улар билан шунчалик ишлари бўлмаётганди; кейин кассобхона дастёри аввал улар томон бошида савати билан қоматини кўз-кўз қилиб, сўнг юқори қаватларга йўл олгач, жаноб Замза ҳамроҳ аёллари билан зинапоя майдончасини тарк этишди ва ўзларини қандайдир енгил ҳис қилиб квартираларига қайтиб кирдилар.

Улар бугунги кунни дам олиш ва сайр қилишга бағишлашга қарор қилишди; улар ишда бундай танаффус қилишга сазовор бўлибгина қолмасдан, бу улар учун айна зарурат эди. Шунинг учун стол атрофига ўтиришиб, учта: жаноб Замза* — ўз маъмуриятига, хоним Замза — иш берувчисига, Грета — бошлиғига тушунтириш хати бита бошлашди. Улар мактуб ёзиш билан машғул экан, оқсоч аёл эрталабки юмушларини тугаллаганлиги учун кетаётганлигини билдиришга кирди. Мактуб ёзаётганлар унга қарамасдан ҳам бош силкиб қўя қолишди, бироқ оқсоч хотин хонадан чиқиб кетиш ўрнига жойида қаққайиб турганлигини кўргач, унга норозилик билан боқишди.

— Хўш? — сўради жаноб Замза.

Оқсоч хотин худди оила учун қандайдир хушxabар борлиги, лекин буни астойдил сўраб-суриштирганларидан кейингина айтиши мумкинлигини билдирмоқчи бўлгандек, остонада жилмайиб турарди. Унинг шляпасидаги, жаноб Замзани ҳамиша жигига тегадиган, деярли тик ҳолатдаги қуш пати хар томонга чайқалиб турарди.

— Ўзи сизга нима керак? — сўради хоним Замза; оқсоч аёл уни бошқаларга қараганда кўпроқ ҳурмат қиларди.

— Ҳа, — жавоб берди оқсоч аёл, кўнгилхуш қулгидан бўғилгудек бўлиб, — анави нарсани қандай чиқариб ташлаш тўғрисида ташвиш тортмасангиз бўлаверди, ҳамма нарса жойида.

Хоним Замза ва Грета ўз мактубларини давом эттирмоқчи бўлганларидек, қоғоз устига бош эгишди; жаноб Замза оқсоч хотин тафсилотларни батафсил гапириб бермоқчи эканлигини сезиб, кўли билан буни қатъий рад этди. Оқсоч аёл унга гапиришга изн бермаганликлари учун жуда шошилаётганлиги ёдига тушди, хафа бўлганлигини билдириб: «Яхши қолинглар!» — деб бақирди, кескин ўгирилиб, эшикларни қарсиллатиб ёпган ҳолда квартирани тарк этди.

— Кечқурун у ишдан бўшатилади, — деди жаноб Замза, лекин хотинидан ҳам, кизидан ҳам жавоб ололмади, чунки оқсоч аёл улар аранг муяссар бўлган хотиржамликларини буз-

ган эди. Она ва киз ўрниларидан туришди, дераза олдига келишди ва кучоклашиб, шу ерда тўхташди. Жаноб Замза стулида ўтириб, улар томон ўгирилди ва бир неча лахза индамай уларга қараб турди. Кейин уларга қараб хайкирди:

— Бу ёкка келсанглар-чи! Ўтмишни унутинглар энди. Бирозгина бўлса-да мен ҳақимда ҳам ўйланглар.

Аёллар бунга дарҳол бўйсуниб, унинг олдига шошилишди ва уни эркалашди ҳамда тезда мактубларини тугаллашди.

Шундан кейин улар бир неча ой давомида эплашмаганини маълум қилишди — квартирани биргаликда тарк этишди ва трамвайда шаҳар ташқарисига йўл олишди. Уларнинг фақат ўзлари ўтирган вагон куёш нурига тўла эди. Улар ўз ўриндиларига қулай суянишиб олиб, келажак режаларини муҳокама қилишга тушдилар; бу мўлжаллар тузукрок қаралса, чакки эмас экан, чунки улар бир-бирларидан, умуман олганда, сўраб-суриштирмаган хизматлари ҳаммаларига ниҳоятда қулай, энг асосийси эса, келажакда кўп нарсага умид қилиш мумкин экан. Квартираларини алмаштириш ҳозирги аҳволларини энг осонгина тубдан яхшилаш имконини берган бўларди, албатта; улар ҳозирги, олдин Грегорнинг ўзи танлаган квартиралари ўрнига ихчамрок, арзонрок, аммо янада қулайроғини ижарага олишга қарор қилишди. Улар суҳбатлашар эканлар, жаноб ва хоним Замза ўйларига деярли бир вақтда тобора жонланиб бораётган қизларнинг юзини синиктирган барча қайғуларга қарамасдан, сўнгги вақтда очилиб кетганлиги ва ҳақиқий соҳибжамолга айланганлиги келди. Гапларини тўхтатишиб, беихтиёр имолар тилига ўтиб, улар мана энди унга муносиб ёр топиш вақти келганлиги ҳақида ўйлай бошладилар. Қизлари уларнинг янги орзулари ва ажойиб ниятларини тасдиқлаётгандек, сафарларининг ниҳоятсида биринчи бўлиб ўрнидан турди ва гўзал коматини кўз-кўз қилди.

Русчадан Эркин ЭРНАЗАРОВ таржимаси

ФРАНЦ КАФКАНИНГ «ЭВРИЛИШ»И

Ҳикоя, мусикавий пьеса, сурат қанчалик нафислик ва муҳаббат билан таҳлил этилмасин ва тушунтирилмасин, ҳамиша лоқайдлигича қоладиган ақл ҳамда чумоли ўрмаламайдиган орка топилади. «...барча нарсалар сири тагига етайлик», — дейди кироли Лир ўзига ва Корделияга ғамгин. Санъатни жиддий қабул қиладиган барчага менинг ҳам тақлимим шундай. Бир бечоранинг пальтосини тортиб олишди (Н. Гоголнинг «Шинел»и)¹, бошка бир бечора кўнғизга айланиб қолади (Ф. Кафканинг «Эврилиш»и) — ҳўш, нима бўлибди? «Хўш, нима бўлибди?» саволига оқилона жавоб топилмайди. Ҳикояни нимталаш мумкин, унинг қисмлари бир-бири билан қанчалар уйғун, таркиби нақадар мослигини аниқласа бўлади; бироқ сизда ўзингиз англай олмайдиган ва рад қилишга қурбингиз етмайдиган хисга жавобан тўлқинланиб кетишга қодир қандайдир хужайрангиз, ирсингиз, пуштингиз бўлиши керак.

Гўзаллик ва шафқат — санъатга таъриф бериш учун биз тақлиф этишимиз мумкин бўлганларга энг яқини худди ана шулардир. Гўзаллик бор жойда шафқат бор: бунинг сабаби оддий — гўзаллик қурбон бўлиши керак. Гўзаллик ҳамиша ҳалок бўлади, шакл мазмун билан бирга йўқолади, дунё шахс билан бирга ўлади. Агар кимгадир Ф. Кафканинг «Эврилиш»и энтомологик фантастикага қараганда муҳимроқ нарса сифатида туюлган бўлса, мен уни ҳушёр ва зукко китобхонлар сафига қўшиланлиги билан қутлайман.

¹ «Шинель» — буюк рус ёзувчиси Н.В.Гоголнинг (20 март (1 апрель) 1809, Полтава, — 21 февраль (4 март) 1852, Москва) «Петербург қиссалари» туркумига кирувчи қиссаси, биринчи марта 1842 йил 1 мартда эълон қилинган.

Мен фантастика ва вокелик, уларнинг ўзаро муносабати хусусида мушоҳада юришиб кўрмоқчиман. Агар биз «**Доктор Жекил ва мистер Хайднинг ғалати тарихи**»¹ хикоясини инсондаги Эзгулик ва Кабиҳлик кураши сифатидаги аллегория деб қабул қилсак, бу аллегория гўдакнамо ва маза-матрасиздир. Бу хикояда аллегорияни англаган ақл учун унинг соялар театри соғлом тафаккур тасаввур эта олмайдиган жисмий воқеаларга рағбат беради; амалда эса хикоядаги вазиятга соғлом ақл нуқтаи назари билан ёндошиладиган бўлса, биринчи қарашда унда ҳеч нарса инсоннинг одатий тажрибасига зид эмас, Аттерсон ҳам, Жекил билан бирга бошқа одамлар ҳам қандайдир маънода фантастикада мистер Хайддан қолишмайди. Агар биз уларни бу фантастика ёвдусига чўмилган ҳолда тасаввур эта олмасак, мафтункорлик йўқолади. Агар мўъжизакор ғойиб бўлса ва фақат хикоянавис билан устоз қолса, биз зерикарли даврага қўшилиб қоламиз.

Жекил ва Хайднинг тарихи кизикарли, лекин бу қўхна тарих. Бу киссадан хисса бемаъни, чунки эзгулик ҳам, кабиҳлик ҳам амалда тасвирланмаган, улар худди ўз-ўзидан англавиладиган тарзда берилган ва кураш икки жонсиз суратлар ўртасида кечади. Мафтункорлик Стивенсоннинг каштачилик санъатидадир; бироқ шуни қайд қилмоқчиманки, санъат ва тафаккур, услуб ва мазмун яхлит экан, шунга ўхшаш нарса, афтидан, хикоя таркибида ҳам мавжуд. Лекин эҳтиёткор бўлайлик. Ҳар ҳолда мен бу тарихнинг бадий тасвири — агар шакл ва мазмун алоҳида-алоҳида қараб чиқиладиган бўлса — Н. Гоголнинг «Шинель»и ва Ф. Кафканинг «Эврилиш»ига ҳос бўлмаган қусурдир. Аттерсон, Энфилд, Пул, Лэнвон ва улар Лондонни ўраб турган нарсаларнинг хаёлийлиги доктор Жекил хаёлийлиги билан бир хил хусусиятга эга эмас. Сурат дара кетган — яхлитлик йўқ.

«Шинель», «Доктор Жекил ва мистер Хайднинг ғалати тарихи» ва «Эврилиш» — уларнинг учаласини ҳам фантастик асарлар деб аташ урф бўлган. Ўйлашимча, ҳар бир буюк санъат асари — фантазиядир, зеро, у бетакрор шахснинг бетакрор дунёсини акс эттиради. Бироқ одамлар бу воқеаларни фанта-

¹ «Странная история доктора Джекила и мистера Хайда» («The Strange Case of Dr. Jekyll and Mr. Hyde») — шотланд ёзувчиси ва жаҳонда машҳур саргузашт романлар ва киссаларнинг муаллифи, инглиз неоромантизмнинг энг йирик вакили Роберт Стивенсоннинг (13 ноябрь, 1850, Эдинбург — 3 декабрь, 1894, Самоа) 1886 йил Лондонда чоп этилган фантастик хиссаси.

зия деб аташар экан, шунчаки воқеаларнинг мазмуни ҳақиқий воқеликка ўхшамаслигини назарда тутадилар. Шундай экан, фантазия деб аталадиган нарса воқелик деб аталадиган нарсадан қай тарада ва қай даражада фарқ қилишини аниқлаш учун воқеликнинг ўзи нималигини тушунишга ҳаракат қилиб кўрайлик.

Бир жойда турли табақага тааллуқли уч одам кетаётганлигини тасаввур қилайлик. Улардан бири — хизмати эвазига берилган таътилдан ором олаётган шаҳарлик бўлсин. Бошқаси — касби бўйича ботаник. Учинчиси — маҳаллий фермер. Биринчиси, шаҳарлик — амалиётчи деб аталадиган, соғлом фикрга риоя қиладиган шахс; у дарахтга дарахт сифатида қарайди, харита эса унга бу янги кўркам йўл Ньютонга олиб бориши, у ерда ҳамкасби тавсия этган жойда маъза қилиб тамадди қилиши мумкинлигини кўрсатган.

Ботаник атрофга боқар экан, кўз ўнгидаги у ёки бу гиёҳ ва дарахтларни, гул ва буталарни ўсимлик дунёсининг хусусиятларини ифодалайдиган аниқ тоифалар, аниқ атамаларда идрок этади; ямани карағайдан ажрата олмайдиган хаёлпараст сайёҳ дунёни туш қаби — фантастик, ноаниқ, сароб ҳолда тасаввур этади.

Ва ниҳоят, маҳаллий фермернинг дунёқараши юқорида зикр этилганларникидан эҳтиросли ҳис-туйғуларга чулгангани ва шахсий муносабати билан фарқ қилади, чунки фермер шу ерда туғилган, улғайган ва ҳар бир сўкмокни билади. Бу ерда минглаб икир-чикирлар, жиллолар унинг кундалик меҳнати, болалиги билан боғлиқ; уларнинг мавжудлиги хаёлпараст сайёҳ ва тизимли ботаникнинг хаёлига ҳам келмайди. Бизнинг фермер атрофдаги майса ва дарахтзорлар дунёнинг ботаник концепциясига нақадар мувофиқлигидан беҳабар; ботаник эса фермер учун, таъриф жоиз бўлса, унинг бутун умри давомида жамланган шахсий хотиралари қоришмасига ботирилган анови охур ёки эски дала қанчалар қадрли эканлигидан беҳабар.

Шундай қилиб, кўз олдимизда учта турлича дунё — уч оддий одамнинг турлича воқелиги; биз, албатта, бу ерга бошқа мавжудотларни: ити бор кўрни, ити бор овчини, ити бор хўжайинни, чиройли ботаётган қуёш манзарасини кидириш билан овора рассомни, ёнилғиси тугаган машинасига бензин излаётган ойимқизни таклиф қилишимиз мумкин... Бу ҳар бир ҳолда дунё ҳақидаги тасаввур бир-биридан тубдан фарқ қилади, зеро, ҳатто энг оддий «дарахт», «йўл», «гул», «осмон», «охур», «бармоқ», «ёмғир» сўзлари одамларда мутлақо турлича таассуротларни уйғотади. Ва бу субъектив ҳаёт шу қадар жўшқинки,

объектив мавжудлик деб аталадиган нарса ёрик бўм-бўш тухум пўчоғига айланади. Объектив воқеликка қайтишнинг ягона воқитаси шундай: бу алоҳида-алоҳида дунёларни яхшилаб қориштириш, бу қозонга чўмич ботириб, ундаги қоришмани мана, «объектив воқелик» деб кўрсатишдир. Агар шу атрофда ақлдан озган гандирақлаб юрган бўлса, бу қоришмадан девоналик таъми келиши ёки қимдир гиламдек майсазорга боқиб, унинг ўрнида бежирим тугма фабрикаси ёхуд бомба тайёрланадиган заводни тасаввур этса — ўта бемаъниликни англаш мумкин. Аммо умуман олганда, агар биз объектив воқелик таркибини шиша идишга солиб, уни ёруғликка тутсак, маъқур маънисиз зарралар қоришмада ғойиб бўлади. Бундан ташқари, ушбу «объектив воқелик»да оптик чалғишлар ва лаборатория тажрибалари доирасидан чиқадиган нарсалар ҳам бўлади. У шеърият, юксак туйғулар, қудрат ва журъат (бу ўринда тугма қироли ниятига ҳам изн бор), шафкат, ғурур, аҳтирос — ва тавсия этилган емақхонадаги мазали бифштекс орзуси унсурларини мужассамлаштирган.

Шундай қилиб, биз «воқелик» деганда, буларнинг ҳаммасини мужассам ҳолда, бир қошиқда — миллионлаб алоҳида воқеликлар қоришмаси ўртачасининг мисқолини назарда тутамиз. Мен «воқелик» атамасини худди шу — «Шинель», «Доктор Жекил ва мистер Хайднинг ғалати тарихи» ёки «Эврилиш» дунёлари каби аниқ фантазиялар манзарасидаги маъно (инсоний воқелик)да ишлатмоқдаман.

«Шинель» ва «Эврилиш»да муайян ҳиссиётга эга қаҳрамон антика бераҳм персонажлар, қулғили ёки ваҳимали маҳлуклар, зебрасифат бўялган эшаклар, қуён ва каламуш дурагайлари қуршовида. «Шинель»да қаҳрамоннинг инсоний моҳияти «Эврилиш»даги Грегорга караганда бошқачароқ, лекин иккаласи учун ҳам шафкат уйғотадиган инсонийлик ҳосдир. «Доктор Жекил ва мистер Хайд»да бу йўқ, ҳикоя бўғизидаги томир урмайди, Стернинг «Кўнгилчан сайр»идаги қалбда акс садо уйғотадиган чуғурчунинг «Чиқа олмайман, чиқа олмайман» оҳанги эшитилмайди.

Ҳа, Стивенсон Жекилнинг аянчли тақдирига кўп саҳифалар ажратган, аммо умуман олганда, бу фақат аъло даражадаги кўвирчоқ театрлир. Кафка ва Гоголнинг хусусий босинкирашлари шуниси билан жозибалики, қаҳрамон ва одамий хусусиятини йўқотганларни қуршаб турган дунё умумий, бироқ қаҳрамон ундан чиқишга, никобини ташлашга, шинель остидан қалдини тиклашга уринади. Стивенсоннинг ҳикоясида эса бу ахлитлик ҳам, бу зид-

дият ҳам йўқ. Аттерсонлар, Пуллар, Энфилдлар оддий, жўн одамлар сифатида тақдим этилади; амалда эса улар Диккенсдан нусха олинган, Стивенсоннинг тумани одатий Лондонни ўраб олиш учун аниқ Диккенс устахонасидан чиққандек, Стивенсон бадийи воқелиги билан у қадар жонлантирилмаган хаёлотдир.

Аслини олганда, мен Жекилнинг мўъжизали малхами Аттерсон хаётига караганда реалроқдир демоқчиман. Жекил — Хайд фантастик мавзуси режаланишича, одатий Лондонга карама-карши қўйилмоқчи бўлган; амалда эса готик ўрта аср мавзуси Диккенсга карама-карши ҳолда акс этган. Ва бундай тафовут бемаъни дунё билан кўнгилни юмшатадиган бемаъни Башмаккин билан ёки ўткинчи дунё билан фожиали Грегор ўртасидаги тафовутдан мутлақо бошқачароқдир.

Жекил — Хайд мавзуси унинг атрофидагилар билан яхлитликни ташкил этмайди, зеро, унинг фантастиклиги атрофидагилар фантастиклигидан бошқача кўринишдадир. Жекилда аслини олганда, биронта арзирли кўнгилчанлик ёки фожиавийлик йўқ. Биз ажойиб усталик, эпчилликнинг нафислигидан хайратга тушамиз, бироқ ҳиссий бадийликнинг кон томири урмайди ва кўнгилчан китобхон учун ким — Хайд ёки Жекил устун келишининг мутлақо фарқи йўқ. Бир сафар соялом фикрловчи, лекин анчайин юзаки француз файласуфи ўта мушоҳадали, аммо жоҳил немис файласуфи Гегелдан фикрини лўнда баён этишини сўраганда, Гегель шартта кесган: «Бундай нарсаларни лўнда ҳам, французча ҳам баён этиб бўлмайди». Гегель ҳақлиги ёки ноҳақлиги масаласига чуқурлашмасдан, икки оғиз гал билан кафкача-гоголча тарздаги тарих билан стивенсонча тарих ўртасидаги тафовутга аниқлик киритишга ҳаракат қилиб кўрайлик.

Гоголда ва Кафкада бемаъни қаҳрамон бемаъни дунёда яшайди, бироқ бу ердан инсон мавжудотлари дунёсига кириб олиш учун кўнгилчанлик ва фожиавийлик билан уринади — ва ночорликда ҳалок бўлади. Стивенсонда қаҳрамоннинг новоқелиги уни ўраб турган дунёнинг новоқелигидан ўзгачароқдир. У диккенсча қуршовдаги готик қаҳрамондир; у ҳам уринади, кейин ҳалок бўлади, лекин биз унга нисбатан фақат жуда одатий ачинаш ҳис этамиз. Мен асло Стивенсоннинг ҳикояси — муваффақиятсизлик демоқчи эмасман. Йўқ, одатий ҳолича ва одатий мезонлар бўйича у мўъжазгина нодир асар, бироқ у фақат икки ўлчовга эга, Гоголь ва Кафка асарларида эса улар бешта ёки олтига.

Франц Кафка 1883 йилда прагалик немис тилида сўзлашадиган яхудийлар оиласида туғилган. У буюк немис ёзувчиларидан. Рильке каби шоирлар, Томас Манн каби романнавислар у билан таққосланганда миттилар ёки мўм авлиёлардир. Франц Прагадаги Немис университетида ҳуқуқшуносликдан таҳсил олган, суғурта компаниясида худди гоголча идоранинг кичик хизматчиси вазифасида ишлаган. Кафканинг ҳаётлиги вақтида ҳозирги машҳур «**Маҳкама иши**» (1925) ва «**Сарой**» (1926) каби романларидан бошқа асарлари чоп этилмаган. Унинг энг ажойиб «Эврилиш» («*Die Verwandlung*») хикояси 1912 йил кузида ёзилиб, 1915 йил октябрида Лейпцигда нашр этилган. 1917 йилда Кафка хасталикка чалиниб, ҳаётининг сўнгги етти йилини Марказий Европанинг санаторийларида ўтказган. Киска умрининг (у қирк бир ёшида вафот этган) сўнгги йилларида бахтли ишқ тўғри келган: 1923 йилда у маҳбубаси билан Берлинда кўним топган. 1924 йил баҳорида у Вена яқинидаги санаторийга йўл олган ва бу ерда 3 июнда томоқ силидан вафот этган. Уни Прагадаги яхудийлар қабристонига дафн этишган. У ўз дўсти Макс Бродга ёзган ҳамма нарсаларини, шу жумладан эълон қилинган асарларини ёкиб юборишни васият қилиб қолдирган. Бахт ёрлақаб, Брод унинг васиятини бажармаган.

«Эврилиш» тўғрисида гап бошлашдан аввал мен икки нуқтаи назарни рад этмоқчиман. Мен Макс Броднинг Кафкани англаш учун асло адабиёт нуқтаи назаридан эмас, балки авлиёлик нуқтаи назаридан ёндашиш керак, деган ғоясини қатъиян рад этмоқчиман. Кафка, энг аввало, ижодкор бўлган ва ҳар бир ижодкор муайян даражада авлиё (буни ўзим жуда равшан ҳис этаман) деб тасдиқлаш мумкин бўлса ҳам Кафка ижодида диний оҳанглар ҳис этилади деган фикрларга қўшилмайман. Шунингдек, фрейдча нуқтаи назарни ҳам рад этмоқчиман. Нидер каби биограф-фрейдчилар (Neider, «*The Frozen Sea*», 1948), масалан «Эврилиш» Кафканинг отаси билан мураккаб муносабатларидан ва бутун умри давомида уни тарқ этмаган гуноҳлиги ҳиссидан пайдо бўлган деб тасдиқлашади; улар шундан сўнг гўё ривоятлар рамаларида болалар кумурсқалар сифатида тасвирланган — бунга шубҳа қилман — ва эмишки, Кафка фрейдча қарашларга биноан ўғилни кўнғиз қилиб тасвирлаган деб тасдиқлашади. Уларнинг сўзларига қараганда, кумурсқа ўзининг отаси олдидаги номукаммаллигини жуда ажойиб рамаи экан. Аммо мазкур ҳолда мени китоб чувалчанглари эмас, балки кўнғиз қизиқтиради ва мен бу бемаъниликни улокти-

риб ташлайман. Кафканинг ўзи Фрейд таълимотига жуда танкидий муносабатда бўлган. У рухий таҳлилви (иктибос келтирмакдаман) «ночор хато» деб атар ва Фрейд назариясини ишнинг тафсилотларини ҳам, янада муҳими, моҳиятини ҳам етарли даражада акс эттирмайдиган жуда тахминий, жуда қўпол тасаввурлар деб ҳисоблаган. Шундай экан, яна ана шу сабабга кўра ҳам фрейдча ёндашувни четга суриб, эътиборни бадийликка қаратаман.

Кафкага Флобер энг кучли таъсир кўрсатган. Ширадор насрдан нафратланадиган Флобер Кафканинг ўз кулолига муносабатини табриклаган бўларди. Кафка атамаларни юриспруденция ва фан тилидан олиб, уларни муаллифлик ҳисси сукилиб киришидан кафолатлайдиган кинояли аниқлик билан ишлатишни яхши кўрарди; Флоберга фавқулудда шоирона ноёбликка эришиш имконини берадиган услуби худди шунақа.

«Эврилиш»нинг қаҳрамони Грегор Замза — прагалик бойбадавлат бўлмаган, Флобернинг калтафаҳмли, соф моддий манфатларни кўзлайдиган ва бачкана дидли одамларининг ўғли. Беш йилча аввал катта Замза деярли барча пулларидан айрилган, шундан сўнг ўғли отасига қарз бериб турганлардан бирига хизматга кирган ва коммивояжер, мовут сотувчи бўлган. Ўшандан бошлаб отаси ишламай кўйган, синглиси ёшлиги сабабли ишлай олмасди, онаси бўлма хасталигига чалинган ва Грегор фақат онасини боқибгина қолмасдан, ҳозир яшаб турган квартираларини ҳам ўзи топган. Шарлоттенштрассенинг турар жойидаги бу квартира, аниқ таърифланадиган бўлса, кейин қаҳрамоннинг танаси бўлакланадигандек хоналарга бўлинган. Биз Прагада, Марказий Европадамиз, 1912 йил эшик қокқан, хизматкорлар арзон ва Замзаларнинг оқсоч Анна (у ўн олти ёшда, Грегордан бир ёш кичик) ва ошпаз аёл ёллашга қурблари етади. Грегор мунтазам равишда сафарда бўлади, лекин ҳикоя бошланишида у икки хизмат сафари ўртасидаги танаффусда тунни уйида ўтказди ва шу вақтда у билан дахшатли воқеа содир бўлади. «Грегор Замза кунлардан бирида эрталаб нотинч уйқудан уйғониб, ўз тўшагида кўркинчли махлукка айланиб қолганлигини сизди. У орқа томонидаги тошдек қаттиқ тосида чалқанча ётар экан, бошини хиёл кўтариши билан ўзининг кабарик, кўнғиртус, ёйсимон тангачалар билан бир текис бўлакланган, кўрпаси аранг ушланиб, салга сирпаниб тушиб кетиши мумкин бўлган қорнини кўриб турарди. Унинг кўпсонли, танасининг бошқа жойларига караганда мажруҳ ингичка оёкчалари кўзи ўнгида бир-бирларига чирмашиб ётарди.

«Менга нима бўлди?» — ўйларди у. Бу туш эмасди...

Шундан сўнг Грегорнинг нигоҳи деразага қадалди ва тунд об-хаво — дераза тоқчасига қоқилган жезга ёмғир томчиларнинг чакиллаб урилиши эшитилиб турарди — унинг кайфиятини та-моман тушириб юборди. «Яна бир оз мизғиб олсам ва бу бўлма-ғур нарсани унутсам яхши бўларди», — хаёл сурарди у, лекин бунинг асло имконияти йўқ эди. У ўнг биқинида ухлаган одат-ланганди, хозирги ҳолатида эса бунинг ҳеч иложини тополмаёт-ганди. У қайси томондан ўнг биқинига ўгирилмоқчи бўлмасин, барибир яна чалқанча ҳолатига қайтарди. Ўзининг чирмашиб ётган оёқчаларини кўрмаслик учун кўзини юмиб, бу ҳаракатларни юз-лаб бор такрорлаб кўрди ва ниҳоят, авваллари сезмаган қандай-дир зиркиллаган энгил оғрикни ҳис этгач, уринишларини тўхтат-ди».

«Эҳ, танграм, — ўйларди у, — қандай беҳаловат касбни тан-лаганман-а! Ҳар куни санғиш. Унда тижорат ташвишлари, савдо уйидагига қараганда қанчалар кўп, устига-устак, марҳамат, йўл азобини торт, поездлар катнови тартиби ҳақида ташвиш чек, бе-маза, ора-чорада тамадди қилиш имкони топиладиган емишларга чида, янги, бегона одамлар билан ҳеч вақт самимий бўлмайдиган қисқа фурсатли муносабатлар ўрнат. Э, ҳаммасига бало урсин!» У қорни устида салгина қичима сеади; бошини кўтариш осонроқ бўлиши учун орт томони билан каравотининг сим панжаралари томон оҳиста силжиди; маълум бўлишича, бир текис оқиш тусли, тушунарсиз нуқтачалар билан қопланган қичиётган жойини топ-ди; бу жойни оёқчаларидан бири билан қашлаб кўрмоқчи бўлди, лекин оёқчасини дарҳол тортиб олди, чунки танасига жўнгина тегиб кетиш ҳам унда титроқ пайдо қилди».

Арзимас комминояжар, бечора Грегор дафъатан нимага эври-либ қолди? Қумурскалар, ўргимчаклар, кўпоёқликлар ва қисқич-бақасифатлар мансуб бўлган бўғиноёқликлар (Arthropoda) синфи-данлиги равшан. Ҳикоя бошида қайд этилган «беҳисоб оёқчалар» олтитадан ортиқ бўлса, зоология нуқтаи назаридан Грегор қумурс-қа эмас. Аммо менинг ўйлашимча, чалқанча ётган ҳолда уйғонган ва ўзидаги хавода қимирлаб турган оёқчаларни кўрган одам олти-тани «беҳисоб» дейиши мумкин. Шунинг учун Грегорнинг олти-та оёқчаси бўлган ва у қумурсқа деб тасаввур қилайлик.

Навбатдаги савол: қанақа қумурсқа? Шарҳловчилар «сува-рак» дейишади, бу, табиийки, маънисиздир. Суварак — ясси, оёқчалари йирик ҳашарот, Грегор эса тепа ва паст, орқа ва

корин томонидан кабарик, оёкчалари кичик. У суваракка бир томондан ўхшаш: кўнғиртус. Тамом — вассалом. Айни пайтда унинг улкан текис бўлакланган кабарик қорни, қаттиқ ёйсимон орқа томони бор, бу қанот устлари эканлиги фикрини туғдиради. Кўнғизларнинг қанот устлари остида шилимшиқ қанотчалари яширинган бўлиб, кўнғиз уларни чиқариб, беўхшов парвозда кўплаб километрни босиб ўта олади. Шуниси қизиқки, кўнғиз Грегор орқасидаги қаттиқ қоплама остида қанотлари борлигидан бехабарлигича қолди. (Бу менинг томонимдан жуда назик кузатув ва сиз буни бутун умрингиз давомида қадрлайсиз. Айрим Грегорлар, айрим Жонлар ва Женнилар қанотлари борлигини билмайдилар). Бундан ташқари, Грегорнинг қаттиқ жағлари бор. У бу жағлари ёрдамида орқа оёкчаларида (учинчи, қучли жуфт оёкчаларида) қаддини ростлаб, қулфдаги қалитни бурайди. Шу тариқа биз унинг танасининг узунлиги — бир метр чамаси — ҳақида тасаввур ҳосил қиламиз. Ҳикоя давомида у аста-секин ўз оёкчалари ва гажакларидан фойдаланишга ўрганади. Бу — кўнғиртус, кабарик, ит қатталигидек анчайин семиз кўнғиз. Мен уни шундай тасаввур этаман.

Ҳикоянинг асл нусхасида кекса оқсоч уни *Mistkafer* — «гўнғхўр кўнғиз» деб атайдди. Кўнғилчан аёл бу таърифни дўстона муносабати сабаб қўшимча қилгани тушунарли. Расмийчасига у гўнғхўр кўнғиз эмас. У шунчаки қатта кўнғиз. (Шуни айтишим керакки, Кафка ҳам, Грегор ҳам бу кўнғизни равшан тасаввур қилмайдилар.)

Грегорнинг эврилишини синчиклаброқ кўриб чиқайлик. Бу ўзгариш лол қолдиради ва ларзага солади, бироқ биринчи қарашда унчалик ғалати эмас. Соғлом фикр юргизадиган шарҳловчи Пол Ландсберг (*Paul L.Landsberg, «The Kafka Problem ed angel Flores», 1946*) қуйидагиларни таъкидлайди: «Нотаниш вазиятда уйқуга кетиб, уйғонганимизда биз кўп ҳолларда меровлик, хаёлий ҳиссиётлик онларини бошдан кечирамай, коммивояжернинг борлиқ узлуксизлигини ҳар қандай ҳолда ҳис этишини яқсон қиладиган турмуш тарзи ҳисобга олинмаган бўлса, унда бундай ҳол кўп марта содир бўлиши мумкин». Воқелик ҳисси узлуксизлик, давомийликка боғлиқ. Аслини олганда, кумурска ёки Наполеон, Жорж Вашингтон бўлиб уйғониш орасида унчалик қатта фарқ йўқ. (Мен Бразилия императори бўлиб уйғонган кимсани танирдим.)

Бошқа томондан, яккаланиш, воқелик деб аталувчи нарсанинг ғалатилиги — ижодкор, даҳо, йўл бошловчининг доимий ҳамроҳидир. Хаёлий кўнғиз атрофидаги Замза оиласи — даҳо-ни ўраб турган ўртамиёна кимсалардан бошқа ҳеч нарса эмас.

БИРИНЧИ ҚИСМ

Энди таркиб хусусида гапирмоқчиман. Биринчи қисмни етти саҳнага ёки кўринишга бўлиш мумкин:

I саҳна. Грегор уйғонади. У ёлғиз. У кўнғизга эврилиб бўлди, бироқ инсоний таассуротлар ҳали кумурсқанинг янги инстинктлари билан уйқаш. Саҳна охирида ҳозирча инсоний вақт омили киритилади.

«У сандик устида чикиллаётган соатга қаради. «Э, худо!» — нидо қилди у. Вақт етти ярим бўлган, соат миллари илгарилашда давом этар, ҳатто етти яримдан ҳам ўтган, салкам чорак кам саккиз бўлганди. Наҳотки соат жирингламаган бўлса? Каравотдан қаралса, бонг уриш вақти соат тўртга тўғри ўрнатилганлиги кўриниб турарди; соат, шубҳасиз, жиринглаган. Лекин жавондаги идишларни ҳам жиринглатадиган бу кўнғирокқа қарамасдан бамайлихотир ухлайверганмикин? Афтидан у нотинч, жуда каттик уйқуда бўлган. Хўш, энди нима қилиш керак? Навбатдаги поезд соат еттида кетади; унга улгуриш учун роса шошилиши керак, ҳолбуки мовут намуналари жойланмаган, ўзини ҳам сафарга йўл оладиган даражада ҳис этмаяпти. У ҳатто поездга улгурганда ҳам хўжайиндан тоза дашном эшитиши аниқ — чунки савдо уйининг мол тарқатувчиси соат бешдаги поезд бекатида навбатчилик қилган ва хўжайинга у — Грегор кеч қолганлигини хабар қилган. Бетоб бўлиб қолдим деса бўлмасмикин? Бироқ бу ниҳоятда кўнғилсиз ва шубҳали бўларди, зеро, беш йиллик хизмати даврида Грегор ҳали бирор марта касал бўлмаган. Хўжайин, албатта, касалхона кассаси врачини олиб келган ва ота-оналарини дангаса ўғлининг қилмишини юзларига солган, дунёдаги ҳамма одамлар соппа-соғ, улар фақат ишлашни хоҳлашмайди, деган фикрида собит бу врачни рўқач қилиб, барча эътирозларни рад этган бўларди. Ахир, бугунги ҳолда хўжайин ҳақ эмасми? Чунки бундай таажжубланарли узоқ уйқудан кейинги мудрокни ҳисобга олмаса, Грегор чиндан ҳам ўзини жуда тетик ҳис этар ва ҳатто ниҳоятда очикқан эди».

II саҳна. Оиланинг уч аъзоси Грегорнинг эшигига кириш йўлаги, меҳмонхона ва сингисининг хонаси томонидан тақилла-

тишади ва у билан гаплашадилар. Уларнинг ҳаммаси — харом-товок, Грегорни эксплуатация қилишади, ичидан кемиришади. Бу — кўнғиз хис қилаётган кичиманинг инсоний номидир. Сотқинлик, шафқатсизлик ва пасткашлиқдан қандайдир ҳимояга эга бўлиш истаги аввал метиндек ва ишонарли туюлган, аммо пировард натижада ўзининг илгариги ҳаста инсоний вужуди ва рухи каби ожизлиги билиниб қолган қобилида мужассамлашган. Бу уч текинхўрнинг қайси бири — отаси, онаси ёки синглиси энг шафқатсиз? Даставвал бу отасидек туюлади. Лекин бу ерда энг ёмони у эмас, балки Грегор ҳаммадан ҳам яхши кўрган ва ҳикоя ўрта-сида, мебель билан боғлиқ сахнада унга хиёнат қилган синглисидир. Иккинчи сахнада эшиклар мавзуси пайдо бўлади:

«...каравоти бош томонидаги эшикни эҳтиёткорлик билан чертишди.

— Грегор, — таниш овоз эшитилди (бу онаси эди), — чорак кам етти бўлди. Ахир сен жўнаб кетмоқчи эмасмидинг?

Қандай меҳрли товуш! Грегор онасига қандай жавоб берганлигини эшитиб, кўркиб кетди, бу товуш, шубҳасиз, ўзига тегишли бўлса ҳам овозига қандайдир бошқа, тажанг, хастали чийиллаш қўшилиб кетган...

— Ха, ха, ойи, мен туряпман, — дея олди.

Ёғоч эшик ортида, афтидан, унинг товуши нақадар ўзгариб кетганлигини сезишади...

Бирок бу қисқа мулоқот оила бошқа аъзоларининг Грегор ҳали ҳам уйда эканлигига эътиборларини тортди ва мана, ён тарафдаги эшиклардан бирига отаси мушти билан секин тақиллата бошлади.

— Грегор! Грегор! — бақирарди у. — Нима бўлди? Бир неча лаҳзадан кейин у овозини пасайтириб, яна чақиришга тушди:

— Грегор! Грегор!

Бошқа яна бир ён эшик ортидан синглиси охиста ва ачинарли холда:

— Грегор! Мазанг қочдими? Бирор ёрдам керакмасми? — дерди.

Грегор уларнинг ҳаммаларига «Мен тайёр бўлдим» деб жавоб берар экан, хар бир сўзини аниқ талаффуз қилиш ва сўзлари орасида узокрок тин олиш билан товушидаги ғайритабиийликни сездирмасликка ҳаракат қилди. Отаси нонуштасини давом эттириш учун ортига қайтди, лекин синглиси шивирлашини давом эттирарди:

— Грегор, ўтиниб сўрайман, оч.

Лекин Грегор эшикни очишни хаёлига ҳам келтирмасди, у хизмат сафарларида ўрганиб қолган одати бўйича уйда ҳам кечаси эҳтиёткорлик билан барча эшикларни қулфлаб қўйганлигидан кўнгли таскин топганди».

III саҳна. Грегор азоб билан тўшакдан тушади. Бу жойда инсон режалайди, кўнғиз эса ҳаракат қилади: Грегор ҳали ҳам ўз танасини инсон гавдаси деб тасаввур қилади, аммо энди инсоннинг пастки қисми — кўнғизнинг орқа қисми, инсоннинг юқори қисми — кўнғизнинг олди қисми бўлиб қолган. Грегорга олтига оёқда турган кўнғиз тўрт оёқлаб эмаклаётган одамга ўхшаш туюлади ва бу янглишида сабот билан орқа оёқларида қаддини ростлашга уринади.

«Аввал у тўшакдан танасининг паст томони ёрдамида кўтарилмоқчи бўлганди, бироқ бу ҳали кўрмаган ва қандайлигини тасаввур ҳам этолмайдиган қисми камҳаракат экан. Бу уриниши жуда секин кечарди, бундан ғазабланган Грегор таваккалига олдинга ташланганди, мўлжални нотўғри олган экан, каравотнинг сим панжараларига урилди ва санчиқли оғрик ҳозир танасининг пастки томони, эҳтимол, энг сезгир эканлигига ишонч ҳосил қилди...» Лекин кейин у ўзига деди: «Соат чорак кам саккизга бонг чалишидан аввал нима қилиб бўлса ҳам каравотни узиш-кесил тарқ этишим керак. Айтганча, бунгача идорадан мени йўқлаб келишса керак, чунки идорада соат еттида иш бошланади». Ва у танасини бутун узунлигича бир текис тебратиш, каравотдан итарилиб тушишга ҳаракат қила бошлади. Агар у каравотдан шу ҳолида йиқилиб тушганида, афтидан, қулаётган пайтида бошини даст кўтарса, майиб қилмасди. Орқаси анчайин каттиқка ўхшарди; гиламга тўнтарилса, эҳтимол, унга ҳеч нарса бўлмасди. Ҳаммадан ҳам уни гавдаси гурсиллаб йиқилиши ва бу эшик орқасидагиларни агар даҳшатга туширмаса-да, ҳар ҳолда ҳавогир уйғотиши мумкинлиги ҳақидаги ўй ташвишга соларди. Аммо нима бўлганда ҳам бунга азм этиш керак эди...

Аммо у эшик қулфланган бўлмаганда ҳам ҳақиқатан қимнидир кўмаклашиб юборишга чакирармиди? Бошига тушган қулфатга қарамасдан ўзи бу тусмолидан қулиб юборишдан ўзини тия олмади».

IV саҳна. У ўрнидан туриш билан овора экан, яна оила — кўп эшиклар мавзуси пайдо бўлади ва шу саҳна давомида у ниҳоят каравотдан полга қулайди. Бу жойда музокаралар юнон фо-

жиалари хорини ёдга салади. Грегор нимага вокзалга келмаганини аниқлаш учун фирмадан бошқарувчини юборишади. Бу совуқкон хизматчини текширишнинг мудҳиш шиддати ёмон тушнинг барча белгиларига эга. Яна, иккинчи саҳнада бўлганидек, барча музокаралар эшик ортидан бўлади. Уларнинг изчиллигига эътиборни қаратайлик: бошқарувчи чапдаги меҳмонхонада туриб гаплашади; синглиси Грета акаси билан ўнгдаги хонада туриб суҳбатлашади; онаси билан отаси меҳмонхонадаги бошқарувчига қўшилишади. Грегор ҳали гапиришга қодир, лекин унинг овози тобора ўзгариб, кўп ўтмай тушуниб бўлмайдиган даражага етади. (Жойсининг бундан йигирма йил кейин битилган «Финненганнинг жанозаси»да икки кир ювувчи дарё узра гаплашишади ва аста-секин йўвон қайрағоч ва тошга айланиб қолишади.) Грегор чапдаги хонадаги синглиси нимага бошқалар олдига бормаганини тушунмайди. «Афтидан, у ҳозиргина тўшагидан турган ва ҳатто кийинишга ҳам улгурмаган. Аммо нима учун у йиғлади? У турмаяпти ва бошқарувчини хонасига киритмаяпти, у ишини йўқотиши мумкин, чунки бу ҳолда хўжайин яна ота-онасини эски талаблари билан сиқувга олишни бошлайди». Бечора Грегор факатгина оиласи томонидан ишлатиладиган асбоб бўлишга одатланиб қолганки, шафқат масаласи кўтарилмайди: ҳатто Грета унга ачинишига ҳам умид бўлмамайди. Она ва қиз қулфлок Грегор хонаси узра гаплашишади. Синглиси ва оқсочни врач ва чилангарни чақириб келишга юборишади. «Грегор эса анча тинчланиб қолди. Тўғри, унинг гапларини энди тушунишмаётганди, холбуки ўзи учун овози тиник, ҳатто аввалдагига қараганда ҳам тиниқроқ туюларди, эҳтимол, қулоғи бунга ўрганиб қолган бўлса керак. Лекин энди у билан ғалати ходиса рўй бераётганига ишонишди ва унга ёрдам беришга тайёр эдилар. Биринчи фармойишларнинг дадил ва қатъийлик билан берилганлиги унга яхши таъсир қилди. У яна ўзини одамлар билан биргаликда сезар, врач ва чилангардан — уларни биридан фарқламаздан — ғаройиб ишларга қодирликни кутарди».

V саҳна. Грегор эшикни очади. «Грегор стул билан эшик томон аста силжиди, стулни қўйиб юбориб, эшикка осилди, унга тик ҳолда қапишди — оёқчаларидаги панжаларининг ёстикчаларида қандайдир ёпишқоқ модда бор эди — бу астойдил уринишлардан кейин бироз нафасини ростлади. Шундан сўнг оғзи билан қулфдаги қалитни бурашга тушди. Афсуски, афтидан, унда ҳақиқий тишлар йўққа ўхшайди — қалитни нима билан ушлаб

олса экан? — бироқ жағлари жуда бақувватга ўхшайди; улар ёрдамида калитни ҳақиқатан ҳам қимирлата бошлади, у бу билан ўзига жароҳат етказаетганига парво қилмасди: чунки оғзидан қандайдир қўнғир суюқлик чиқиб, калитга ва полга оқа бошлаганди... Эшик шу тариқа очилганлиги учун у деярли ланг ҳолда бўлса ҳам ўзи кўзга ташланмаётганди. Аввал у эшикнинг бир қаватини аста айланиб ўтиши керак эди, хонага кириш бўсағасида йиқилиб тушмаслиги учун эса уни ўта эҳтиёткорлик билан айланиб ўтиш талаб қилинарди. У бу жуда мушкул силжиш билан овора бўлиб, шошилганидан ҳеч нарсага эътибор қилмаётганди, бирдан бошқарувчининг «Вой!» деб бақирганини эшитди — бу шамол увиллашига ўхшарди — ва бошқарувчининг ўзини кўрди: у эшикка ҳаммадан яқин турар, уни қандайдир кўринмас, енгилмас куч қуваётгандек кафтини очик оғзига босганича орқасига тисариларди. Онаси — бу ерда бошқарувчи борлигига қарамасдан, сочлари турмагини тунда ечиб юборганича, тўзғитиб турар — аввал қўлларини сикиб, отасига боқди, кейин Грегор томон икки қадам қўйиб, юбқасига ўралашган, бошини кўксига қўйган ҳолда тўнтарилди, шунинг учун у деярли кўринмасди. Отаси Грегорни хонасига итариб киритмоқчи бўлгандек, муштини таҳдидли қисди, кейин меҳмонхонани беҳуш нигоҳидан ўтказди, кўзини қўллари билан тўсиб, йиғлаб юборди ва унинг бақувват яғрини титрай бошлади».

VI саҳна. Грегор ишдан қувилишидан кўрқиб, бошқарувчини тинчлантиришга уринади.

« — Хўш, энди, — деди Грегор фақат ўзигина хотиржам эканлигини жуда яхши англаган ҳолда, — ҳозир кийинаман, намуналарни йиғиштираман ва йўлга тушаман. Сиз менинг жўнашимни хоҳлайсизми, айтинг, хоҳлайсизми? Мана, жаноб бошқарувчи, кўриб турибсизки, мен ўжар эмасман, мен маъза қилиб ишлайман; сафарлар мени толиқтиради, лекин мен ҳаётимни сафарларсиз тасаввур эта олмайман. Қаёққа кетяпсиз, жаноб бошқарувчи? Идорагами? Тўғрими? Сиз хўжайинни ҳамма нарсадан хабардор қиласизми? Баъзан одам ишлай олмайдиган ҳолда бўлади, аммо шундай пайтда келажакда хатоларингни тўғрилаш учун янада эътиборлироқ ва сидқидилдан ишлаш умидида аввалги ютуқларингни ёдга олишнинг айни вақтидир». Лекин бошқарувчи даҳшатда ва ларзага тушган ҳолда зинапоя томон тисариларди. Грегор унинг ортидан — шу жойда ажойиб тасвир — орқа оёқларида ташланади, лекин «ўзи учун таянадиган жой излар экан, шу заҳотиёқ ожиз кичкирик билан барча панжа-

лари устига тўнтарилди. Бу рўй берган захоти гавдасига тонгдан буён биринчи марта кулай бўлди; панжаларининг ости қаттиқ эди; панжалари, хурсандчилик билан қайд қилди у, ажойиб тарада унга бўйсунарди; ҳатто қаерга боргиси келса, ўзлари гавдасини ўша жойга элтишга интилардилар ва у яқин орада ўзининг азоблари узил-кесил тугайди деган қарорга келганди». Онаси сакраб туради, ундан тисарилар экан столдаги қахва солинган идишни тўнтариб юборади, қахва гиламга оқади.

« — Ойи, ойи. — шивирлади Грегор ва унга қаради.

Бир лаҳза у бошқарувчини мутлақо ёддан чиқарганди; аммо тўкилаётган қахвани кўриб, ўзини ушлаб туролмади ва бир неча бор талвасаланиб нафас олди. Уни кўрган онаси яна кичкириб юборди, столдан сакраб тушиб, ўзи томон талпинган отасининг бағрига йиқилди. Бирок ҳозир Грегорнинг ота-онаси билан машғул бўлиши учун вақти йўқ эди; бошқарувчи зинапоёга кадам қўйганди; у иягини зинапоя панжарасига тираб, орқага сўнги, видолашувчи нигоҳ ташлади. Грегор унга етиб олмоқчи бўлиб югурмоқчи бўлди; лекин, афтидан, бошқарувчи унинг ниятини сезиб қолди, бир неча зинапояларни хатлаб ўтиб, ғойиб бўлди. У фақат «Фу!» дея ҳайкирди ва бу овоз зинапоя узра тарқалди».

VII саҳна. Отаси қўполлик билан, оёқлари билан полни тепкилаб, бир йўла газета ва асони силкитиб, Грегорни ўз хонасига ҳайдай бошлади. Грегор эшикнинг бир қаватига сикмасди, аммо отаси бостириб келишда давом этаётганлиги учун уринишларини тўхтатмайди ва эшикка тикилиб қолади. «Унинг танасининг бир томони кўтарилиб қолди, кейин остонага қия ҳолича йиқилди, бир биқини жуда қонталаш бўлиб кетди, оқранг эшикда эса жуда хунук қон излари қолди; кўп ўтмай у бу ерга тикилиб қолди ва энди олдинга мустақил силжий олмасди; панжалари бир биқинида титраганча осилиб қолди, иккинчи томони полга оғрикли қапишганди. Шунда отаси бутун қуч билан унинг орқасига тепди ва Грегор қонга беланган ҳолда хонасига учиб тушди. Эшикка таёк сукиб, маҳкамлаб қўйишди ва ниҳоят оракиб қутилган сукунат чўқди».

ИККИНЧИ ҚИСМ

I саҳна. Каттиқ қанотли Грегорни овқатлантиришга биринчи уриниш. Унинг ҳолати — жирканч, лекин умидсиз бўлмаган, вақти келиб ўтиб кетадиган касаллик тури деган ўйда

аввал Грегорга хаста бемор пархези — сут таклиф қилишади. Бизга ҳамма вақт эшиклар хақида эслатиб туришади — улар коронғуликда оҳиста очилиб ва ёпилиб турилади. Ошхонадан кириш йўлакчаси оркали унинг эшиги томон синглизининг енгил одимлари яқинлашади ва уйғонган Грегор хонасига сут куйилган идишни қўйишганини кўради. Отаси билан тўқнашувда унинг бир оёқчаси лат еган; у тузалапти, лекин бу сахнада Грегор оқсаб, оёғини полда судрайди. Грегор — катта кўнғиз, бироқ одамдан кичик ва одамга нисбатан мўртрок. У сут идиши томон боради. Таассуфки, унинг ҳали ҳам инсоний ақли юмшоқ оқ нон тўғралган сутни маза килиб ичиш фикрида, кўнғизнинг қорни ва таъм сезгирлари сут эмизувчиларнинг емишини қабул қилмайди. У жуда очикқан бўлишига қарамасдан сутдан жирканиб, хона ўртасига қайтиб кетади.

II сахна. Эшиклар мавзуси давом этади ва давомийлик мавзуси бошланади. Биз 1912 йилнинг бу хаёлий кишида Грегорнинг кунлари ва тунлари қандай ўтиши, у диван остида ўзига паноҳ топишининг гувоҳи бўламиз. Аммо келинг, Грегор билан биргаликда қия эшик тирқишидан чап томондаги меҳмонхонада нима бўлаётганлигини кузатайлик. Отаси аввал хотини ва синглизига овоз чиқариб газета ўқиб берарди. Хозир бу нарса йўқ, квартирада аввалгидек одамлар яшаётган бўлса ҳам сукут ҳукмрон; лекин оила, умуман, вазиятга кўника бошлайди. Уларнинг фарзанди, акасида даҳшатли ўзгариш рўй берди; бундай ҳолатда қайғудан ўзини йўқотиш, кўчага югуриб чиқиб, вой-дод кўтариш ва йиғи-сиғи билан ёрдам сўраш зарурга ўхшаб кўринарди — аммо бундай эмас, бу уч калтафаҳм ҳеч нарса бўлмагандек, бамайлихотир яшашда давом этмоқда.

Билмадим, сиз икки йил аввал газеталарда навнихол киз ёш йигит билан ўз онасини ўлдиргани хақидаги хабарни ўқиганмикинсиз. Бу воқеа худди кафкача сахна каби бошланади: она уйига қайтади, кизини ёш йигит билан ётоқхонада қўлга туширади ва йигит онага бир неча бор болға билан туширади, кейин уни судрай бошлайди. Аммо она ҳали жон талвасасида, нидо қилади ва йигит кизга: «Болғани узат. Унга яна бир марта тушириш керак», дейди. Киз унга болға ўрнига пичоқ беради ва йигит онага кўп марта пичоқ санчади; эҳтимол, бу кулгили фильм: одамни чала-жон қилишмоқда, у жуда кўп юлдузчалар ва ундов белгиларини кўради, лекин кейин — навбатдаги қисмда тирилади. Бироқ жисмоний ҳаётда навбатдаги қисм йўқ ва киз билан йигит онани

бирон жойга даф қилишлари керак. «Ох, оҳак, бу уни батамом эритиб юборади!» Албатта эритиб юборади, ажойиб фикр — она ни ваннага ташлаш ва устига оҳак тўлдириш керак, хаммаси имижимида бўлади. Она оҳакка кўмилиб ётар экан (беҳуда ётибди, афтидан, оҳак бошқача бўлса керак), киз ва йигит пиво билан зиёфатни бошлаб юборишади. Накадар шодиёналик! Ажойиб муסיқали пластинкалар, банкада ажойиб пиво. «Фақат, ёшлар, ваннахонага кирманг. Ваннахонада ким билади нима бўляпти».

Мен сизга ҳақиқий вокелик деб аталмиш ҳаётда баъзан Кафка ҳикоясидаги вазиятга жуда ўхшаш нарсаларга дуч келишимиз мумкинлигини кўрсатишга ҳаракат қиляпман. Кафкадаги квартираларига фантастик даҳшат жойлашиб олганига қарамасдан, оқшом газетасидан марокланишаётган бу тентакларнинг рухий хусусиятига эътибор беринг. «Оиламиз қанчалар сокин ҳаёт кечиради-я», — деди ўзига-ўзи Грегор ва коронгуликка кўз тикканича, ота-онаси ва синглиси учун ана шундай ажойиб квартирада шундай турмуш кечиришларини таъминлагани ҳақидаги фикридан олий ғурурни хис этди». Хона катта ва бўм-бўш, қўнғиз аста-секин Грегордаги инсонийликни сиқиб чиқаради. «...полда чўзилиб ётишга мажбур бўлаётган баланд шифтли бўм-бўш хона уни ваҳимага соларди; у бу хонада мана беш йилдан буён яшаётган бўлса ҳам қўркинчининг сабабини билмасди; у деярли ўзига ҳисоб бермаган ҳолда ўгирилиб, ҳеч уялмай, шошилиб диван остига ўрмалади, бу ер унинг учун тор, орқаси бироз қисилганлиги, бошини кўтара олмаслигига қарамасдан ўзига қулай эканлигини дарҳол хис қилди, фақат диван остида тўла ўрнашиб олиши учун танаси жуда кенглигидан афсусланди».

III сахна. Синглиси Грегорга танлаб олиши учун турли емак олиб келади. У сут солинган идишни қайтариб олиб чикиб кетади, бироқ идишни қўли билан эмас, латтада ушлайди, чунки унга жирканч маҳлук тегинилган. Бироқ синглиси ақллигина, унга ҳар хил — чирий бошлаган сабзавотлар, эски пишлок, қотиб қолган оқ соус билан қопланган суяк келтиради. Грегор ташланади. «У бир зумда ҳузур қилаётганидан ёшланган кўзлари билан кетма-кет пишлок, сабзавотлар, соусни паккос туширди; янги тайёрланган таом, аксинча, ёқмади, ҳатто унинг ҳиди ҳам бадбўй туюлди ва емоқчи бўлган бўлақларини бу таомлардан нарига судраб кетди». Синглиси у четланиши кераклигини сездириш учун қулфдаги қалитни оҳиста бурайди, кейин хонага кириб, бу жойни тозалайди, емакдан шиширинган Грегор эса диван остига яширинади.

IV саҳна. Синглиси Гретанинг роли кучайиб боради. У кўнғизни бокади; унинг бир ўзи Грегорнинг инига «ух» тортиб, оиласи христианлиги сабаб баъзан авлиёларга илтижо қилиб киради. Ажойиб лавҳа: оксоч аёл Грегорнинг онаси олдида тиз-за чўкиб, унинг жавобини беришларини илтижо қилади. У кўзида ёш билан хизматдан бўшатганлари учун, чексиз миннатдорчилик билдирди ва ҳеч ким талаб қилмаса ҳам, Замзала оиласида рўй берган нарсаларни бировларга айтмасликка дахшатли олт ичади. «Грегор емакни хар куни шу тарзда — бир сафар ота-онаси ва хизматкорлари хали уйқуда бўлган тонгда, иккинчи марта эса ота-онаси яна мизғиб олиш учун ётган, синглиси хизматкорларни бирор топширик билан уйдан жўнатган чошгоҳда оларди. Улар ҳам Грегор очликдан ўлиб қолишини истамасди, албатта, лекин уларга Грегорни овқатлантиришнинг тафсилотларидан хабардор бўлиш, афтидан, чидаб бўлмайдиган даражада оғир туюларди ва, эҳтимол, синглиси уларни ҳеч бўлмаса бу азоблардан халос қилмоқчи бўларди».

V саҳна. Мудҳиш кўриниш. Грегор инсон бўлган пайтида оиласи уни алдаб келганлиги ошкор бўлади. У бу беҳаловат хизматга беш йил аввал мол-мулки совурилган отасига ёрдам бериш мақсадида кирган. «Бунга ҳамма — оиласи ҳам, Грегорнинг ўзи ҳам кўникиб қолди; ундан пулни миннатдорчилик билан олишарди, у ҳам бажонидил берарди, лекин ўша олдинги алоҳида илиқлик бошка пайдо бўлмасди. Фақат синглисигина барибир Грегорга меҳрини сақлаб қолди: у ўзидан фарқли ўлароқ мусикани жуда яхши кўриши ва скрипкани таъсирчан чалиши учун Грегордан катта чиким талаб этиши ва бу харажатларни нималарнидир ҳисобига қолаши зарурлигига қарамасдан келгуси йил консерваторияга жойлаб қўйиш пинҳона режаси бор эди. Грегор ўз шаҳрида киска вақтгагина ушланиб қолган пайтларда синглиси билан суҳбатларида тез-тез консерватория хақида гап очиларди, аммо бунга ҳамиша ажойиб, эришиб бўлмайдиган орзу сифатида қараларди, лекин бу шунчаки гаплар ҳам ота-онасининг норозилигига сабаб бўларди; шунга қарамасдан Грегор консерватория тўғрисида аниқ қарорга келган ва бу ниятини рождество арафасида тантанали эълон қилмоқчи эди». Энди эса Грегор отаси гапларидан «барча қулфатларга қарамасдан ўша эски замонлардан тузуккина сармоя сақланиб қолганлиги, олинадиган фозларга тегилмаганлиги учун бу маблағ йиллар даво-

мида бирмунча кўпайганлигини ҳам бутун тафсилотлари билан» вокиф бўлади. «Грегор эшик ортида турар экан, бундай кутилмаган эҳтиёткорлик ва тежамкорликдан қувонганидан бошини хадеб ликиллатарди. Умуман олганда, бу ортиқча пуллар билан у отаси қарзининг бир қисмини тўлаши ва ўз хизматидан воз кечиш эркига эга бўладиган кунни яқинлаштириши мумкин эди, бироқ отаси пулларни худди шундай ишлатганлиги сўзсиз яхшироқ бўлиб чиқди». Оиласи бу пулларни қора кунларга асраб қўйиш керак деб ҳисоблайди, аммо унда тирикчилик учун қаердан пул топишади. Отаси беш йилдан бери ишламайди ва ундан умид кам. Онаси бўлма касаллигидан азият чекади ва пул ишлаб топишга ҳоли йўқ. «Ёки, эҳтимол, ўн етти ёшида хали боладек ва шу пайтгача яшаб келаётганидек, — нафис кийиши, тўйгунча ухлаш, хўжалик ишларида кўмаклашиш, қандайдир камтарона кўнгилочарликларда иштирок этиш ҳамда, энг аввало, скрипка чалиш тарзида турмуш кечиришга тўла ҳуқуқи бўлган синглиси пул ишлаб топиши даркордир? Бу пул ишлаб топиш зарурати ҳақида гап очилганда Грегор ҳамиша ёпишиб олган эшикни қўйиб юборар ва ўзини совуқ чарм диванга отарди, чунки у уят ва алам гулханида ўт бўлиб ёнарди».

VI саҳна. Ака ва сингил ўртасида бу сафар эшик билан эмас, балки дераза билан боғлиқ янги муносабатлар пайдо бўлади. Грегор «кучини аямай креслони дераза ёнига сурар, дераза тоқчасига чиқиб, креслога таянган ҳолда ойнага юзини қўярди. Бу авваллари, деразадан қараётганда ўзини чулғаб олган эркинликка эришиш тўғрисидаги хотираларига ўхшаб кетарди». Грегор ёки Кафка, эҳтимол, Грегорнинг деразага интилиши инсоний хотиралар билан боғлиқ деб ҳисоблашади. Амалда эса бу ҳашаротнинг одатий ёруғликка интилишидир: дераза тоқчасида ҳамиша турли чанг босган ҳашаротларни — оёқлари тепадаги капалак, тўрга ўралашган кўнғизча, вижиллаб ўзини ойнага ураётган пашшани учратасан. Грегорнинг инсоний кўзи ожиз бўлиб боради, энди у кўчани нариги тарафидаги уйни ажрата олмай қолади. Қумурсканинг умумий ғояси инсоний чизгилардан устуворлик қилиб туради. (Лекин ўзимиз ҳашарот бўлмайлик. Аввал хикоянинг ҳар бир унсурини ўрганайлик; биз ҳамма зарур маълумотларга эга бўлганимиздан кейин умумий ғоя ўз-ўзидан таркиб топади.) Синглиси Грегорда инсоний қалб, инсоний хис, одоб тўғрисидаги тушунча, итоаткорлик, кўнгилчан

гурур сақланиб қолганлигини тушунмайди. Синглиси тўғри дераза томон югуриб, тоза хаводан нафас олиш учун уни шовкин билан ланг очади, хонадаги бадбўйликка токат қила олмаслигини яшириб ҳам ўтирмайди, бу билан акасини жуда огринтиради. «Бир кун — Грегорнинг ҳозирги ҳолига эврилишига бир ойга яқин вақт бўлганди ва демак, синглисининг унинг бундай кўринишдалигига ажабланишига алоҳида бир сабаб йўқ эди — синглиси одатдагидан эртарок келиб, Грегорни дахшатли турқда дераза олдида ташқарига қимирламай қараб турган ҳолда кўрди...» Аммо «...синглиси хонага шунчаки кирмади, балки дарҳол ортига тисарилиб, эшикни қулфлаб қўйди; бу бегона одамга Грегор синглисини пусиб тургандек ва тишлаб олмоқчи бўлгандек туюлиши мумкин эди. Грегор, албатта, шу захотиёқ диван остига яшириниб олди, лекин унга синглисининг қайтиб келишини чошгоҳгача кутишга тўғри келди ва синглиси қайтиб келганда унда қандайдир тушунарсиз ҳадиксираш сезиларди». Бу унга азоб берарди ва ҳеч ким бу қандай уқубат эканлигини билмасди. Грегор ғайриодатий сезгирлик кўрсатиб ва синглисини жирканч манзарадан «халос қилиш учун бир кун чойшабни елкасида диванга олиб ўтди — бу ундан тўрт соат вақт талаб қилди — ва уни ўзини диван остида бутунлай кўринтирмайдиган, ҳатто синглиси эгилиб қараганда ҳам кўра олмайдиган тарзда ёйиб қўйди...». Грегор ҳатто «...синглиси ушбу янгиликни қандай қабул қилганлигини кўриш учун боши билан чойшабни эҳтиёткорлик билан кўтарганида унинг миннатдорчилик нигоҳини пайқади».

Қаранг, у нақадар ажойиб ва меҳрли, бизнинг бечора кичиккина махлуқимиз. Танасини ўзгартирган, аянчли ҳолга келтирган кўнғизга эврилиш унинг инсоний фазилатларини янада ёркинроқ акс эттирганга ўхшайди. Унинг аянчли бахтсизлиги манзарасидаги ниҳоятда камсуқумлиги, яқинлари тўғрисидаги доимий ғамхўрлиги айниқса бўртиб кўринади. Кафканинг маҳорати ҳам бир томондан, унинг Грегорнинг энтомологик белгилари, кумурска кўринишининг барча ғамгин тафсилотларини жамлаб бориши, бошқа тарафдан, китобхон кўз ўнгида унинг нозик инсоний калбини очик ва жонли тасвирлашида намоён бўлади.

VII саҳна. Мебель жойларини ўзгартиришмоқда. Орадан икки ой ўтди. Шу пайтгача унинг олдида фақат синглиси кирарди; лекин, дейди ўзига Грегор, у хали бола ва фақат болалик енгилтаклиги учун мен тўғримда ғамхўрлик қилишни зиммасига

олган. Онаси, эҳтимол, вазиятни дурустроқ тушунар. Ва ниҳоят, еттинчи саҳнада беқувват ва бефаросат, бўлма касалига дучор онаси биринчи марта унинг хонасига киради. Кафка бу саҳнани жуда хафсала билан тайёрлайди. Грегор кўнгилочарлик учун девор ва шифтга тирмашиб юришни одат қилган. Бу кўнгиз учун ҳузурларнинг энг олийсидир. «Синглиси Грегор ўзига янги кўнгилхушлик топганлигини дарҳол пайкади — чунки у чирмашиб юрганида ҳамма жойда ёпишқоқ модда изларини қолдирарди — ва унга бу машғулоти учун иложи борича кенгроқ жой қолдириш мақсадида хонада у чирмашиб юришига халакит берадиган мебелни, яъни, энг аввало сандиқ ва ёзув столини чиқариб ташлашга қарор қилди». Бунинг учун онаси ёрдамга чақирилган. Онаси эшик томон «ҳаяжонли ва қувончга тўла сўзлар билан» йўл олади, бирок бу сирли хонага кирганда ана шу беўрин ва беихтиёр ҳиссиёт маънодор сукут билан алмашади. «Синглиси, албатта, аввал хонада ҳамма нарса жойида эканлигини текшириб чиқди, шундан кейингина бу ерга онасини киритди. Грегор ўта шошқалоклик билан чойшабни нижимлаб, у билан ўзини янада кўпроқ яширди; чойшаб диванга ҳақиқатан ҳам тасодифан ташлаб қўйилганга ўхшарди. Грегор, одатдагидек, чойшаб четидан бош сукиб қарамади: у бу сафар, онасини кўриш имкониятидан воз кечди, лекин у ниҳоят келганлигидан хурсанд эди.

— Киравер, у кўринмайди, — деди синглиси ва афтидан, онасининг қўлидан ушлаб етаклади».

Аёллар зил-залворли мебель билан оворалар ва шу жойда онаси анойи, аммо хайрли, мажолсиз, лекин ҳиссиёт тилга чиқарган инсоний фикр билдиради: «ахир биз мебелни олиб чиқиб кетар эканми, унинг бирон тарада яхши бўлишига умид қилмай қўйганлигимизни кўрсатмаймизми? Менимча, Грегор ўз ҳолига қайтганида хонада ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганлигини кўриши ва ўша қунларни тезроқ эсидан чиқариши учун уни аввал қандай бўлса, шундайлигича қолдиришга ҳаракат қилганимиз яхшироқ». Грегорда икки ҳис қурашмоқда. Кўнгизга яланғоч деворли бўмбўш хонада тирмашиб юриш ўнғайроқ: унга фақат бир нарса — ўша ўзи бекинадиган диванига ўхшаш бирон бошпана керак, бошқа инсоний қулайликлар ва безакларнинг даркорлиги йўқ. Аммо онасининг овози ёдига инсоний ўтмишини солади. Бахтга қарши синглиси ғалати мағрурликка берилган, ота-онасидан фарқли равишда Грегор билан боғлиқ ишларда ўзини билаётган деб ҳисоблайди. «Балки, бу масалада Гретага шу ёшдаги қизлар учун хос бўл-

ган, ўзига эрк беришининг ҳар бир имкониятидан ҳамisha қувониш ва Грегорга хозиргача бўлгандан ҳам кўпроқ хизмат қилиш учун унинг ҳолатини янада кўрқинчлироқ қилишга мажбур қилаётган жўшқин тасаввур ҳам ўз таъсирини ўтказган бўлиши мумкин». Бу жойда эътиборли урғу: эртақлардаги овсар ота-оналарига кўмондонлик қиладиган ҳукмдор, мустабид сингил, Золушканинг маррур сингиллари, кайғу ва чанг босган уйдаги саломатлик, ёшлик ва барқ очилган гўзалликнинг шафқатсиз рамзи. Аёллар охироскибат мебелни олиб чиқишга қарор қиладилар, аммо оғир сандикни кўзгагишнинг ўзи бўлмайди. Грегор дахшатли ваҳимада. Унинг ягона сеvimли машғулоти — гулпанжара билан буюмлар ясаб бўлган, гулпанжара эса сандикда.

VIII саҳна. Грегор кадрли гулпанжараси ёрдамида ясалган рамкадаги суратни кутқаришга ҳаракат қилади. Кафка ўз таъсир воситаларини хилма-хиллаштиради: кўнғиз ҳар гал оила аъзолари олдида янгича ҳолатда, янги жойда пайдо бўлади. Аёллар ёзув столини олиб чиқиш ҳаракатида бўлиб, Грегорни пайқашмаётганида у бекинган жойидан сакраб чиқиб, деворга тирмашади ва суратга — курук иссик қорни билан муздек ойнага ёпишади. Бу ишлардан онасидан наф йўқ ҳисоб, унинг ўзини кизи суяб туриши керак. Бутун ҳикоя давомида Грета кучли ва бардам, холбуки биргина унинг акасини эмас, ота-онасини ҳам тезда (олма отиш саҳнасидан кейин) оғир таҳликали ҳушдан кетишга айланишга таҳдид қиладиган телбали мудроқ боса бошлайди. Бақувват, ёшлик уфуриб турган Грета эса уларга суянчик бўлади.

IX саҳна. Гретанинг ҳаракатларига қарамасдан онаси Грегорни пайқади — «рангли гулкоғозларда катта-катта қоратир доғларни кўрди, осилиб турган Грегор эканлигини фаҳмлагунга қадар қулоқни тешадиган даражада: «Э, худойим, э, худойим!» — деб чинкирди, холдан тойган қўлларини керган холда диванга қулади ва қотиб қолди.

— Эх, Грегор! — кичкирди сингилси муштини кўтарган ва кўзларини чакнатган холда.

Бу Грегор махлукка айланиб қолганидан сўнг бевосита ўзига қаратилган биринчи сўзлар эди». Сингилси онасини ҳушига келтиришга бирон дорини топиб келиш учун меҳмонхонага югуради. «Грегор ҳам онасига ёрдам беришни хоҳларди — суратни кутқариш учун ҳали вақт етарли эди; лекин Грегор рамка ойнасига жуда қаттиқ ёпишиб қолгани ва ундан чираниб зўрға ажралди; кейин сингилсига худди аввалги вақтлардагидек бирон масла-

хат бериши мумкиндек кўшни хонага шошилди, бу ерда синглисининг орқасида туришга мажбур бўлди; дори солинган турли шиша идишларни кўздан кечираётган синглиси орқасига ўгирилди ва кўрқиб кетди; қайсидир шиша идишча полга тушиб синди; унинг парчаси Грегор юзини тилиб юборди, бутун танасига эса ўткир хидли дори сочилди; Грета бу ерда ортиқча ушланиб қолмасдан кўлига сиккан дориларни олиб, онаси олдига талпинди; кетаётиб эшикни оёғи билан ёпди. Эндиликда у, эҳтимол, ўзининг айби билан ажал чангалида турган онаси олдига боришдан маҳрум бўлганди; агар синглисини қувиб юбормайин деса, — синглиси эса онасининг олдида бўлиши зарур — у эшикни очмаслиги керак; бундан буёғига унга кутишдан бошқа илож қолмаганди; ва у, айбига иқрор бўлиб, ўзини ўзи жазоларди, сўнг ташвишли ҳолда судралишга тушди, ҳаммаёк: деворлар, мебелларнинг усти, шифтни айланиб чиқди, ниҳоят хона бўйлаб айлана бошлагач, ночор катта стол ўртасига кулаб тушди». Оила аъзоларининг ўзаро жойлашуви ўзгарди. Она (диванда) ва синглиси ўртадаги хонадалар; Грегор — чапдаги хонада, бурчақда. «Грегор ўз хонасининг эшиги олдига югуриб бориб, отаси кириш йўлакчасидан хонасига кирганида дарҳол уни кўриши, у шу заҳотиёк хонасига қайтиб кириб, ғойиб бўлишга тайёрлигини англаб етиши, уни орқага қувиш эмас, фақат эшик очилса кифоя қилиши деган қарорга келиши мумкинлигини ўйлаб, эшикка ёпишиб олди».

Х саҳна. Олма отиш. Грегорнинг отаси ўзгарган ва эндиликда у ўз кудратининг чўққисида. Ҳозир у аввалги, тўшақда чарчаб ётадиган, саломлашишга ишора қилиш учун қўлини аранг кўтара оладиган, сайр қилганда асога тиргалиб зўрға оқсаб юрадиган одам эмас. «Ҳозир унинг комати деярли тик, устида банк чопарлари киядиган, тилла сув югуртирилган тугмачали, яшил тусдаги хизмат мундири; баланд тик ёқаси устидан гўштдор кўш бақбакаси осилиб турарди; қора кўзлари сершоҳ кошлари устидан катъий ва жонли боқарди; одатда тўзғиган оқ сочлари сип-силлиқ таралган ва мой суртилганди. У афтидан, бирор банкнинг тилла сув югуртилиб ишланган белгиси бор фуражқасини хона бўйлаб ёйсимон кўринишда диванга улоқтирди ва қўлларини шимининг чўнтагига яшириб — бунинг натижасида унинг узун мундирининг этаги орқага қайрилиб қолди — юзи ғазабдан гезарган ҳолатда Грегор томон бора бошлади. Афтидан, унинг ўзи ҳам нима қилишни билмасди; лекин у оёқларини жуда баланд кўтарарди ва Грегор унинг пошнасининг катталигидан ҳайратга тушди».

Хамма вақтдагидек, Грегорни унинг чирмалашган оёкчаларига асло ўхшамайдиган инсон оёкларининг ҳаракати, катта, кенг кифтлари жуда кизиктиради. Бу ерда яна секинлаштирилган ҳаракат мавзуси пайдо бўлади. (Бошқарувчининг шовқин солиб қочиши ҳам секинлаштирилган ҳолда тасвирланганди.) Энди ота ва ўғил хонани секин айланишади. Ҳаракат шу қадар сустки, ҳатто таъкибга ҳам ўхшамайди. Отаси меҳмонхонада отишга бошқа нарсани тополмасдан ўғлини кизил олмалар билан тошбўрон қилишга киришган. Грегор ўртадаги хонага, ўзининг кумурска инига қувиб киритилган. «Секин отилган олмалардан бири Грегорнинг орқа томонига келиб тегди, аммо унга заҳмат етказмасдан думалаб кетди. Бирок шу заҳотиёк унинг кетидан отилган бошқа олма Грегорнинг танасида маҳкам қисилиб қолди. Грегор турган жойини ўзгартирса, қутилмаганда бошланган, чидаб бўлмайдиган даражадаги оғриқ юмшайдигандек нарироққа судралмоқчи бўлди; лекин бунинг ўрнига ўзини худди полга михлаб ташлангандек ҳис қилди ва ҳушидан кетар экан, чўзилиб қолди. У фақат хонасининг эшиги тарвақайлаб очилиб, меҳмонхонага нимадир деб бақираётган синглисидан ўзиб пастки, кийимдаги онаси — синглиси онаси ҳушидан кетганида нафас олишига осонроқ бўлсин деб уни ечинтириб кўйганди — отилиб кирганини; онаси отасининг олдига югуриб борганини ва ундаги боғичлари бўшаб кетган юбкалари бирин-кетин сидирилиб тушганлигини ва онаси уларга ўралашган ҳолда отасини кучоқлаб, бағрига ташланганлигини ва у билан бирлашиб кетиб — бу пайтда Грегорнинг кўзи кўрмай қолди — отасининг иякларини кафтлари билан ушлаб, ундан Грегорни омон қолдиришини илтижо қилаётганини эслаб қола олди, холос».

Бу иккинчи қисмнинг охири. Яқун ясайлик. Синглиси Грегорга очик душманона муносабатда бўла бошлади. Қачонлардир, эҳтимол, у акасини яхши кўргандир, лекин ҳозир Грегор унда ғазаб ва жирканчлик уйғотади. Замза хонимда ҳислар бўғма хасталик билан курашади. У анчайин механик она, ўғлини ўзича, сунъий тарзда яхши кўради; бироздан сўнг у ҳам ўғлидан воз кечишга тайёр эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Отаси, юқорида қайд қилинганидек, муайян хайбатли ва таҳдидли куч чўққисига етган. Аввал бошдан у ҳолсиз ўғлига жисмоний заҳмат етказишга ташна бўлган ва энди у томонидан отилган олма бечора кумурска Грегор танасида қисилиб қолди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

I саҳна. «Грегорга бир ойдан кўпроқ вақт азоб берган оғир жароҳат (олмани олиб ташлашга ҳеч ким журъат эта олмади ва у танасида бир эсдалиқдек қолди), бу оғир жароҳат, ҳозирги қайғули ва жирканч кўринишига қарамасдан, ҳатто отаси ҳам Грегор ҳар ҳолда ўз оиласининг аъзоси эканлигини, у билан душмандек муомала қилиш мумкин эмаслигини, балки оилавий бурч бўйича ундан нафратланмасдан, чидаш, фақат чидаш зарурлигини ёдига солди». Яна эшиқлар мавзусига ўтилади: кечқурунлари Грегорнинг қоронғу хонасидан ёруғ меҳмонхонага кирадиган эшиқни очик қолдиришади. Ана шу вазиятда яна бир нафислик бор. Аввалги саҳнада ота ва она ўта ҳаракатчан эдилар: ота пўрим хизмат кийимида серпуштлик ва мардлик рамзи бўлган кичик қизил бомбачаларни улоқтирган, онаси томоғи хасталигига қарамасдан чинакамига мебелни судраган. Аммо чўққига кўтарилгандан сўнг пасайиш, ожизлик бошланади. Отанинг ўзи тўкилиб кетиш ва мўрт қўнғизга айлланиш қиррасида турганга ўхшайди. Гўё бу очик эшиқ орқали ғалати нарсалар ўтаётгандай. Қўнғизга эврилиш хасталиги юқумли, у худди Грегордан отасига ожизлик, қўнғир доғлар, ифлослик билан бирга юққандек: «Отаси кечки овқатдан кўп ўтмай ўз креслосида ухлаб қоларди; онаси ва синглиси тинчликни сақлашга ҳаракат қилардилар; онаси ёруғлик тушаётган томон жуда букилиб, тайёр либослар магазини учун нафис ич кийимлари тикарди; магазинга сотувчи бўлиб ишга кирган синглиси, эҳтимол, қачонлардир тузукрок иш топиш умидида кечқурунлари стенография ва француз тили билан шуғулланарди. Баъзан отаси уйғонарди ва худди пинакка кетганлигини сезмагандек онасига: «Бугун сен яна жуда узок тикиясан-да!» — дерди, шундан сўнг яна уйқуга кетар, онаси ва синглиси бир-бирига қараб, ҳорғин қулишарди.

Отаси қайсарлик қилиб, уйда ҳам чопарлик хизмат кийимини ечишдан бош тортарди; унинг ҳалати илғакда бефойда осивлик турарди, отаси гўё хизматга шай тургандек ва фақат ўз бошлиғининг буйруғини кутаётгандек бош-оёқ кийиниб олган ҳолда ўз ўрнида мудрарди. Шунинг учун аввал бошдан ҳам янги бўлмаган хизмат кийими онаси ва синглисининг ҳарчанд уринишларига қарамасдан ўзининг қўрқамлигини йўқотганди. Шундай пайтлар бўлардики, Грегор бутун окшом давомида фақат қол устидаги ҳаммаёғи доғ, лекин хамиша тозалаб қўйилган ялтироқ тугмали кийимида

жуда нокулай ҳолатда, шунга қарамасдан бамайлихотир ухлашига қараб ўтирарди». Ухлаш пайти келганда, хотини ва кизининг ялиниб-ёлборишларига қарамасдан отаси ҳамиша жойига бориб ётишга кўнмасди. Нихоят аёллар унинг қўлтиғидан ушлаб, креслодан кўтаришарди. «У худди ўз вазнини эплашнинг уддасидан чиқа олмайётгандек, икки аёлга осилиб, секин ўрnidан кўзгалар, уларга ўзини эшик олдигача олиб боришларига рухсат берар, бу ерга етгач, аёллар нари туришларини кўрсатар ва нариёғига ўзи мустақил юра бошларди, лекин отасига тўшакка ётиб олишга ҳам кўмаклашиш учун онаси яна тикишини, синглиси — ёзувини шошилганча ташлашларига тўғри келарди». Отасининг хизмат кийими хайбатли, лекин анчайин ҳолдан тойган зикнанинг юпунини эслата бошлайди. Тинкаси қуриган хотин ва киз уни бир хонадан иккинчисига судрашлари керак, у ерда эса — тўшак.

II саҳна. Замза оиласининг парокандалиги давом этади. Оксочни ишдан бўшатишади ва унинг ўрнига, энг оғир ишларни бажаришга яғринли аёлни олишади. Шунга айтишим керакки, 1912 йилда Прагада уй юмушларини бажариш ва овқат тайёрлаш 1954 йилда Итакада бўлганидан анча мураккаб эди. Замзалар оила тақинчоқларини сота бошлашади. «Улар ҳозирги шароитларда ўзлари учун катталик қилаётган квартирани тарк этишнинг иложи йўқлигидан ҳамиша норози бўлишарди, бунга Грегорни бу ердан кўчириш халақит бераётганди. Лекин Грегор уларнинг бошқа ёкка кўчиб ўтишларига ўзи тўсқин бўлмаётганлигини тушунарди; уни ҳаво кириш учун тешикчалари бўлган бирор кутида осонгина олиб чиқиб кетиш мумкин эди; оилани квартираларини ўзгартиришдан тўла умидсизлик ва бирор танишлари ёки қариндошларида юз бермаган бахтсизликка улар рўпара бўлганликлари хақидаги ўйлар тўхтатиб турганди». Оила аъзолари тўлалигича ўзлари билан бандлар, уларнинг кучи фақат кундалик юмушларни бажаришга етади.

III саҳна. Грегор онгида сўнгги инсоний хотиралар гавдаланади ва улар оиласи хақида ғамхўрлик қилиш жонли эҳтиёжи билан тугилган. У ҳатто кизларга берилганини, аммо улар «унга ёки оиласига ёрдам кўрсатиш ўрнига безрайиб туришарди ва у ана шу шарпалар ғойиб бўлишганида қувонарди». Маъқур саҳна тўлалигича Гретага бағишланган, у энг асосий салбий қаҳрамон сифатида намоён бўлаётганлиги равшан. «Синглиси эндиликда Грегорга меҳрибонлик кўрсатиш тўғрисида ўйлаб ўтирмасдан, эрталаб ва кундузи ўз магазинига югуришидан аввал унинг хона-

сига бирон емакни оёғи билан тепиб киритар, кечкурун — Грегор уни еганлиги ёки, кўпинча бўладигандек, емакка хатто тегинмаганлигидан катъи назар, супурги билан йиғиштириб оларди. Энди синглиси томонидан хар кунни кечкурун шуғулланадиган хонасини тозалаш ниҳоятда тез кечарди. Деворлар ифлосланиб кетган, ҳаммаёқда чанг ва чиқинди уюмлари ётарди. Грегор синглиси пайдо бўлган дастлабки пайтларда, унга эътирозини сездирмоқчи бўлганидек, энг ифлос бурчакда ғужанак бўлиб оларди. Аммо hozир у шундай жойда хафталаб турса ҳам бу синглисига кор қилмаган бўларди; у чиқиндиларни акасида кам пайкамаётганди, синглиси уларга парво қилмасликка қарор қилганди. Айни пайтда синглиси, авваллари унга мутлако хос бўлмаган, hozир эса умуман бутун оилада одат тусига кирган аразчилик билан Грегор хонасини тозалаш фақат унинг, Гретанинг вазифаси бўлиши кераклигини назорат қилиб борарди». Бир гал онаси бир неча челақ сув сарфлаб (Грегор учун эса намлик жуда ёқимсиз) унинг хонасини астойдил тозалашмоқчи бўлганда антика оилавий жанжал кўтарилади. Синглиси хўнграб йиғлашга тушади, бунга ота-онаси аввал беҳол ажабланиб туришади, «кейин улар ҳам типирчилаб қолишди: отаси, аввал онасини хонани тозалашни қизига қолдирмаганини юзига сола бошлади; синглиси эса энди унга ҳеч қачон Грегор хонасини тозалашга руҳсат беришмайди деб бақирришга тушди; бу вақтда хаяжонланганидан ўзини мутлако бошқара олмай қолган онаси отасини ётоқхонага судраб олиб киришга уринарди; синглиси ўқиришдан жазавага тушган ҳолда мўъжазгина муштларини столга урарди; Грегор эса ғазабдан каттиқ вишилларди, чунки эшикни ёпиб қўйиш ва уни бу тўполон ва шовқиндан халос қилиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаётганди».

IV саҳна. Грегор билан яғринли хизматкор аёл ўртасида қизикарли муносабатлар ўрнатилади, оқсоч ундан чўчимайди, аксинча овунтиради. У хатто аёлга ёқади: «Буёқка келчи, гўнхўр кўнғизча!» — дейди у. Дераза ортида эса — ёмғир, эҳтимол, яқинлашаётган баҳор даракчиси.

V саҳна. Ижарачилар — батартиблик жиндилари бўлган уч соқолли пайдо бўлади. Улар механик мавжудотлар, кўркем соқоллари — никоб, амалда эса бу жиддий жаноблар — аблах ва муттаҳамлар. Ижарачилар ота-онасининг ётоқхонаси, мехмонхона чап томонидаги хонани эгаллашади. Ота-онаси синглисининг хонасига, Грегордан ўнгдаги хонага кўчадилар. Грета мехмонхонада ухлашга мажбур — эндиликда унинг ўз хонаси йўқ, чунки

ижарачилар мехмонхонада кечки овқат қилишади ва ҳордиқ чиқаришади. Бундан ташқари, ижарачилар жиҳозланган квартирага ўз мебелларини ҳам олиб келишган. Уларда кўрманаки озодаликка иблисона эхтирослар бор ва ҳамма керак бўлмаган буюмлар Грегор хонасига тиқиштирилади. Яъни, иккинчи қисм 7-сахнасида ҳамма мебелни олиб чиқиш билан боғлиқ бўлган хангоманинг тескариси қилинади. Ўшанда мебель чиқариб ташланганиди, энди хона лаш-лушларга тўлдирилади. Қизиқарлиси шундаки, Грегор, оғир жароҳатланган қўнғиз — олма тикилиб қолган жой йиринглаган, у деярли овқатланмай қўйган, — чанг босган эски-тускилар орасида юриб ҳузурланади. Барча ўзгаришлар рўй берадиган учинчи қисмнинг маақур 5-сахнасида оилавий тамадди қилиш хусусияти қандай ўзгарганлиги кўрсатилган. Соқолли оғизларнинг механик ҳаракатига Зама оиласининг механик жавоби мос тушади. Ижарачилар «столнинг аввал отаси, онаси ва Грегор овқатланадиган томонидаги стулларга ўтирдилар, салфетқаларни ёйдилар ва қўлларига пичоқ билан санчқиларни олдилар. Шу заҳотиёқ эшикдан онаси гўшт солинган идиш, дархол унинг орқасидан синглиси картошкага тўла идиш билан пайдо бўлди. Овқатдан қуюқ буғ чиқарди. Ижарачилар олдиларига қўйилган овқатга қўл теккизишдан олдин уни текшириб кўрмоқчи бўлганларидек, идишлар томон бош эгдилар, улар ичида ўртадан жой олгани, афтидан, бошқалар томонидан алоҳида ҳурматга сазовори ҳақиқатан ҳам гўшт етарли даражада юмшоқлигини аниқлаш ва уни қайтариб юбориш керакмасмикин, деган маънода бир бўлагини идишнинг ўзида пичоқ билан кесиб кўрди. Таом унга маъқул тушди, унинг ҳаракатларини хавотирланиб кузатиб турган онаси билан синглиси енгил тортиб жилмайишди». Грегорнинг катта оёқларга ўта ҳасад билан қараганлигини ёдга олайлик; энди бу тишсиз қўнғизни тишлар қизиқтиради. «Грегорга тамадди пайтида пайдо бўлаётган турли-туман шовқинлар орасида чайнаётган тишларнинг гижирлаши кўпроқ қулоғига чалинаётганлиги ажабланарли туюлди; худди бу Грегорга овқатланиш учун тишлар кераклиги, жағлар канчалик бақувват бўлмасин, тишларсиз уларнинг ҳеч нарсага ярамаслигини билдириб қўйиш учун қилинаётганга ўхшарди. «Мен ҳам бирор нарса еган бўлардим, — дерди Грегор ўзига-ўзи ташвишли ҳолда, — лекин улар тамадди қилаётган нарсани эмас. Бу одамларнинг иштаҳасини қаранг, мен эса очликдан ҳалок бўлмоқдаман!»

VI сахна. Бу ажойиб мусикавий сахнада ижарачилар Грегнинг ошхонада скрипка чалаётганини эшитиб, мусикага кечки овқат ниҳоясидаги ўзига хос ширинлик таоми сифатида қараб, уни ўзлари олдида мусика ижро этишни таклиф қиладилар. Уч ижарачи ва уч мезбон меҳмонхонада жойлашишади.

Мусика ихлосмандларини ранжитишни истамаган ҳолда шуни таъкидламоқчиманки, умумий тарзда, истеъмом нуқтаи назаридан мусика адабиёт ва рассомчиликка қараганда санъатнинг ҳайвонийроқ туридир. Мен мусикага умуман — шахсий ижод, тасаввур, ёзувчилик нуқтаи назаридан эмас, унинг оддий тингловчига таъсири нуқтаи назаридан ёндашмоқдаман. Буюк бас-такор, буюк ёзувчи, буюк рассом — ака-укалардир. Лекин ҳисоблашимча, мусиканинг тингловчига ҳаммабоп ва жайдари шаклда кўрсатадиган таъсири, ўртача китоб ёки сурат кўрсатадиган таъсирдан сифат жиҳатидан бир поғона паст туради. Бунда мен энг аввало, мусиканинг — ёзиб олинган, радио орқали бериладиган мусиканинг айрим одамларга тинчлантирувчи, аллаловчи, бефаҳмловчи таъсирини назарда тутмоқдаман.

Кафканинг ҳикоясида киз скрипкани шунчаки чийиллатади — бу бугунги кундаги консервалаштирилган ёки эфирдаги мусикага мос келади. Кафка мусикага ҳозиргина баён этганимдек муносабатда бўлган: у мусикада ҳайвоний, телбалаштирувчи нарсани ҳис этган. Кўпгина таржимонлар томонидан нотўғри тушунилган жумлани талкин қилишда бундай муносабатни ҳисобга олиш керак. Бу жумлада шундай дейилган: «Мусика Грегорни шунчалар завқлантирган бўлса, у ҳайвон бўлганми?» Яъни, у одамлик пайтида мусикани у қадар ҳуш кўрмаган, энди, кўнгизга эврилганидан сўнг, унинг олдида ўзини ушлаб туролмайди: «Унга олдида орзуланган татиб кўрилмаган емак томон йўл очилаётгандек туюларди». Саҳна куйидагича ривожланади: Грегорнинг синглиси ижарачиларга куй қилиб бера бошлайди. «У кейинги пайтларда ўзгаларга у қадар зийрак эмаслигига деярли ажабланмай қўйганди; олдинлари эса ўзининг сезирлигидан гурурланарди. Ҳолбуки, худди ҳозир унинг яшириниши учун ҳар қачонгига қараганда ҳам кўпроқ сабаб бор эди, чунки ўзи хонасининг ҳамма томонида уюлиб ётган ва салгина кўзгалса кўтариладиган чангга беланганди, орқаси ва бикинида иплар, сочлар, емак колдикларини судраб юрарди; авваллари бўлганидек, кунига бир неча бор чалканча ётиб, ҳамма ёғини тозалаш одати барча нарсага ниҳоят-

да бефарк бўлиб қолганлиги сабабли бўлганди. Аммо ўзининг ифлослигига қарамасдан меҳмонхонанинг ялтираб турган полдидан олдинга силжишдан ҳадиксирамади».

Бошида уни ҳеч ким пайқамайди. «Скрипкада ёқимли, кизикарли мусикани тинглаш умидларида алданган» ижарачилар дераза олдига бориб, мусика тугашига тоқат қилиб, паст овозда сухбатлаша бошлайдилар. Лекин Грегорга синглиси мусикани ажойиб ижро этаётгандек туюлади. У «яна бироз олдинроққа силжиди ва синглисининг нигоҳи билан учрашиш имконига эга бўлиш учун боши билан полга қапишди. Мусика уни шунчалик завқлантираётган бўлса, у махлуқми? Унга олдида ўзи орзулаётган татиб кўрмаган емак томон йўл очилаётгандек туюларди. Унда синглисининг олдига яқинлашиш, юбкасидан тортиб, скрипкаси билан ўзининг хонасига киришига имо бериш катъияти кучайиб борарди, чунки бу ерда ҳеч ким синглисининг скрипкадаги ўйинини унингдек баҳолай олмайди. У бундан буён синглисини ўзи ҳаёт экан, ўз хонасидан чиқармасликка қарор қилди; майли, унинг даҳшатли турки ниҳоят ўзига хизмат кўрсатсин; у ўз хонасининг барча эшиклари олдида бирданига пайдо бўлиб, олдиларига кирмоқчи бўлганларни вижиллаган овози билан кўркитишни хоҳларди; лекин синглиси унинг олдида мажбуран эмас, ихтиёрий қолиши керак; синглиси диванда унинг ёнига ўтирсин ва унга қулоғини тутсин, ўшанда у синглисига, агар бу бахтсизлик рўй бермаганида уни ўтган рожествода — ахир рожество ўтиб кетган бўлса керак? — консерваторияга киритишга катъий аам қилганлигини ва у бу масалада ҳеч кимнинг бирон эътирозини писанд қилмасдан ҳаммага эълон қилган бўларди. Бу сўзлардан сўнг синглиси ҳаяжонланганидан йиғлаб юборарди, Грегор эса унинг елкасига тирмашиб чиқиб оларди ва синглиси хизматга кирганидан бери на ёқалари, на тасмалар билан яширмаган бўйнидан ўпиб оларди».

Ўртадаги ижарачи тўсатдан Грегорни кўриб қолади, отаси аввалгидек қўнғизни ҳайдаб юбориш ўрнига тесқарисига иш тутади: уч ижарачи олдига шошилади, «кенг ёйган қўллари билан уларни хоналарига итариб киргизиш ва бир вақтнинг ўзида гавдаси билан Грегорни кўзларидан бекитишга уринарди. Энди улар ҳақиқатан ҳам: ёки отасининг қилмишидан, ёхуд ҳеч нарсадан гумон қилмасдан Грегордек қўшни билан яшаганларидан воқиф бўлганларидан аччиқлана бошлашганди. Улар отасидан изоҳ талаб қилишар, қўлларини силқитар, соқолларини ғижимлашар ва аста хоналарига чекинишарди». Синглиси

ижарачилар хонасига югуради ва тезда уларнинг тўшакларини тўғрилайди. Аммо отанинг «яна ўжарлиги тутиб қолганга ўхшарди, шу сабаб у, ҳар ҳолда, ўз ижарачилари билан хушмуомалада бўлиши кераклигини ёдидан кўтарганди. Отаси ҳамон уларни тисартириб борарди, ниҳоят хона эшиги олдида ўртадаги ижарачи полни оёғи билан гурсиллатиб тепиб, уни тўхтатди.

— Баёнот беришимга ижозат берсангиз, — деди у қўлини кўтариб ва кўзлари билан онаси ва синглисини излаб, — бу квартира ва бу оиладаги жирканч тартиб сабабли, — шу жойда у катъий равишда полга тупурди, — мен хонадан батамом воз кечаман. Албатта, бу ерда яшаган кунларим учун сарик чақа ҳам тўламайман, аксинча сизларга, ишонтириб айтаманки, жуда асосли даъво қилиш ҳақида хали ўйлаб кўраман.

У гапиришдан тўхтади ва бирон нарсани кутаётгандек олд томон қаради. Унинг икки дўсти ҳам дарҳол овозини чиқардилар:

— Биз ҳам батамом воз кечамиз.

Шундан сўнг у туткични ушлаб, эшикни тарақлатиб ёпди».

VII саҳна. Синглиси ўзини тўла фош этади; унинг узил-кесил хиёнати Грегор учун фожиали: «Бу дахшатли махлук олдида ўз акамнинг отини тилга ҳам олмайман ва фақат шуни айтаманки, биз ундан халос бўлишга ҳаракат қилиб кўришимиз керак...

— Биз ундан қутулиш учун уриниб кўришимиз керак, — деди синглиси фақат отасига мурожаат қилар экан, зеро, онаси ўз йўтали билан бўлиб, ҳеч нарсани эшитмасди, — у, мана кўрасиз, ҳаммамизни қаро ер қилади. Биз ҳаммамиз ўлиб-тирилиб ишласак, бунинг устига уйда бир умрлик азобга дучор бўлсак. Мен ҳам энди бунга чидай олмайман.

Ва у шу қадар хўнграб йиғлашга тушдики, кўз ёшлари онасининг юзига оқа бошлади, синглиси бенхтиёр уларни қўллари билан артишга тушди». Ота ва сингил Грегор уларни тушунмаслиги ва шу сабабли у билан бирон нарсага келишиб бўлмаслиги фикрида яқдиллар.

— Бу ердан йўқолсин! — хайқирди синглиси. — Ота, бу — ягона йўл. Фақат сен бу Грегор эканлиги ҳақидаги ўйингдан қутулишинг керак. Бизнинг бахтсизлигимиз ҳам узоқ вақт бунга ишониб келганимиздадир. Аммо канақасига бу Грегор бўлсин? Агар бу Грегор бўлганида, у аллақачон одамлар бундай махлуклар билан яшай олмасликларини тушунган ва ўзи йўқолган бўларди. Бу ҳолда бизнинг акамиз бўлмасди, бироқ биз аввалгидек яшайверган бўлардик ва унинг хотирасини ёд сақлардик. Бу махлук

эса бизни таъкиб қилади, ижарачиларни хайдайди, бутун квартирани эгаллаб олиш ва бизни кўчага улоктириб ташлашни хохлаётганлиги очик-равшанга ўхшайди».

У инсоний мавжудот ва ака сифатида йўқ бўлгани, энди кўнғиз сифатида ҳам йўқ бўлиши кераклиги Грегор учун ҳалокатли зарба бўлди. Бехол ва мажруҳ холида у ғоят қийинчилик билан хонасига судралиб кетади. Эшик олдида у ўгирилади ва сўнги нигоҳи ухлаётган онасига тушади. «У хонасига кириши билан эшикни шошилиб ёпишди, тамбалашди, кейин эса қулфлаб ҳам кўйишди. Грегор оркасида кутилмаган бу шовқиндан шу қадар кўрқиб кетдики, панжалари кийшайиб қолди. Синглиси шундай ҳам шошилаётганди. У шай ҳолда турган эди, кейин олдинга тезлик билан отилди — Грегор унинг қандай яқинлашганини ҳам эшитмади, — ва ота-онасига: «Нихоят-а!» — деб кичкириб, қулфдаги қалитни буради». Қоронғуликда қолган Грегор умуман қимирлай олмаслигини сезди, унинг бутун танаси оғриётган бўлса ҳам санчик йўқлаётгандек туюларди. «Оркасида чириб кетган олма ва унинг атрофидаги, чанг билан қопланишга улгурган ярасини эса деярли ҳис қилмасди. Ўз оиласи ҳақида меҳрибонлик ва муҳаббат билан ўйларди. У шунингдек, ҳатто синглиси айтганидан ҳам қатъийроқ равишда бу ердан ғойиб бўлиши керак деб ҳисобларди. Минорадаги соатлар учга бонг ургунга қадар у ана шундай беғубор ва сокин ўйлар оғушида бўлди. Дераза ортида ҳамма нарса ёришганида у хали ҳаёт эди. Кейин боши унинг иродасига бўйсунмасдан жуда пастга осилиб тушди ва у сўнги марта беҳол нафас олди».

VIII саҳна. Грегор ўлган; эрталаб оқсоч хотин унинг қуқурук жасадини топади ва қумурскалар оиласини қудратли, илик енгил тортиш ҳисси эгаллайди. Тарихнинг бу қиррасига синчиклаб ва меҳр билан қараш керак. Грегор — қумурска киёфасидаги инсон; унинг оиласи — инсон киёфасидаги қумурскалардир. Грегор ўлди ва оила аъзоларининг қумурска қалблари дарҳол энди ҳаётдан қувонавериш мумкинлигини ҳис этади.

« — Грета, бир дақиқага бизнинг олдимизга кир. — деди хоним Замза ғамгин табассум билан ва Грета, жасаддан кўзини олмаган ҳолда ота-онаси ортидан ётоқхонага йўл олди».

Оқсоч аёл деразани ланг очади, кўча ҳавосида иликлик ҳис этилади: март охирида қолган ва қумурскалар қарахтликдан уйғона бошлашади.

IX саҳна. Ажойиб манзара: ижарачилар тунд ҳолда нонушта талаб қиладилар, уларга эса нонушта ўрнига Грегорнинг жасади-

ни кўрсатишади. «Улар ўша хонага киришди ва энди жуда ёруф хонада қўлларини костюмларининг сийқаланган чўнтакларига бекитган холда Грегор жасадини ўраб олишди». Бу ерда қайси сўз хал килувчиси? Куёш нуридаги «сийқаланган». Эртақдагидек, эртақнинг бахтли тугашидек: мўъжизакор вафоти билан ёвуз жодулар тарқалиб кетади. Ижарачиларнинг мажрухлиги ошқор бўлади, уларда энди ваҳимали ҳеч вако йўқ; Замза оиласи эса, аксинча, рухланиб кетган, жўшқин ҳаётий кучга тўлган, ўз айтганини қилдиради. Саҳна зинапоя мавзусининг такрорланиши билан тугайди. Олдин бошқарувчи зинапоядан секинлаштирилган ҳаракатда панжарага суяниб тисарилган эди. Ҳозир эса жаноб Замза итоаткор қилинган ижарачиларга квартирани бўшатиб қўйишни буюради. «Кириш йўлагиди хар учаласи илгичдан шляпаларини, асолар қўйиладиган жойдан асоларини олиб, индамасдан бош эгишди ва квартирани тарқ этишди». Зинапоядан уч соқолли ижарачи, автоматлар, мурвати бураладиган қўғирчоқлар тушмоқда; Замза оиласи эса зинапоя панжараларига суяниб, уларнинг кетишини кузатяпти. Пастга олиб тушадиган зиналар, таъбир жоиз бўлса, кумурсқанинг бўғинли оёқчаларини эслатади; ижарачилар гоҳ кўздан ғойиб бўлиб, гоҳ кўриниб, тобора пастга, бир майдончадан иккинчисига, бир бўғиндан иккинчисига тушишяпти. Қайсидир нуктада улар билан қассоб дастёри учрашади: у аввал пастдан кўринади ва улар томон кўтарилади, кейин улардан анча тепада, қаддини мағрур тик тутган, бошида кизил бифштекслар ва сувли ичак-чавоқлар, ялтироқ семиз пашшаларни урчитадиган кизил хом гўшт тўла сават билан кўринади.

Х саҳна. Сўнги саҳна ўзининг кинояли соддалиги билан ҳайратланарлидир. Баҳорги куёш ёғдуси хат битаётган — хуснихат, бўғинли оёқчалар, хурсанд панжалар — синглиси ва отаси билан онасига тушади: уч кумурсқа учта — ўз бошликларига тушунтириш хати ёзишяпти. «Улар бугунги кунни дам олиш ва сайр қилишга бағишлашга қарор қилишган; улар ишда бундай танаффуслар қилишга сазовор бўлибгина қолмасдан, бу улар учун айни зарурат эди». Оқсоч аёл эрталабки юмушларини тугаллаб, уларга жилмайиб: «анави нарсани қандай чиқариб ташлаш тўғрисида ташвиш тортмасангиз бўлаверади, ҳамма нарса жойида», дейди. Замза хоним ва Грета яна диққат билан хатлари устида бош эгадилар, жаноб Замза эса оқсоч хотин тафсилотларни батафсил гапириб бермоқчи эканлигини сезиб, қўлининг катъий ҳаракати билан уни тўхтатади...

« — Кечкурун у ишдан бўшатилади, — деди жаноб Замза, лекин хотинидан ҳам, кизидан ҳам жавоб ололмади, чунки оксоч аёл улар аранг муяссар бўлган хотиржамликларини бузган эди. Она ва киз ўрнларидан туришди, дераза олдига келишди ва кучоклашиб, шу ерда тўхташди. Жаноб Замза стулида ўтириб, улар томон ўгирилди ва бир неча лаҳза индамай уларга қараб турди. Кейин уларга хайқирди:

— Бу ёкка келсанглар-чи! Ўтмишни нуутинглар энди. Бирозгина бўлса-да, мен ҳақимда ҳам ўйланглар.

Аёллар бунга дарҳол бўйсуниб, унинг олдига шошилишди, уни эркалашди ва тезда хатларини тугаллашди.

Шундан кейин улар бир неча ой давомида эплашмаганини қилишди — квартирани биргаликда тарк этишди ва трамвайда шаҳар ташқарисига йўл олишди. Улар бир ўзлари ўтирган вагон майин қуёшга тўла эди. Улар ўз ўриндикларига қулай суянишиб олиб, келажак режаларини муҳокама қилишга тушишди; бу мўлжаллар тузуқрок қаралса, чакки эмас экан, чунки улар бир-бирларидан, умуман олганда, сўраб-суриштирмаган хизматлари ҳаммаларига ниҳоятда қулай, энг асосийси эса, келажакда кўп нарсага умид қилиш мумкин экан. Квартираларини алмаштириш ҳозирги аҳволларини энг осонгина тубдан яхшилаш имконини берган бўларди, албатта; улар ҳозирги, олдин Грегорнинг ўзи танлаган квартиралари ўрнига ихчамрок, арзонрок, аммо янада қулайроғини ижарага олишга қарор қилишди. Улар суҳбатлашар эканлар, жаноб ва хоним Замза ўйларига деярли бир вақтда тобора жонланиб бораётган қизларининг юзини синиктирган барча қайғуларга қарамасдан, сўнгги вақтда у очилиб кетганлиги ва ҳақиқий соҳибжамолга айланганлиги келди. Гапларини тўхтатишиб, беихтиёр имолар тилига ўтиб, улар мана, энди унга муносиб эр топиш вақти келганлиги ҳақида ўйлай бошлашди. Қизлари уларнинг янги орзулари ва ажойиб ниятларини тасдиқлаётгандек, сафарларининг сўнггида биринчи бўлиб ўрнидан турди ва гўзал коматини кўз-кўз қилди».

Ҳикоянинг асосий мавзуларига яқун ясайлик.

1. Ҳикояда уч рақами сезиларли роль ўйнайди. Ҳикоя уч қисмдан иборат. Грегор хонасининг уч эшиги бор. Ҳикоя давомида уч хизматкор аёл пайдо бўлади. Уч ижарачининг учта соқоли бор. Уч Замза учта хат ёзади. Мен рамзлар аҳамиятини ҳаддан ташқари кучайтиришдан хавфсирайман, зеро, сиз рамзни китобнинг бадий негизидан узиб олишингиз билан у сизни қувонтиришини тўхтатади. Бунинг сабаби шундаки, бадий рамзлар ҳам,

бачкана, ўйлаб топилган ва хатто ахлоқона рамзлар ҳам бўлади. Сиз бундай талайгина тентакнамо рамзларга — ўртамиёна ақлларни жуда жалб қиладиган урфли ишратнинг ривоят билан қоришмаси тарадагиларига Кафка асарларини рухий таҳлиллари ва ривоятли талқинларида дуч келасиз. Бошқача қилиб айтганда, рамзлар ҳақиқий ҳамда бачкана ва ахлоқона бўлиши мумкин. Ҳақиқий бадий асарнинг абстракт рамзий аҳамияти ҳеч қачон ажойиб тарада ловуллаб турган ҳаётдан устун келмаслиги керак.

Шу сабабли «Эврилиш»даги уч рақамига урғу берилиши рамзийликдан кўпроқ аломат, геральдик хусусиятига эгадир. Моҳият жиҳатидан у техникавий роль ўйнайди. Учлик, триплет, триада, триптих — санъатнинг маълум шакллари, улар, масалан, уч ҳолат — ёшлик, етуклик, қарлик — ёки бошқа ҳар қандай уч қисмли асардек. Триптих сурат ёки ҳайкалтарошлик асарининг уч қисмда ёнма-ён берилишидир. Кафка, масалан, ҳикоянинг бошланишида уч хонани — марказида Грегорнинг хонаси бўлган ҳамда меҳмонхона ва сингиси хонасини тасвирлаш билан шундай таъсирчанликка эришади. Бундан ташқари, уч қисмли тузилма пьесанинг уч кўринишига ўхшатилади. Ва ниҳоят, шунинг таъкидлаш керакки, Кафканинг фантазияси қатъиян мантиқий: мантикка триада (тезис-антитезис-синтез)дан нима яқинроқ бўлиши мумкин. Шунинг учун Кафканинг «уч» рамзига унинг эстетик ва мантиқий аҳамиятини қолдирайлик-да, ишратчи ривоятчилар веналик маддох раҳбарлигида бу ҳақда тўқиган нарсаларни унутайлик.

2. Бошқа мавзу чизиғи — бу бутун ҳикоядан қизил ип бўлиб ўтган очилаётган ва қулфланаётган эшиклар чизиғидир.

3. Учинчи мавзу чизиғи — Замза оиласи турмуши аҳволининг яхшиланиши ва ёмонлашиши; бу — улар фаровонлигининг ортиши ва Грегорнинг ўта аянчли аҳволи ўртасидаги нозик мутаносибликдир.

Бошқа, иккиламчи мавзулар ҳам бор, бироқ ҳикояни тушуниш учун фақат юқорида қайд этилганлар муҳимдир.

Кафка услубига эътибор қаратинг. Унинг равшан тили, аниқ ва жиддий оҳанг ҳикоянинг даҳшатли мавзусига қатъий қарама-қарши қўйилган. Унинг шиддатли, оқ-қора матни ҳеч қандай шоирона ташбеҳлар билан безалмаган. Унинг тилининг шаффофлиги фантазиясининг хафахон бойлигидан далолат беради. Қарама-қаршилиқ ва бирлик, услуб ва мазмун, усул ва материал ажралмас яхлитликка жипслаштирилган.

Русчадан Эркин ЭРНАЗАРОВ таржимаси

КАФКА ҲИКМАТЛАРИ

«Ҳақиқий йўл тўғрисидаги мушоҳадалар» — бу аслини олганда афоризм. Тагин қанақа денг, кафкача, жуда даҳшатли, телбаликка караганда ўзгачаликнинг мудҳиш тусига эга ҳикматлар. Уларда ҳаммага қўлаши мумкин бўлган ҳаёт донолиги жуда ҳам кам, бироқ Кафканинг ўзига дахлдорлиги, унинг тасаввурлари ва тажрибасига мансублари ниҳоятда кўп. Афоризмлардан қаҳр уфуриб туради, бу билан улар Нишче афоризмларини эслатади, лекин улардан ташқари бу ҳикматларда беҳоллик ва кўркинч кўп, бу эса — худди Кафкадир. Бундай афоризмлардан иктибос келтириш қийин, чунки улар Кафканинг романлари каби бадиий асарлардир, фақат афоризмларнинг ҳар бири эмас, ҳаммаси жамланган ҳолдагина.

Кафка афоризмлари фақат муаллиф/қаҳрамонга нисбат берилган шахсий кечинмалар мажмуидир. Улар шу даражада шахсий, шахсий тажриба, кечинма ва изтироблардан шаклланган бўлишига қарамасдан, четда турган китобхон ҳам бу афоризмларни идрок этибгина қолмасдан, ўзига нисбатан қўллай ҳам олади. Мен тубсизликни ҳис этялман, аммо бу, масалан, менинг эмас, балки Кафканинг шахсий телбалиги тубсизлигидир.

* * *

Ҳақиқий йўл баландликда эмас, балки шундоқкина ер устига тортилган дор орқали ўтади. Бу йўл у узара одим отишга эмас, балки ҳамиша қоқилиш учун мўлжалланганга ўхшайди.

* * *

Инсон ҳамма хатоларининг моҳияти тоқатсизлик, изчилликдан барвақт воз кечиш, сохта ишга сохта диққат-эътиборни қаратишдадир.

* * *

Хамма бахтсизликларни келтириб чиқарадиган иккита асосий инсоний гуноҳ бор: бу — тоқатсизлик ва бепарволик. Тоқатсизлик сабаб инсон жаннатдан қувилган, бепарволиги туфайли у ерга қайтиб бора олмайди. Эҳтимол, битта асосий гуноҳ: тоқатсизлик бордир. Тоқатсизлик учун қувилган, тоқатсизлик сабаб қайта олинмайди.

* * *

Ёвузликнинг энг таъсирчан васвасаси — курашга даъватдир.

* * *

Катак кушни излаб кетди.

* * *

Сен — масаласан. Атрофда эса бирорта ўқувчи йўк.

* * *

Мақсад бор, аммо йўл йўк; биз йўл деб атайдиган нарса — бу сусткашлиқдир.

* * *

Мен авваллари нега саволимга жавоб олмаслигимни тушунмас эдим, бугун мен қандай қилиб сўраш мумкин деб ўйлаганимга тушунмайман. Лекин мен ўйламаганман ҳам, фақат сўраганман.

* * *

Ёвузликдан қарзни муҳлатни чўзиб тўлаш мумкин эмас — аммо муттасил шунга интиладилар.

* * *

Уларга шох ёки шох жарчилари бўлишни ўзлари танлаш ҳуқуқи берилганди. Уларнинг ҳаммаси болаларча шох жарчилари бўлишни хоҳлашди. Шу сабаб фақат жарчилар бор, бу кимсалар дунё бўйлаб елиб юридилар ва шох йўқлиги учун маъносини йўқотган хабарларни бир-бирларига етказадилар.

* * *

Тараққийётга ишониш тараққийётга эришилди дегани эмас.

* * *

У Ернинг хур ва химоя остига олинган фуқаросидир, зеро, у заминдаги барча кенгликларга ета оладиган даражада узун занжирга боғланган, аммо бу занжирнинг узунлиги шунчаки, унинг Ер доирасидан чиқишига имкон бермайди. Айни пайтда у яна фалакнинг ҳам хур ва химоя остига олинган фуқаросидир, зеро, фалак занжирига ҳам худди шу тарада боғланган. Агар у Ерга талпинса, бўйнидаги фалак сиртмоғи бўғади, фалакка интилса — Ернинг сиртмоғи. Шунга қарамасдан унда ҳамма имкониятлар бор, буни у хис қилади, ҳатто у буни даставвалги янглишлик эканлигини ҳам тушунтиришдан бош тортади.

* * *

Ўзингни инсонийликда синаб кўр. У иккиланувчиларни иккиланишга, ишонадиганларни ишонишга мажбур қилади.

* * *

Рух таянч вазифасини ўтамасагина эркин бўла олади.

* * *

Ҳақиқат бўлинмайди, демак у ўзини ўзи таний олмайди; ким уни танишни хоҳласа ёлғонга айланиши керак.

* * *

Ишонч кундага тушаётган болтадек ҳам залворли, ҳам енгил.

* * *

Ўзинг билан дунё ўртасидаги курашда тинчлик ҳаками бўл.

* * *

Атрофимиздаги ҳамма укубатлардан биз ҳам азоб чекишимиз керак. Ҳаммамизнинг танамиз бир эмас, лекин биз бир хил ривожланамиз. Шу сабабли биз у ёки бу шаклда барча дардларни бошдан кечирамиз. Гўдак улғайиши давомида то қаригунча ва вафот этгунга қадар ҳаётнинг барча босқичларидан ўтгани каби,

биз ҳам инсоният билан боғлиқлигимиз сабабли улғайишимиз давомида бу дунёнинг барча уқубатларидан ўтамиз. Бундай ахволда адолатга ўрин йўқ, шу билан бирга уқубат олдида кўрқинчга ёки уқубатни марҳаматдек талкин этишга ҳам ўрин йўқ.

* * *

Гуноҳ ҳамиша ошкор ҳолда келади ва дарҳол хис этилади. У ўз илдизи орқали ортга қайтади ва уни юлиб олиш шарт эмас.

* * *

Биз идрок дарахти мевасини тотганлигимиз учунгина эмас, шунингдек ҳаёт дарахти мевасини тотмаганлигимиз учун ҳам гуноҳқормиз. Гуноҳимиздан қатъи назар, шу ҳолатда бўлишимизнинг ўзи гуноҳдир.

* * *

Ҳаёт муқаддимасининг икки вазифаси: ўз доирангни тобора чеклаш ва мунтазам равишда ўз доиранг ташқарисида қаердадир бекиниб олмаганлигингни текшириб бориш.

* * *

Салбий ишга қўл уриш — бу хали зиммамизга юкланадигани; ижобий ишларга қўл уриш — бизга инъом этилгани.

* * *

Эзгулик, қайсидир маънода, хурсандчилик эмас.

* * *

Унинг, эҳтимол, эгалик қилиши, лекин мавжуд эмаслиги ҳақидаги тасдиққа жавоби фақат титраш ва юрак уриши бўлди.

* * *

Агар сен текис йўлдан ўз ихтиёринг бўйича кетаётган ва шунга қарамасдан орқага чекинган бўлсанг, ниятинг пучга чиқарди; бироқ сен қияликдан юқорига тирмашар экансан ва бу

қиялик пастидан ўзинг унга осилиб қолгандек туюлсанг, орт томон қадам қўйилиши фақат замин хусусиятлари туфайли бўлиши мумкин ва бундан тушкунликка тушмаслик керак.

* * *

Шундай саволлар борки, агар биз табиат томонидан улардан халос этилмаганимизда, бу саволлар ёнидан ўтиб кетолмаган бўлардик.

* * *

Баъзан ёвузлик қўлдаги қуролга ўхшайди; уни танисанг ҳам ёки танимасанг ҳам, ироданг билан четга суриб қўйишга қаршилиқ кўрсатмай изн беради.

* * *

Ёвузлик — инсон тафаккурининг муайян ўтиш ҳолатларидаги нуридир. Сохта ҳаёллар моҳият жиҳатидан ҳиссиёт дунёси эмас, балки унинг ёвузлигидир; лекин у бизнинг нигоҳимизга ҳиссиёт дунёси бўлиб кўринади.

* * *

Дунёда ким ўз яқинларини яхши кўрса, фақат ўзини яхши кўрадиганларга қараганда кўп ҳам эмас, кам ҳам эмас адолатсизлик қилади; бунда фақат битта савол қолади: яқинни яхши кўриш мумкинми?

* * *

Ким дунёдан воз кечса, барча инсонларни яхши кўриши керак, зеро, у уларнинг дунёсидан ҳам воз кечаяпти. Бу билан у инсониятнинг ҳақиқий моҳияти нимадан иборат эканлигини англай бошлайди: чунки сен инсониятга мансуб экансан, уни яхши кўрмаслик мумкин эмас.

* * *

Биз жаннатда яшаш учун яратилган эдик, жаннат бизга хизмат қилиш учун яратилган эди. Биз нима учун яратилган-

лигимиз ўзгартирилди; лекин жаннатнинг яратилиши билан нима содир бўлганлиги ҳақида айтилмайди.

* * *

Муайян нуктадан бошлаб оркага қайтиб бўлмайди. Бу нуктага етиб бориш керак.

* * *

Бизнинг санъатимиз — ҳақиқатдан кўр бўлишдир.

* * *

Маънавий дунёдан бошқа ҳеч нарса йўқ; биз хиссий дунё деб атайдиган нарса маънавий дунёдаги ёвузликдир, биз ёвузлик деб атайдиган нарса доимий тараққий этишимизнинг қайсидир лаҳзасидаги заруратдир, холос.

* * *

Ҳеч кимни, шу жумладан дунёни ҳам у ғалабага эришганлиги билан алдаб бўлмайди.

* * *

Илоннинг воситачилиги зарур эди: илон инсонни авраши мумкин, лекин ўзи инсон бўла олмайди.

* * *

Сен турган замин икки оёвинг қафти босиб туришга етарли бўлганидан катта эмаслигини англаб етиш — бахтдир.

* * *

Рақибинг ҳақиқий бўлса, вужудингни чексиз матонат қамрайди.

* * *

Инсоний тараққиётнинг ҳал қилувчи лаҳзаси боқийдир; шу сабабли ўтмишдаги барча нарсани арзимас деб эълон қиладиган инкилобий маънавий ҳаракатлар ҳақдир. зеро, хали ҳеч нарса содир бўлгани йўқ.

* * *

Худди кузги йўлакдек: уни ҳозир шипирган бўлсалар-да, шу захотиёқ қуруқ япроқлар билан қопланади.

* * *

Рўпарамиздаги ўлим — тахминан синф деворида Искандар Зулқарнайнинг жанги тасвирланган суратдек. Аммо ҳамма гап бу ҳаётда ана шундай суратни ўз ишларинг билан безаш ёки манзарани батамом ўчиришда эканлигидадир.

* * *

У тошни сиққан қўлдек маҳкамдир, қўл эса тошни иложи борича узоқроққа отиш учунгина қаттиқ сиққан; лекин йўл ўша олисликка ҳам олиб боради.

* * *

Сен дунё азобларидан ўзингни четга олишинг мумкин, сенга бунга изн берилади ва бу табиатинга мос; лекин, эҳтимол, ана шу ўзингни четга олиш сен дучор бўлмаслигинг мумкин бўлган яккаю ягона азоб бўлиши мумкин.

* * *

Инсон иродасининг эрки бор, бу уч хил кўринишдадир. Биринчидан, у маъқур ҳаётни хошлашда эркин эди; энди эса у бу эркини орқага қайтариб ола олмайди, чунки ҳозир у ана шу эркини хоҳлаган пайтидагидек эмас. Иккинчидан, у бу ҳаёт йўлини ва унда қандай юришни танлаш эркига эга. Учинчидан, у қачонлардир яна ҳаёлига келадиган инсон ҳар қандай шароитда ҳаёт орқали ўзлигини топиш учун танлаб олган бўлса ҳам жуда чалкаш йўл орқали одим отишга ўзини мажбурлай оладиган иродага эга эканлиги учун ҳам эркидир. Аммо бунда ана шу ҳаёт йўлларининг биронтасига одам қадами етмай қолмайди. Эркин ироданинг бу уч турлилиги, айни пайтда моҳият даражадан шу даражада бир хиллиги эркин ирода учун ҳам, эркисиз учун ҳам жой қолдирмайди.

* * *

Ҳиссий муҳаббат самовий муҳаббатни яширади; бир ўзи бунинг уддасидан чиқа олмасди, лекин у англамаган ҳолда

самовий мухаббат белгиларини ҳам ўзида мужассамлаштирган
ни учун буни эплей олади.

* * *

Ҳамма нарса лаҳзада. У ҳаётни белгилайди.

* * *

Инсоният укубатларининг кишанлари идора коғозларидан
ясалган.

* * *

Тасодиф фақат бизнинг миямизда, чекланган тасаввуримиз-
да мавжуддир. У тафакқуримиз чегараларини акс эттиради.
Тасодифга қарши кураш — ҳамиша ўзимиз билан кураш, биз
ҳеч қачон ғолиб чикмайдиган курашдир.

* * *

Ҳаёт тўлақонлигини англаган кимса ўлим кўрқинчини бил-
майди. Ўлим олдидаги кўрқинч фақат омадсиз ҳаёт оқибатида-
ги бу ҳаётга хиёнат ифодасидир.

* * *

Бахт қариликни истисно этади; гўзалликни идрок этадиган
одам қаримайди.

* * *

Гуноҳлар жаннати орқали эзгулик дўзахига йўл оласан.

* * *

Соғлом инсон учун ҳаёт, аслини олганда, фақат ўзинг тан
олмайдиган ва англамаган ҳолда ундан қочишдир. Бу эртами-
кеч ўлишинг кераклиги ҳақидаги ўйдан қочишдир. Қасаллик
ҳамиша англамаслик ва кучни синашдир; шу сабабли хасталик,
оғрик, азият чекиш — диний эътиқоднинг энг муҳим манбаи-
дир.

* * *

Агар тақдирим тақозоси шу бўлса, пешонамга фақат вафот этиш эмас, балки ўлгунимга қадар бунга қаршилик кўрсатиш ҳам битилган.

* * *

Театр ҳаётга таъсир кўрсата олиши учун, кундалик ҳаётдан кучлироқ, жўшқинроқ бўлиши керак. Ўқ отаётганда мўлжални юқорироқ олиш лозим.

* * *

Ҳамма нарса, шу жумладан ёлғон ҳам, ҳақиқатга хизмат қилади.

* * *

Соялар қуёшни сўндира олмайди.

* * *

Ҳаётнинг моҳияти унинг ниҳояси борлигидадир.

* * *

Йўл чексиздир, уни узайтира ҳам, қискартира ҳам олмайсан, аммо ҳар бир одам унга ўз болача қаричини қўшади. Албатта, сен бу қўшган қаричингни ҳали ўзинг босиб ўтишинг керак. бу сенинг ҳисобингга ёзилади.

* * *

Унинг ўз турмасига кўникиши — ҳаётининг мақсади бўлиши мумкин эди, аммо катакнинг панжараси бор эди, панжара узра ёруғ дунёнинг шовқини ҳудди ўз уйига қираётгандай бефарқ, ҳукмронларча бостириб қираверар эди. Маҳбус амалда озод, ҳамма нарсада иштирок этиши мумкин эди, ташқаридаги бирон нарса нигоҳидан қочмасди, у хатто катакни тарқ этиши мумкин эди. Чунки панжара симлари бир-биридан бир метр оралиқда маҳкамланганди, у хатто маҳбус ҳам эмасди.

* * *

Инсон организмидаги курашда муттасил ўзгариб туриш, янгиланиш, ўлиш, тирилишнинг табиий кўринишлари мавжудлигини инкор этиш учун бизда хамиша куч топилади, лекин матонатимиз йўқ. Холбуки яшаш — инкор этишдир, демак инкор этиш — бу тасдиқлашдир.

* * *

Унинг икки рақиби бор: бири аввал бошдан уни орқасидан таъкиб қилиб келади. Иккинчиси — олдинга юришига тўсик бўлади. У ҳар иккиси билан курашади. Биринчи рақиби уни иккинчиси билан курашда қўллаб-қувватлайди, чунки уни олдинга сурмоқчи бўлади. Иккинчиси ҳам уни биринчи рақиби билан курашда қўллаб-қувватлайди, чунки уни орқага сурмоқчи бўлади. Аммо бу фақат назарияда шундайдир, фақат ана шу икки рақиб эмас, унинг ўзи ҳам бор. Аслида унинг ниятини ким билади? Ҳар ҳолда у қачонлардир ҳеч қачон аввал дуч келмаган зимистон тунда жанг майдонидан чиқишни ҳамда ўзининг жанговар тажрибаси туфайли бир-бири билан курашаётган рақиблари устидан ҳакамликка тайинланишни орау қилган.

* * *

У Архимеднинг таянч нуктасини топди, лекин уни ўзига қарши ишлатди. Афтидан, унга бу таянч нуктасини топиш учун худди шу шарт билан имкон яратилган бўлса керак.

* * *

Айтилган фикр дарҳол ва узил-кесил моҳиятини йўқотади: ёзилган фикр ҳам моҳиятини доимо йўқотади, бироқ баъзида янги фикрга айланади.

* * *

Ёшлик боқий бўлиши мумкин эмас; бошқа бирон тўсик бўлмаса ҳам унинг ўзини ўзи кузатиши бундай имкониятни истисно этади.

* * *

Менинг турган-битганим адабиётдир.

* * *

Ғариб ёзувчилар маҳаллий намуналарга таклид эвазига кун кўрадилар.

* * *

Ўзимни тарк этишга ҳаққим йўқ, чунки мен шундайига ҳам мутлак ёлғизман.

* * *

Ўз фарзандларидан марҳамат кутувчи ота-оналар худди фойдани кўзлаб, таваккалга пул бераётган судхўрга ўхшайдилар.

* * *

Агар мен хикояларни тунда қоғозга тушириб қолмасам, улар рўёдек ғойиб бўладилар.

* * *

Кўлмақда машқлар ўтказиш билан одамларни денгизларнинг оғир синовига тайёрлаб бўлмайди, бироқ кўлмақдаги керагидан ортик машқлар оқибатида одамни денгизчи бўлиш имкониятидан маҳрум этиш мумкин.

* * *

Албатта, кўрқув — бахтсизлик, лекин жасурлик — бахт дегани эмас, зотан бахт бу — кўрқув каршисида довриаб қолмасликдир.

Русчадан Эркин ЭРНАЗАРОВ таржимаси

М У Н Д А Р И Ж А

Франц Кафка.....	3
Акмал Саидов. Кафка олами.....	5
Эврилиш. Эркин Эрназаров таржимаси.....	21
Владимир Набоков. Франц Кафканинг «Эврилиш»и.....	73
Кафка ҳикматлари.....	108

Адабий-бадиий нашр

Франц Кафка

ЭВРИЛИП

Ҳикоя

ҲИКМАТЛАР

Мухаррир *И. Аҳмедов*
Бадиий муҳаррир *Р. Зуфаров*
Рассом *М. Аъламов*
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*
Мусаххих *Г. Азизова*
Компьютерда тайёрловчи *Ф. Чанишева*

Нашриёт лицензияси АИ №158, 14.08.09.

Босишга рухсат этилди 09.01.2013. Офсет қоғози. Бичими 84×108^{1/2}.
«Antiqua UZ» гарнитураси. Офсет усулида босилди. Шартли босма
табоғи 6,30. Нашр табоғи 6,47. Адади 1000 нусха.
Буюртма №12-278

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

РАССЫЛКА